

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

НИГОРА СУЛАЙМОНОВА

**МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ
ТОШКЕНТ ФОНДЛАРИДА
САҚЛАНАЁТГАН
АСАРЛАРИНИНГ
МАНБАШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ**

**ТОШКЕНТ
2020**

**УДК: 811.512
КВК 83(5Ў)
С – 99**

Сулаймонова, Нигора.

Махмуд Замахшарийнинг Тошкент фондларида сақланаётган асарларининг манбашунослик таҳлили. Монография. – Тошкент: “BAYOZ”, 2020. – 136 б.

Ушбу монография хоразмлик буюк аллома Махмуд Замахшарий илмий меросини ташкил этувчи асарлар манбашунослиги тадқиқига бағишиланган бўлиб, унда аллома асарларининг Тошкент фондларида сақланаётган қўллўзма, тошбосма ва нашр нусхаларининг манбашунослик таҳлили амалга оширилган. Тадқиқот доирасида юртимиздаги учта қўллўзмалар фонди: Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўллўзмалар фонди, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси ва Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўллўзмалар хазинаси ўрганилган. Шунингдек, монографияда Махмуд Замахшарийнинг Тошкент фондларида мавжуд асарларининг мазмун ва моҳияти ҳақида атрофлича маълумот берилган.

Монография замахшарийшунос олимлар, филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар ҳамда алломанинг илмий меросига қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган бўлиб, Махмуд Замахшарий меросини ўрганиш борасида янги тадқиқотларга ўзига хос манба бўлиб хизмат қиласи деган умиддамиз.

Такризчилар:

*Шорустам Шомусаров – филология фанлари доктори, профессор
Малика Носирова – филология фанлари номзоди
Муртазо Сайдумаров – филология фанлари номзоди
Исройл Шамсимухамедов – филология фанлари номзоди*

Ушбу монография Тошкент давлат Шарқшунослик институти Кенгашининг 2019 йил 30 майдаги 10-сонли ва Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети Кенгашининг 2019 йил 28 декабрдаги 6-сонли қарорларига асосан чоп этилди.

УДК: 811.512
КВК 83(5Ў)

ISBN 978-9943-6368-4-2

© “BAYOZ”, 2020.
© Н.Сулаймонова, 2020.

*Зиёли инсон, бизни эзгу ишларга разбатлантирган меҳрибоним –
волидаи муҳтарамам Соҳиба онажонимнинг
ёрқин хотирасига багишлайман*

С Ў З Б О Ш И

Ўзбекистон тарихининг бир қатор соҳалари инсоният учун бетакрор кашфиётлар, дунё тамаддунида муҳим ўрин тутган илм-фан ютуқлари асрлар давомида ўзининг илмий нуфузини сақлаб келмоқда. Юртимиздан етишиб чиқсан Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, ал-Хоразмий, Бурхонуддин Марғиноний, ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби алломаларимизнинг илмий мероси бугунги кунда ҳам жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан ўрганилиб, тадқиқ этилмоқда. Маҳмуд Замахшарий ҳам ҳақли равища шундай алломалар сирасига киради. Бу ватандошимиз фаннинг турли соҳаларига оид катта илмий мерос қолдирган. Айниқса, унинг араб тилшунослиги, адабиётшунослиги, луғатшунослиги борасидаги илмий асарлари ҳали-ҳануз мусулмон дунёсининг ноёб илмий манбай сифатида юксак қадрланиб келинмоқда.

Маҳмуд Замахшарий илмий меросида Куръони карим оятларининг шарҳларига оид манбалар ҳам алоҳида эътибор ва эътирофга лойик. Шу таҳлиллар асосида аллома инсоний фазилатлар тавсифларига оид бир қатор дидактик асарлар яратган. Глобаллашув шароитида янги замон кишиларининг маънавий, ахлоқий фазилатларини таркиб топтириш ва мукаммаллаштириш йилдан-йилга долзарб бўлиб бораётган бир пайтда улардан фойдаланиш баркамол авлод тарбиясининг муҳим омилларидан биридир. Шу жиҳатдан, ватандошимиз Маҳмуд Замахшарийнинг бой илмий меросини ўрганиш, уни халқимизнинг маънавий бойлиги сифатида тадқиқ этиш, республикамиз илм-фани истеъмолига замонавий таҳлил ва талқинда тақдим этиш, кенг жамоатчиликка, халқимизга танитиш, асарларини нашр этиш катта аҳамиятга эга.

Маҳмуд Замахшарийнинг илмий мероси умумбашарий методологик аҳамиятга молик илмий мерос, маънавий қадрият сифатида дунё миқёсида кенг қамровли тадқиқ этиб келинади.

Ушбу мероснинг бевосита ворислари бўлган ўзбекистонлик олимлар томонидан муайян ишлар амалга оширилган бўлса-да, аллома илмий фаолиятининг муҳим қисми етарли даражада тадқиқ этилмаган. Шу маънода ушбу мерос Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида, хусусан, филология фанининг адабий манбашунослик ихтисослигида ўрганилиши лозим бўлган долзарб илмий муаммолардан биридир.

Мазкур монография Маҳмуд Замахшарий асарларининг Ўзбекистон фондларида сақланаётган қўлёзма, тошбосма ва нашр нусхаларининг манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқи натижаларига бағишланган. Унда аллома асарларининг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида ва Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар хазинасида мавжуд қўлёзма, тошбосма ва нашр нусхаларининг тавсиф ва таҳлилларига оид назарий хуласалар келтирилган.

Монография замахшарийшунос олимлар, филология йўналишида таҳсил олаётган талабалар ҳамда алломанинг илмий меросига қизиқувчи китобхонларга мўлжалланган бўлиб, муаллиф мазкур тадқиқот Маҳмуд Замахшарий меросини ўрганиш, манбашунослик соҳасини илмий манба билан бойитиш борасида янги тадқиқотларга туртки бўлишига умид қилиб қолади.

ЗАМАХШАРИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ – ЖАҲОН ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ НИГОҲИДА

Илм-фан тараққиётининг тарихий босқичлари кузатилар экан, IX–XIV асрлар мусулмон Шарқида ўзининг интеллектуал салоҳияти, жаҳоншумул кашфиётлари билан танилган ватандошларимизнинг номларини ифтихор билан тилга олинишини кўриш мумкин. «Мусулмон Ренессанси», деб аталган ана шу даврга мансуб аждодларимиздан бири – ислом дунёсида таниқли бўлган машҳур тилшунос, луғатшунос, адабиётшунос олим Маҳмуд Замахшарийдир.

Ўз ақлу заковати ва бой илмий мероси билан нафақат Шарқда, балки бутун жаҳонга машҳур бўлган Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар ибн Муҳаммад ҳижрий 467 йилда ражаб ойининг йигирма еттинчи куни (милодий ҳисобда 1075 йилнинг 19 марта) Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилган.

Олимнинг илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқиш жаҳон шарқшунослигида ўзининг муайян анъаналарига эга. Хусусан, Замахшарийнинг таржимаи ҳоли, унинг илмий фаолияти ва яратган асарлари ҳақида олимлар, тадқиқотчилар кўплаб асарлар яратганлар. Айниқса, ибн Халликоннинг «Вафойоту-л-аъйон ва анбоъ абноъи-з-замон», ибн ал-Анбарийнинг «Нузхату-л-алиббо фи табақоти-л-удабо», Ёқут ал-Ҳамавийнинг «Муъжаму-л-булдон», ал-Ёфиъийнинг «Миръоту-л-жинон», ибн ал-Жавзийнинг «ал-Мунтазам», Жалолиддин ас-Суютийнинг «Буғйоту-л-вуот», ибн ал-Қифтийнинг «Инбаҳу-р-рувот», Ҳожи Ҳалифанинг «Кашфу-з-зунун» каби асарларида олимнинг ҳаёти ва асарлари ҳақида қимматли маълумотлар сакланган. Фаластиналик олима Ҳинд Ҳусайн Тоҳанинг «ал-Адабу-л-арабий фи иқлими Хоразм» номли илмий тадқиқоти ҳам бу соҳада муҳим аҳамиятга эга.

Замахшарий ўз даврининг етук тилшуноси, луғатшуноси, исломшуноси, адабиётшуноси сифатида машҳур. Бунда устози – тилшунослик, луғатшунослик ва адабиётшунослик соҳаларида донг таратган Абу Мудар Маҳмуд ибн Жарир ад-Даббий ал-Исфаҳонийнинг ҳиссаси катта бўлган. Ёқут ал-Ҳамавийнинг ёзишича, Замахшарийнинг устози Абу Мудар Маҳмуд ибн

Шариф ал-Исфаҳоний тилшунослик соҳасида, айниқса, нахву сарфда беқиёс олим бўлган¹. Кўпгина илм толиблари, жумладан, Замахшарий ҳам унинг илмидан баҳраманд бўлган.

Интернет тармоғидаги «Олтин мерос» номли халқаро фонднинг «Буюк олимлар» сайтида берилган «Замахшарий» номли мақолада келтирилишича, Шайх ал-Ҳаётӣ Замахшарийга фикҳ соҳасида билим берган бўлса, имом Рукниддин Маҳмуд ал-Усулий ва имом Абу Мансурларни Замахшарий илоҳиёт илми(теология)да ўз устози деб билган. Замахшарий илм соҳасида ўз устозларидан ҳам ўтиб кетган. Шу сабабли Замахшарийнинг айрим устозлари тафсир илмидан тўла баҳраманд бўлиш мақсадида Замахшарийга шогирд тушганлар².

Алломанинг илмий фаолиятида араб тили асосий ўринни эгаллайди. У ўз асарларини асосан араб тилида ёзган. И.Ю.Крачковскийнинг фикрича,³ келиб чиқиши араб бўлмаган Замахшарий араб маданиятининг қўзга кўринган намояндаси бўлиб етишган. У асарларининг муқаддимасида муттасил равишда араб тилини араб маданиятининг қуроли сифатида эътироф этган. Араб олимлари Замахшарийнинг илмий фаолиятига чуқур эҳтиром билан қараб, у ҳақда шундай деганлар: «Араблар Мовароуннаҳрни қурол билан эгаллай олмадилар, лекин хоразмлик аллома ўз ҳассаси билан бутун араб дунёсини эгаллаб олди»⁴.

Замахшарийнинг илм-фан оламида тутган ўрнига унинг замондошлари, кейинги асрларда яшаган тадқиқотчилар юксак баҳо берганлар. Жумладан, машҳур тарихчи ибн ал-Қифтий у ҳақда шундай деган: «...Замахшарий илм-ул-адаб, нахв ва лугат бобида ўзгаларга намуна бўладиган аллома эди. У ўз ҳаёти давомида кўплаб буюк олимлар ва фозиллар билан учрашиб, тафсир, ҳадис, нахв ва бошқа соҳалар бўйича бир қанча асарлар яратган. У ўз асида араб тилида ижод қилган ажамликлар (ғайри араблар) орасида энг буюгидир».⁵ Ироқлик машҳур тарихчи ибн

¹ Уватов У. Хоразмнинг олис юлдузлари // Шарқ юлдузи, 1991 №2. – 185-б.

² <http://assalam.dgu.ru/html/15/a/15-1.html>

³ Крачковский И. Ю. Избранные сочинения. – Т. 4. – М.–Л.: Издательство АН СССР, 1957. – 313-б.

⁴ Ҳакимов А. Замахшарий тилшунос олим // Шарқшунослик, 1999 №1 – 2. – 278-б.

⁵ Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992. – 23-б.

Халликон шундай ёзган: «Замахшарий тафсир, ҳадис, нахв, лугат ва илм-ул-баёнда буюк имомдир. Ҳеч бир муболағасиз мазкур илмларда у ўз даврининг ягонаси, кўпдан-кўп ажойиб асалар муаллифи эди».¹ Замахшарийдан бир неча аср кейин яшаган мисрлик таниқли тарихчи ибн Тағриберди аллома тўғрисида қуидагича фикр билдирган: «Шайх буюк аллома, ўз даврининг ягонаси, ўз асрининг пешвоси ва имоми бўлган»².

Замахшарийнинг илмий меросини узоқ ўрганиш тарихга эга. Унга қизиқиш нафақат шарқ, балки ғарб, хусусан, европалик шарқшуносларда ҳам катта бўлган. Броккељман, Бенцинг, Гибб, Голдциер, Нельдеке, Райт каби ғарб олимлари, И.Ю.Крачковский, Б.З.Холидов, А.Б.Холидов, В.М.Белкин, В.В.Бартольд, А.К.Боровков, А.Кримский сингари олимлар алломанинг серқирра ижоди устида илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Замахшарий қолдирган бой илмий мерос бугунги кунда мамлакатимизнинг шарқшунос, адабиётшунос олимлари томонидан ҳам ўрганилмоқда. У ҳақда янги-янги маълумотлар мақола, рисола, тўплам ва китоблар чоп этилмоқда.

Замахшарий илмий меросининг жаҳоншумул аҳамият касб этиши уларининг инглиз, француз, немис, лотин, рус, татар, форс, ҳинд, турк каби турли шарқ ва ғарб тилларига таржима қилинишига сабаб бўлган, уларга машҳур олимлар томонидан кўплаб шарҳ, изоҳ, ҳошиялар ёзилган. Буларнинг барчаси аллома илмий меросининг умуминсоний қадрият даражасида эътироф этилишига замин яратди. Унинг асаларини ўрганишга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Унинг асалари Париж, Берлин, Коҳира, Искандария, Тунис, Бағдод, Дамашқ, Байрут, Дехли, Калькутта, Лакхнау, Ҳайдаробод, Қозон сингари шаҳарларда қайта-қайта чоп этилган. Замахшарий томонидан яратилган асаларнинг турли даврларда кўчирилган қўлёзма нусхалари, унга ёзилган шарҳлар Мюнхен, Лейден, Лейпциг, Гамбург, Кембридж, Манчестер, Милан, Санкт-Петербург, Техрон, Пешовар каби йирик шаҳарларнинг миллий кутубхоналарида, қўлёзма фондларида сақланмоқда. Юқоридаги

¹ Ибн Халликон. Вафойот-ул-аъюн. Ж. 1. – Миср: 1881. – 107-б.

² Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992. – 23-б.

маълумотлар, шубҳасиз, Замахшарийнинг буюклика дахлдорлигидан далолат беради.

Замахшарий илмий меросини ўрганиш шуни кўрсатадики, у асосан ижтимоий-гуманитар йўналишда асарлар яратган. Алломанинг меросида илоҳиёт, тилшунослик, лугатшунослик, адабиётшунослик, ахлоқшунослик, географияга оид асарлар мавжуд. Уларнинг сони хусусида мутахассислар турлича маълумотлар берадилар. Хусусан, араб тадқиқотчиларидан Ҳожи Халифа (1608 – 1657) ўзининг икки жилдли «Кашф-уз-зунун» номли библиографик асарида Замахшарийнинг 29 та¹ асарини санаб ўтган. У Замахшарийнинг айрим асарлари ҳақида жуда тўлиқ (асарнинг тўлиқ номи, қачон ва қаерда ёзилгани, кимга бағишлангани, асарнинг қисқача мазмуни, машҳур кишиларнинг асар ҳақидаги фикрлари, асарга ёзилган шарҳлар, ҳошия ва изоҳлар, уларнинг муаллифлари ҳақида) маълумот берган бўлса, баъзилар фақатгина номини кўрсатиб ўтади. Масалан, мазкур китобда муаллиф Замахшарийнинг «ал-Муфассал» асари ҳақида уч², «ал-Кашшоф фи ҳақоқи ғавомиди-т-танзил ва уйуни-лақовил фи вужухи-т-таъвил» асари ҳақида етти бетдан иборат мақола³ берган бўлса, «Дивону-з-Замахшарий»⁴, «Дивону-т-тамсил»⁵ каби асарларининг номинигина айтиб ўтган.

Ироқлик араб тарихчиси ибн Халликон (1211 – 1282) «Вафойоту-л-аъйон ва анбоъ абноъи-з-замон»⁶ номли асарида Замахшарийнинг 30 та асарининг номини келтирган.

Ёкут ал-Ҳамавийнинг «Муъжаму-л-булдон» асарида бу кўрсаткич 50 тага етган.⁷

Немис шарқшуносি Карл Брокельман эса «Geschichte der arabischen litteratur» номли китобининг биринчи нашрида⁸

¹ Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж. 1. – Миср: 1894. – 506-б.

² Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. Ж. 1. – Миср: 1894. – 488-491-б.

³ Ўша асар. Ж. 2. – 309-316-б.

⁴ Ўша асар. Ж. 1. – 511-б.

⁵ Ўша асар. Ж. 1. – 506-б.

⁶ Ибн Халликон. Вафойоту-л-аъйон ва анбоъ абноъи-з-замон. Ж. 1. – Миср: 1881. – 107-110-б. Ушбу асар библиографик характерга эга бўлиб, унда машҳур тарихий шахсларнинг ҳаёти ва илмий мероси ёритилган. Икки жилдан иборат мазкур асарнинг бир қанча тошбосма нусхалари ЎзФАШИ кўлёзмалар фондида 7863, 8922-23, 9031-32, 11473-74 инвентарь ракамлар остида сақланмоқда.

⁷ Ёкут Ҳамавий. Муъжаму-л-булдон. – Миср: Дор-ус-саодат, 1908. – 388-389-б.

⁸ Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Weimar, 1898. - 289-293-s.

Замахшарийнинг 21 та, иккинчи нашрида¹ 25 та асарига тўхталиб ўтган. У бу асарларнинг қўлёзма ва босма нусхаларининг сақланиш жойлари, нашрлари қаерда ва қачон чоп этилгани, уларга ёзилган шарҳлар, изоҳлар ва ҳошиялар, шунингдек, уларнинг муаллифлари ҳақида батафсил маълумот берган.

Академик Алибек Рустамов ўзининг «Махмуд Замахшарий»² номли рисоласида алломанинг 19 та асарини шарҳлаш билан бирга, номи маълум, лекин ҳали топилмаган 19 та асари рўйхатини келтирган.

Ислом энциклопедиясида³ Замахшарийнинг 54 та асари ҳақида маълумотлар бор. Ушбу китобда Замахшарий асарлари исломий, тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик каби соҳалар бўйича таснифланган ва шарҳланган. Уларнинг айримларига батафсил изоҳ берилган, айримларининг эса фақатгина номлари келтирилган.

Шарқшунос олим У. Уватов «Нозик иборалар»⁴ китобида ироқлик олим Фозил Солих ас-Самароийнинг фикрларига таянган ҳолда Замахшарий асарларининг сони 50дан ортиқ деб таъкидлайди ва улардан 34тасини шарҳлаб ўтади.

Байрутда нашрдан чиқкан Замахшарийнинг «Асосу-л-балога»⁵ асарининг муқаддима қисмида ношир Муҳаммад Босил Уйун ас-Суд олимнинг 65 та асарини санаб ўтган. Мазкур нашрда айрим асарларнинг мавзуси, қаерда, қачон чоп этилгани, қўлёзма ва босма нусхалари, қайси жамғармаларда сақланиши ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

Доғистон мусулмонлари бошқармасининг «Ассалом»⁶ газетасидаги маълумотларга қараганда, Замахшарийнинг 20га яқин асарлари мавжуд, 50га яқин асарларининг эса номигина маълум.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясидаги Замахшарий ҳақидаги мақолада олим асарларининг сони хусусида шундай дейилган: «Замахшарий араб грамматикаси, луғатшунослик,

¹ Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Leiden, 1937. - 507-513-s.

² Рустамов А. Махмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – 10-12-6.

³ Islam ansiklopedisi. 13-gilt. – Istanbul: Milli egitim basimevi, 1986. – 511-514-s.

⁴ Абу-л-Қосим Махмуд Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992. - 25-45 - 6.

⁵ Замахшарий. Асосу-л-балога. Ж. 1. – Байрут: Дар-ул-кутуб-ил-илмийя, 1998. – 1-10-6.

⁶ <http://assalam.dgu.ru/html115/f15-1.html>

адабиёт, аruz илми, тафсир, ҳадис, фиқҳга оид 50 дан ортиқ асарлар яратган».¹

Манбаларни ўрганиш жараёнида Замахшарий томонидан яратилган асарлар сони 70га яқинлиги аниқланди. Бироқ, уларнинг орасида номи маълум, лекин топилмаган асарлар ҳам мавжуд. Демак, Замахшарий асарларининг умумий сони бунданда кўп бўлиши мумкин. Унинг шу кунгача аниқланган асарларининг рўйхати қўйидагича:

1. «الامكانة و الجبال و المياه»
«Ал-Амкина ва-л-жибол ва-л-мийоҳ»
2. «Жойлар, тоғлар ва сувлар»
«اساس البلاغة»
3. «اطواف الذهب في المواقع و الخطب»
«Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб»
«Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар»
4. «اعجب العجب في شرح لامية العرب»
«Аъжабу-л-ажаб фи шарҳ ломияти-л-араб»
«Ломияту-л-араб» шарҳида ажойибнинг ажойиби»
5. «ديون الزمخشري»
«Дивону-з-Замахшарий»
«Замахшарий девони»
6. «الدر الدائر المنتخب من كنایات و استعارات و تشبيهات العرب»
«Ад-Дуру-д-доири-л-мунтаҳаб мин кинойот ва истиъорот ва ташбиҳот»
«Араб киноя, истиора ва ташбеҳларидан танланган жавоҳирлар»
7. «علم التصوف»
«Илму-т-тасаввуф»
8. «الكشف في القراءة»
«Тасаввуф илми»
«Ал-Кашф фи-л-қироат»
9. «الكتاف عن حقائق غوامض التنزيل و عيون الاقاويل في وجوه التأويل»
«Кироатда кашфиёт»

¹ Рустамов А., Уватов У. Замахшарий // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ж. З. Тахрир ҳайати: М. Аминов, Б. Аҳмедов ва б. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2002. – 557-б.

«Ал-Кашшоф фи ҳақоиқи ғавомиди-т-танзил ва уйуни-лақовил фи вужуҳи-т-таъвил»

«Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уни шарҳлаш орқали ривоятлар кўзларини очувчи»

10. «المورد الرائق في المواقع والحكايات»

«Ал-Мавриду-р-роик фи-л-мавоиз ва-л-ҳикоят»

«Ваъз ва ҳикоятлардаги асл манбалар»

11. «مرثية في شيخه أبي مصر في المضمون للغزى»

«Марсийа фи шайхихи Аби Музир фи-л-мазнун ли-л-ғузо»

12. «مسألة في كلمة الشهادة»

«Масъала фи калимати-ш-шаҳода»

«Шаҳодат калимаси ҳақида масала»

13. «مقامات الزمخشري»

«Мақомоту-з-Замахшарий»

«Замахшарий мақомотлари»

14. «المنهاج في اصول الدين»

«Ал-Минҳож фи усули-д-дин»

«Дин асосларига йўл»

15. «المستقسى في الامثال»

«Ал-Мустақсо фи-л-амсол»

«Мақолларни чуқур ўрганиш»

16. «المفصل في علم العربية»

«Ал-Муфассал фи илми-л-арабийя»

«Араб тили ҳақида муфассал китоб»

17. «المفرد و المؤلف في النحو»

«Ал-Муфрад ва-л-муълаф»

«Наҳвда бирлик ва кўплик»

18. «مختصر الموافقة بين أهل البيت و الصحابة»

«Мухтасару-л-мувофақа байна аҳли-л-байт ва-с-саҳоба»

«Аҳл-ул-байт ва аҳл-ус-саҳоба ўртасидаги келишув ҳақида мухтасар асар»

19. «المعجم العربي الفارسي»

«Ал-Муъжаму-л-арабийу-л-форсий»

«Арабча-форсча луғат»

20. «مقدمة الأدب»

«Муқаддамату-л-адаб»

«Адаб илмига кириш»

21. «المحاضرات و المحاورات»

«Ал-Муҳазарот ва-л-муҳаварот»

- «Маърузалар ва сұхбатлар»
 22. «المحاكاة و متمم مهام أرباب المحاجة»
- «Ал-Мұхожот ва мутаммим маҳомми арбоб-ил-мухожот»
 23. «نوابغ الكلم»
- «Навобиғу-л-калим»
- «Нозик иборалар»
 24. «نرھة المؤتمن»
- «Нузҳату-л-мұттанис»
- «Дүстлар фароғати»
 25. «نكت الاعراب في غريب الاعراب»
- «Нұкату-л-иъроб фи ғариби-л-иъроб»
- «Қуръоннинг ажойиб ифодасида араблар нафосати»
 26. «ربع الابرار و نصوص الاخبار»
- «Рабиъу-л-аброр ва нусусу-л-ахбор»
- «Яхшилар баҳори ва фозиллар ахбори»
 27. «رسالة التصرفات»
- «Рисолату-т-тасарруфот»
- «Одоб-ахлоқ ҳақида рисола»
 28. «رسالة في المجاز والاستعارة»
- «Рисола фи-л-мажоз ва-л-истиъора»
- «Мажоз ва истиора ҳақида рисола»
 29. «رسالة فيما جرى من المحاورات»
- «Рисола фи ма жаро мина-л-муҳаварот»
- «Сұхбат хулосалари ҳақида китоб»
 30. «رسالة في حكم الشهادة»
- «Рисола фи ҳикмати-ш-шаҳода»
- «Шаҳодат калимасидаги ҳикмат ҳақида рисола»
 31. «رؤوس المسائل في الفقه»
- «Руъусу-л-масоил фи-л-фиқх»
- «Фиқх масалаларининг боши»
 32. «تعليم المبتدى و إرشاد المقتدى»
- «Таълиму-л-мұбтадий ва иршоду-л-муқтадий»
- «Ибтидога ўргатиш ва эргашганга йўл кўрсатиш»
 33. «الانموذج في النحو»
- «Ал-Унмузаж фи-н-наҳв»
- «Наҳв илмидан намуна»
 34. «الفائق في غريب الحديث»
- «Ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис»

«Ғаріб ҳадислар ҳақида ажойиб асар»

35. «خصائص العشرة الكرام البررة»

«Хасоису-л-ашара ал-кироми-л-барада»

«Сахий, кароматли ўн кишининг хусусиятлари ҳақида»

36. «شرح أبيات كتاب سيبويه»

«Шарху абыoti китоби Сибавайҳ»

«Сибавайҳ китоби байтларининг шарҳи»

37. «شرح المقامات»

«Шарху-л-мақомот»

«Мақомотларга шарҳ»

38. «شرح المفصل»

«Шарху-л-муфассал»

««Муфассал» асарига шарҳ»

39. «شرح الفصيح»

«Шарху-л-fasih»

«Мукаммал шарҳ»

40. «قصائد أخرى»

«Қасоид ухро»

«Бошқа қасидалар»

41. «القططاس المستقيم فى علم العروض»

«Ал-Қустосу-л-мустақыйм фи илми-л-аруз»

«Аruz илмининг аниқ мезони»

42. «القصيدة البعوضية»

«Ал-Қасидату-л-баъзийа»

«Чивин ҳақида қасида»

43. «قصيدة فى سؤال الغزالى عن جلوس الله على العرش و قصور المعرفة»

«البشرية»

«Қасида фи суоли-л-Ғаззолий ан жулусиллоҳ ала-л-арш ва қусури-л-маърифа»

«Ғаззолийнинг Аллоҳнинг аршдаги ўрни ва инсондаги билимнинг номукаммаллиги ҳақидаги саволига бағишлиланган қасида»

Бугунги кунда Маҳмуд Замахшарийнинг юқорида номлари келтирилган асарлари орасида нафақат Ўзбекистон фондларида, балки дунё кутубхоналарида, қўлёзма фондларида, интернет каталогларида сакланаётган нусхалар ҳам талайгина. Аллома асарларининг айнан Ўзбекистон фондларида мавжудлиги

хусусида сўз юритадиган бўлсак, мазкур тадқиқотга республикамиз ҳудудида жойлашган 3 та фонд жалб қилинди. Булар:

- 1. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди.**
- 2. Ўзбекистон мусулмонлари идораси қутубхонаси.**
- 3. Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар хазинаси.**

Махмуд Замахшарийнинг қуидаги асарларининг турли даврларда кўчирилган қўлёзмалари, тошбосмалари ва нашр нусхалари юқорида қайд этилган фондларда нодир манба сифатида сакланмоқда:

- 1. Кашиоф**
- 2. Муқаддамату-л-адаб**
- 3. Асосу-л-балога**
- 4. Рабиъу-л-аббор**
- 5. Муфассал фи санъати-л-иъроб**
- 6. Унмузаэж**
- 7. Атвоку-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб**
- 8. Навобигу-л-калим**
- 9. Аъжабу-л-ажаб фи шарҳи ломияти-л-араб**

Қуида ана шу асарлар манбашунослиги ҳақида сўз юритамиз.

**МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН
БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ҚҮЛЁЗМАЛАР ФОНДИДА МАВЖУД ТОШБОСМА
НУСХАЛАРИ**

**الكاف عن حفائق غوامض التنزيل
و عيون الأقويل في وجوه التأويل**

**“Ал-кашшоф фи ҳақоқиғи ғавомиди-т-танзил ва
уйуни-л-ақовил фи вужухи-т-таъвил”
(“Қуръондаги берк ҳақиқатларни ва уни шарҳлаш орқали
ривоятлар кўзларини очувчи”)
асари ва унинг тошбосма нусхалари**

Замахшарийнинг диний асарлари орасида энг машҳури, дунё бўйлаб кўп тарқалгани унинг Қуръон шарҳига бағишлиланган “ал-Кашшоф фи ҳақоқиғи ғавомиди-т-танзил ва уйуни-л-ақовил фи вужухи-т-таъвил” асариdir (асар қисқартирилган ҳолда “Кашшоф” деб номланади). Асар дунёда Қуръонга ёзилган тафсир¹лар орасида энг ноёби ҳисобланади. Сабаби, унда Қуръон филологик жиҳатдан ҳам таҳлил қилинган.

Замахшарий меросини тадқиқ этган олимларнинг хулосаларига асосланиб, таъкидлаш жоизки, Замахшарий дунёда учта энг машҳур муфассирларнинг бири ҳисобланади. Россия сайтларидаги Қомусий луғатнинг “Қуръон” мақоласида қайд этилишича, дунёдаги энг кучли муфассирлар қуйидагилар:

- *Табарий (839 – 923)*
- *Замахшарий (1075 – 1144)*
- *Байдавий (вафоти 1286)*²

¹ Тафсир (араб. – шарҳ, тушунтириш, очиб бериш, изоҳ) – ислом анъанасида асосан Қуръони карим оятларини шарҳлаш, тушунтириб бериш (Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 8-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 300.).

² <http://vostlit.narod.ru//texts/rus/Halabi/primtext2.htm>

Бу каби фикрлар интернетнинг “Библиографик луғат”¹, “Олтин мерос”², “Ислом”³, “Islam as it is”⁴, “Эрон бўйлаб” газетасида⁵, “Дунё бўйлаб” энциклопедиясининг “Қуръон” бўлимида⁶ ҳам учрайди.

Замахшарийнинг буюклиги шундаки, у Қуръонни шарҳлаш учун зарур бўлган қуйидаги ўн беш фанни мукаммал эгаллаган:

1. Луғат
2. Наҳв
3. Сарф
4. Иштиқоқ
5. Илму-л-маъони
6. Илму-л-баён
7. Илму-л-бадиъ
8. Илму-л-қироат
9. Илму-л-аъқод
10. Усулу-л-фиқҳ
11. Асбобу-н-нузул
12. Насих ва мансух
13. Илму-л-фиқаҳ
14. Ҳадис
15. Илму-л-ваҳбий⁷

Замахшарийнинг мазкур фанларни яхши билганлигини ироқлик тарихчи ибн Халликон ҳам ўзининг “Вафойоту-л-аъйон ва анбоъ абноъи-з-замон” асарида таъкидлаган⁸.

Интернет сайтларидан бирида берилган “Ислом” номли мақолада қуйидаги фикрлар келтирилади: “Қуръон тафсирлари орасида энг машҳурларидан бири бу Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” номли тафсиридир”⁹.

¹ <http://iph.ras.ru/orient/win/publictn/lst/biobibl.htm>

² <http://oltinmeros.freenet.uz/nasledie.html>

³ <http://kosichka.2.sitecity.ru/ltext-0407233553.htm>

⁴ <http://islam.boom.ru/doctrine/3b.htm>

⁵ <http://exlibris.ng.ru//printed/orient/2001-02-08/4-petit.html>

⁶ http://www.krugosvtn.ru/articles/56/1005625_a1.htm

⁷ <http://ikhlass.by/quran.htm>

⁸ Қаранг: Ибн Халликон. Вафойоту-л-аъйон ва анбоъ абноъи-з-замон. Ж. 1. – Миср: 1881. – 107-б.

⁹ <http://kosichka.2.sitecity.ru/ltext-0407233553.htm>

“Islam as it is” сайтида Замахшарийнинг “ал-Кашшоф” асари Куръонга ёзилган лингвистик тафсиrlар ичида биринчи ўринни эгаллаши таъкидланган. У ерда шундай ёзилган: “Замахшарий ўз тафсирида Куръон тилининг гўзаллигини очиб бера олган, қолаверса, муфассир Куръон бу буюк мўъжиза эканлигини яна бир бор исботлаган”¹.

Инглиз шарқшуноси Гибб “Араб адабиёти” асарида шундай ёзади: “Замахшарий биринчи навбатда ўз тафсири билан машхур бўлган. Асрлар ўтса-да, бу тафсир қайта-қайта нашр эттирилмоқда ва ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган”².

“Ал-Кашшоф”нинг нусхаларига ёзилган шарҳ ва ҳошияларнинг кўплиги, унинг турли хорижий тилларга таржима қилинганлиги, бир қатор мамлакатларда қайта-қайта чоп қилинганлиги унинг ҳақиқатан ҳам буюк асарлигидан далолат беради.

Немис шарқшуноси Карл Броккельманнинг “Geschichte der arabischen litteratur” китобида келтирилган маълумотларга кўра, Лондон, Манчестер, Берлин, Мюнхен, Гамбург, Лейпциг, Милан, Санкт-Петербург, Пешовар, Калькутта, Райпур, Истанбул, Тунис, Кохира каби дунёнинг турли шаҳарларида жойлашган энг йирик кутубхона ва фонdlарида “ал-Кашшоф”нинг юзга яқин қўлёзма нусхалари сақланади. Шунингдек, Маҳмуд ибн Масъуд Шерозий (вафоти 1310 йил), Ҳусайн ибн Муҳаммад Тойибий (вафоти 1342 йил), Муҳаммад Тафтазоний (вафоти 1389 йил), Журжоний (вафоти 1413 йил) сингари ўз даврининг кўзга кўринган, етук олим ва тадқиқотчилари томонидан Замахшарий тафсирига ёзилган йигирмадан ортиқ шарҳлар ҳам ҳозирда дунё бўйлаб кенг тарқалган³.

“Ал-Кашшоф”нинг Замахшарий ўз қўли билан оқقا кўчирган дастхат нусхаси (1134 йил) Техрон кутубхонасида сақланади⁴.

¹ <http://islam.boom.ru/doctrine/3b.htm>

² Гибб Х.А.Р. Арабская литература. Классический период (Перевод А. Б. Халидова). – М.: Издательство Восточной литературы, 1960. – 85 – 86-с.

³ Қаранг: Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Weimar, 1898. – 507 – 509-s.

⁴ Оқилов М. Маҳмуд Замахшарий асарларининг қўлёзма ва босма асарлари // Адабий мерос, 1982. №4 (24). – 57-6.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Кўлёзмалар фондидаги “Кашшоф” асарининг 10 та тошбосма нусхаси сақланади.

Улардан биринчиси **5964**, **5965**, **5966** инвентарь рақамлар остида 3 та жилдда берилган нусхалардир. Мазкур тошбосмалар 1318/1900 йилда Мисрнинг “ал-Кубра-л-амирия” нашриётида босилган. Картон муқовали мазкур тошбосмалар бир неча бор таъмирланган. Саҳифалар яхши сақланган. Улар тўлиқ нусха хисобланади.

Улардан **5964** инвентарь рақам остида “Кашшоф”нинг биринчи жилди берилган. Мазкур тошбосма 524 саҳифадан иборат. Кўлёзманинг биринчи варафи йўқ. Иккинчи варақнинг юқори қисмига “الجزء الاول” (“биринчи қисм”) деб ёзиб қўйилган. Шундан кейин мазкур асарни мадҳ этувчи қуидаги тўртлик берилган (*1-расмга қаранг*):

ان التفاسير في الدنيا بلا عدد
و ليس فيها لعمرى مثل كشاف
ان كنت تبغى الهدى فاللزم قراءته
فالجهل كالداء و الكشاف كالشافى

*Чиндан ҳам дунёда тафсирлар беҳад кўпdir,
Бироқ улар орасида “ал-Кашиоф” кабиси йўқdir.
Агар ҳидоят изласанг, “ал-Кашиоф”ни тақрор ўқи,
Нодонлик бир касал бўлса, “ал-Кашиоф” унга шифодир.¹*

Тошбосма 18 бетлик муқаддима билан бошланган. Шундан сўнг Қуръони каримнинг биринчи сураси, яъни Фотиха сурасининг тафсири берилган. Асарнинг саҳифалари пойгиранган² (*2-3-расмга қаранг*). Ушбу жилдда *Фотиха* (19-60-бетлар), *Бақара* (60-292-бетлар), *Оли Имрон* (292-343-бетлар),

¹ Тўртлик шарқшунос олим Убайдулла Уватов томонидан таржима қилинган (Абу-л-Қосим Махмуд Замахшарий. Нозик иборалар (Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов).) – Т.: Камалак, 1992. – Б.43.)

² **Пойгир** (форсча сўз бўлиб, *пой* – оёқ, *гир* – айлана деган маънони беради) китобат санъатида қўлланилган. Китоб саҳифаларининг кетма-кетлигини белгилаш тартиби. Бунда охирги сатр тагидаги жойда кейинги саҳифанинг биринчи сатр бошидаги сўз ёки жумла ёзилади (Ибрагимов А., Сулаймонов А. Китобат санъатига оид атамаларнинг изоҳли-иллюстратив лугати. – Т.: Академнашр, 2010. – 160 б.).

Нисо (343-402-бетлар), *Моида* (402-443-бетлар), *Анъом* (443-478-бетлар), *Аъроф* (478-523-бетлар) суралари – жами 7 та суранинг тафсири келтирилган. Ҳар бир суранинг тафсирини беришдан олдин унинг номи, Макка ёки Мадинага мансублиги ҳамда неча оятдан иборатлиги сарлавҳа кўринишида настаълиқ хатида ёзиб қўйилган (4-5-6-расмга қаранг). Ҳар бир сахифада жадвал ичида насх хатида суранинг тафсири, жадвалдан ташқарида эса ҳошиялар воситасида шарҳлар берилган. Айрим сахифаларда тафсирдан кўра ҳошиядা берилган шарҳлар ҳажм жиҳатидан кўп (масалан, 371, 395, 398, 400, 401, 415, 412-бетлар). Айрим сураларнинг оятлари ҳошияларда маҳсус жадвалга олинган ҳолда берилган бўлса, баъзилариники эса тафсир ичида қавс ичида бериб борилган.

Ушбу нусханинг сўнгги сахифасига “*Асарнинг биринчи жилди тамом бўлди, унинг иккинчи жилди Анфол сураси билан бошланади*”, деб ёзиб қўйилган. Сўнгги 523-сахифада мазкур жилднинг мундарижаси берилган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида **5965** инвентарь рақам остида асарнинг иккинчи жилди сақланади. Юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур тошбосма 5964 инвентарь рақамли тошбосманинг давоми бўлиб, титул вараги бир хил. Фақатгина титул варагининг юқори қисмида бу асарнинг иккинчи жилди эканлиги кўрсатилган.

Жилд 76 оятдан иборат Анфол сураси билан бошланган. Суранинг тафсири 20 бетни ташкил этади. Асарнинг мазкур жилдида жами 30 та суранинг тафсири келтирилган. Сахифаларда суранинг оятлари, унинг тафсири, ҳошияларнинг берилиш шакли худди 5964 инвентарь рақамли нусханикидек. Мазкур тошбосма 494 бетдан иборат бўлиб, унинг сўнгги 492 сахифасининг қуи қисмида “*Асарнинг иккинчи жилди тугади, учинчи жилд Сод сураси билан бошланади*”, деб ёзиб қўйилган. Кейинги сахифада эса мазкур жилднинг мундарижаси берилган.

5966 инвентарь рақам остида асарнинг учинчи жилди берилган бўлиб, унинг титул варагининг юқори қисмида бу асарнинг учинчи жилди эканлиги ёзиб қўйилган. Жилд 17 бетлик Сод сурасининг тафсири билан бошланган. Асарнинг мазкур

жилдида жами 77 та суранинг тафсири келтирилган. Сахифаларда суранинг оятлари, унинг тафсири, ҳошияларнинг берилиш шакли худди 5964 ва 5965 инвентерь рақамли нусхаларнидек. Мазкур жилдда “Кашшоф” асарининг сўнгти 304-саҳифасида мундарижа берилган. Мундарижадан кейинги сахифада Муҳиддин Афандининг “Кашшоф” асарига ёзган шарҳи берилган бўлиб, у жами 156 сахифани ташкил этади (7-расмга қаранг). Мазкур тошбосма таркибида “Кашшоф”нинг тафсири ва унга ёзилган шарҳ бирга берилганлиги сабабли картотекада мазкур нусха 460 бетдан иборат деб кўрсатилган.

Институт қўллёзмалар фондидаги асар нусхаларидан яна бири **7949** ва **7950** инвентарь рақамлар остида 2 жилдда берилган тошбосмалардир. Ҳар икки жилднинг биринчи сахифаси йўқлиги боис, уларнинг босилган йили ва жойини, ноширнинг исми, шарифини аниқлаш имкони бўлмади. Тошбосмаларнинг ҳар иккисида биринчи сахифанинг йўқлиги ҳисобга олинмаса, улар яхши сақланган. Картон муқова ҳамда тошбосмаларнинг айrim сахифалари таъмирга муҳтож. Бироқ ҳар икки тошбосма тўлиқ нусха ҳисобланади. Тошбосмалар 29x21 см ўлчамга эга.

“Кашшоф” асарининг **7949** инвентарь рақам остида сақланётган тошбосма нусхасида асарнинг биринчи жилди берилган. Буни тошбосманинг дастлабки сахифасининг юқори қисмида берилган ёзувдан билиб олиш мумкин: “*И мом аллома Абу-л-Қосим Жоруллоҳ Маҳмуд ибн Умар Замахшарий (вафоти ҳижрий 528 йил) қаламига мансуб “Кашшоф” асарининг биринчи қисми*” (8-расмга қаранг). Шунингдек, тошбосманинг мазкур сахифасида асар ҳошиясида берилган шарҳлар олим, аллома Али ибн Муҳаммад ибн Али Сайд Зайниддин Абу Ҳасан Ҳусайний Жузжоний (вафоти ҳижрий 816 йил) ҳамда имом Носириддин Аҳмад Ибн Муҳаммад ибн Мунир Искандарий Моликийга (вафоти ҳижрий 683 йил) мансуб эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Тошбосма 740 сахифадан иборат. У 36 бетлик муқаддима билан бошланган. 37-саҳифадан Фотиха сурасининг тафсири бошланган. Ҳар бир сура тафсиридан олдин суранинг номи, неча оятдан иборатлиги, Макка ёки Мадинада нозил бўлганлиги қайд этиб ўтилган. Масалан, “арабчаси” (“*Иброҳим алайҳиссалом*

сураси. Маккада нозил бўлган. 51 оядан иборат”)¹ ёки “арабчаси” (“Бақара сураси. Мадинада нозил бўлган. 287 оядан иборат”)² ёки “арабчаси” (“Юнус сураси. Маккада нозил бўлган. 109 оядан иборат”)³. Суранинг номи нақшинкор қавслар ичида берилган. Асарда 18 та суранинг тафсири келтирилган. Сўнгги тафсир Қаҳф сурасининг тафсири бўлиб, унинг сўнггида, яъни 739-саҳифада “арабчаси” (“Асарнинг биринчи қисми тамом бўлди, кейинги иккинчи қисм Марям сураси билан бошланади”), деб ёзиб қўйилган. Ундан кейинги саҳифада мазкур жилднинг қуидаги фиҳристи берилган (9-расмга қаранг):

1-жадвал

“Кашшоф” асарининг 7949 инвентарь рақам остида сақланаётган тошибосма нусхасида тафсири келтирилган суралар фиҳристи

<i>№</i>	<i>Сура номи</i>	<i>Сура тафсир қилинган саҳифалар</i>
1.	<i>Фотиха</i>	37
2.	<i>Бақара</i>	60
3.	<i>Оли Имрон</i>	293
4.	<i>Нисо</i>	343
5.	<i>Моуда</i>	402
6.	<i>Анъом</i>	443
7.	<i>Аъроф</i>	478
8.	<i>Анфол</i>	523
9.	<i>Тавба</i>	542
10.	<i>Юнус</i>	574
11.	<i>Худ</i>	593
12.	<i>Юсуф</i>	618
13.	<i>Раъд</i>	648
14.	<i>Иброҳим</i>	657
15.	<i>Ҳижр</i>	670
16.	<i>Наҳл</i>	679
17.	<i>Исро</i>	699
18.	<i>Қаҳф</i>	721

¹ Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Кўлёзмалар фондида 7949 инвентарь рақам остида сақланаётган “Кашшоф” асарининг тошибосма нусхаси. 657-саҳифа.

² Ўша манба. 60-саҳифа.

³ Ўша манба. 574-саҳифа.

7950 инвентарь рақам остида “Кашшоф” асарининг иккинчи жилди бўлиб, унинг биринчи жилди юқорида тавсифланган 7949 инвентарь рақам остидаги тошбосма эди. Асар Марям сурасининг тафсири билан бошланган бўлиб, Куръони каримнинг сўнгги 114-сураси, яъни Нос сурасининг тафсири билан якунланган. Асарнинг мазкур жилдига жами 96 та сура тафсир қилинган. Мазкур тошбосмада асар якунлангандан кейин (“Кашшоф”нинг сўнгги сахифаси 576-сахифа) 165 бетдан иборат аллома Муҳибуддин Афандининг асарга ёзган шарҳи берилган. Асар ҳамда унга ёзилган шарҳ билан биргаликда тошбосма 741 бетни ташкил этади.

Фонддаги асар нусхаларидан яна бири **7951** инвентарь рақам остида сақланаётган тошбосма бўлиб, унда асарнинг фақатгина 2-жилди берилган. Нусханинг титул варагида келтирилган маълумотларга кўра, тошбосма ҳижрий 1319 йилда Мисрнинг ал-Кубра-л-амирия босмахонасида тайёрланган. Мазкур нашр иккинчи нашрлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Тошбосма сахифаларида асар матни жадвал ичида, унга ёзилган шарҳлар эса жадвалдан ташқарида берилган. Тошбосма 304 бетдан иборат бўлиб, 29x21 см ҳажмга эга. Картон муқовали мазкур тошбосма яхши сақланган, шикастланган жойлари йўқ.

Юқорида таъкидланганидек, мазкур тошбосмада асарнинг фақатгина иккинчи жилди берилган бўлиб, у Сод сурасининг тафсири билан бошланиб, Нос сурасининг тафсири билан тугайди. Тафсир тугагач, сўнгги 5 сахифада (299дан 303-сахифагача) асар муаллифи аллома Маҳмуд Замахшарийнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Алломанинг ҳаёт йўли ҳақида сўз кетганда, унинг илм йўлида бошқа мамлакатларга қилган сафарлари, аниқ саналар, бир оғидан айрилганлиги билан боғлиқ бўлган ривоятлар келтирилган. Унда Замахшарий асарлар яратган фан соҳалари, жумладан, тафсир, ҳадис, тилшунослик, луғатшунослик, балогат илми, ахлоқшунослик, аллома илмий меросини ташкил этувчи асарлар, уларнинг номлари, қайси соҳага оидлиги ҳақида батафсил маълумот берилган. Қолаверса, айрим асарлар мазмунига кенгроқ тўхталиб ўтилган. Шундан сўнг мазкур жилднинг фиҳристи берилган.

Мазкур фондда мавжуд “Кашшоф” асарининг яна бир тошбосма нусхаси бу – **16294** ва **16295** инвентарь рақамлар остида 2 та жилдда берилган тошбосма нусхалардир. Мазкур тошбосмалар 1276/1859 йилда Калькуттада чоп этилган. 23x31 см ҳажмга эга. Чарм муқовали мазкур тошбосмалар бир неча бор таъмирланган. Саҳифалар яхши сақланган. Улар тўлиқ нусха ҳисобланади.

Улардан **16294** инвентарь рақам остида “Кашшоф”нинг биринчи жилди берилган. Мазкур тошбосма 817 саҳифадан иборат. Қўлёзманинг титул варагининг юқори қисмида қуйидаги жумла келтирилган:

النصف الاول من الكشاف عن حقائق التنزيل للامام العلامة
ابى القاسم جار الله محمود بن عمر الزمخشري الخوارزمى
رحمه الله تعالى

“Имом аллома Абу-л-Қосим Жоруллоҳ Маҳмуд ибн Умар Замахшарий (Аллоҳ таоло уни ўз раҳматига олсин) қаламига мансуб “Кашшоф” асарининг биринчи қисми” (10-расмга қаранг)

Титул варагининг марказида Ихлос сурасининг оятлари келтирилган нақшинкор доира берилган (10-расмга қаранг).

Тошбосма 3 саҳифалик (2–4-бетлар) кириш қисми билан бошланган. Матннинг аксарият қисми ҳаракатлантирилган. Тошбосманинг мазкур қисмида саҳифа ҳошияларида кейинчалик сиёҳ билан настълиқ хатида киритилган катта ҳажмдаги шарҳларни кўриш мумкин. Айрим шарҳлар матннинг ичига қаторлар орасига ҳам киритилган (11-расмга қаранг).

3-саҳифанинг қуи қисмидан Фотиха сурасининг тафсири бошланган. Суранинг тафсири берилишидан олдин мазкур сура Макка ёки Мадинада нозил бўлганлиги, унинг неча оят, неча сўз ва ҳарфдан иборатлиги қуйидаги тартибда ёзиб қўйилган:

سورة الفاتحة مکیة و هى سبع ایات حروفها ۱۲۶ کلماتها ۲۵
Фотиха сураси. Маккада нозил бўлган. 7 та оят, 25та сўз, 126 та ҳарфдан иборат¹.

¹ Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида 16294 инвентарь рақам остида сақланаётган “Кашшоф” асарининг тошбосма нусхаси. 3-саҳифа.

Бу тартибни бошқа сураларда ҳам кўриш мумкин. Масалан:

سورة البقرة مدنیة و هی مائتان و ست و ثمانون آیة
حروفها ۲۶۷۹۲ کلماتها ۶۲۱۲

Бақара сураси. Мадинада нозил бўлган. 286 та оят, 612 та сўз, 26792 та ҳарфдан иборат¹.

Асарнинг фонддаги бошқа тошбосмаларидан анчайин фарқ қилувчи мазкур нусхада асар матни жадвалда берилмаган. Фақатгина сахифада кенгроқ ҳошия ташланган. Мазкур ҳошияларнинг юқори қисмида сураларнинг тафсир қилинаётган оятлари бериб борилган. Сураларнинг оятлари ва тафсир матнининг хати бир хил. Бирданига 2 ёки 3 та оятнинг тафсири берилган сахифаларда ҳар бир оят маҳсус белгилар ёрдамида ажратилган. Фотиха сурасининг тафсири берилган сахифаларни ҳисобга олмагандан (4, 5, 10, 11-саҳифалар), қолган сахифаларда деярли шарҳлар берилмаган.

Асарнинг мазкур қисми Каҳф сурасининг тафсири билан якунланган. Тафсир сўнггида асарнинг биринчи қисми тугаганлиги қайд этилган.

16295 инвентарь рақам остида эса асарнинг иккинчи жилди сақланади. У 16294 инвентарь рақамли тошбосманинг иккинчи қисми бўлгани сабабли сахифалари 820 сонидан бошлаб (сўнгги сахифа 1647-саҳифа) рақамланган. Тошбосманинг умумий ҳажми 827 бет.

Бу қисм Марям сурасининг тафсири билан бошланади. Сахифаларда суралар ҳамда уларнинг тафсирининг берилиш шакли худди 16294 инвентарь рақам остидаги тошбосманикидек. Мазкур жилдда Қуръони каримнинг сўнгги 114-сураси, яъни Нос сурасигача бўлган сураларнинг тафсири берилган.

Институт қўлёзмалар фондида асарнинг тошбосма нусхаларидан яна бири **13019** инвентарь рақам остида сақланади. Мазкур нусхада асарнинг биринчи жилди сақланади. Нусханинг титул варағида тошбосма тайёрланган жой, йил, ношир ҳақида

¹ Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида 16294 инвентарь рақам остида сақлананаётган “Кашшоф” асарининг тошбосма нусхаси. 12-саҳифа.

қайдлар мавжуд эмас. Титул варағида тафсир муаллифи кўрсатилганда, унга қуидаги юксак номлар билан таъриф берилган ҳолда Замахшарий даҳоси яна бир бор эътироф этилган (12-расмга қаранг):

Имом

Жору-л-лоҳ (Аллоҳнинг қўиниси)

Тожу-л-ислом (Ислом динининг тожи)

Фахру Хоразм (Хоразм фахри)

الامام

جار الله

تاج الاسلام

فخر خوارزم

Асар анъанавий муқаддима (2–4-саҳифа) билан бошланган. 4-саҳифада Фотиха сурасининг тафсири бошланган. Тафсир матни жадвал ичида насх хатида берилган. Сураларнинг номи эса матндан ажралиб туриши учун настаълик хатида берилган. Мазкур нусхада сураларнинг қаерда нозил бўлганлиги, уларнинг неча оятдан иборатлиги қайд этиб борилган. Тафсир қилинаётган ояллар жадвалдан ташқарида, яъни ҳошияларда бериб борилган. Шунингдек, айрим саҳифаларда ҳошияларда қисқа шарҳларни ҳам кўриш мумкин. Тошбосманинг умумий ҳажми 482 бетни ташкил этади.

Мазкур нусха Каҳф сурасининг тафсири билан якунланган. “Кашшоф”нинг ушбу жилдида жами 18 та суранинг тафсири берилган. Каҳф сураси тафсирининг сўнггида биринчи қисмнинг тугаганлиги қайд этилган. Сўнгги саҳифада китобнинг фиҳристи мавжуд. Бироқ фондда мазкур нусханинг иккинчи жилди мавжуд эмас.

“Кашшоф” асарининг яна бир нусхаси **10381** инвентарь рақам остида сақланаётган тошбосма бўлиб, бу тошбосма 1276/1859 йилда Калькуттада чоп этилган. Унда асарнинг биринчи жилди сақланади. Умумий ҳажми 827 бет. Унда Фотиха сурасидан Каҳф сурасигача бўлган сураларнинг тафсири келтирилган. Картон муқова, тошбосманинг дастлабки ва сўнгги саҳифалари таъмирга муҳтож. Булар ҳисобга олинмагандা, нусха яхши сақланган. Мазкур тошбосма юқорида тавсифланган 16295 инвентарь рақам остидаги тошбосманинг яна бир нусхаси

хисобланади. Фақатгина бу тошбосманинг саҳифаларида сиёҳ билан киритилган шарҳлар мавжуд эмас.

Юқорида келтирилган маълумотларни яққолроқ кўриш учун қўйида берилган жадвалга мурожаат этиш мумкин.


2-жадвал

“Кашиоф” асарининг

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мавжуд тошбосма нусхаларининг қисқача библиографик қўрсаткичлари

№	Инвен-таръ ракам	Нашр этилган йили	Нашр этилган жойи	Нашриёт номи	Варак-лар сони	Жилд	Тафсир килинган суралар номи
1.	5964	1318/1900	Миср	Кубра-л-амирия	524	I	Фотиха – Аъроф
2.	5965	1318/1900	Миср	Кубра-л-амирия	494	II	Анфол – Соффот
3.	5966	1318/1900	Миср	Кубра-л-амирия	460	III	Сод – Нос+шарх
4.	7949	-	-	-	740	I	Фотиха – Каҳф
5.	7950	-	-	-	741ё	II	Марям – Нос+шарх
6.	7951	1319/1901	Миср	Кубра-л-амирия	304	II	Сод – Нос
7.	16294	1276/1859	Хиндистон	Калькутта	817	I	Фотиха – Каҳф
8.	16295	1276/1859	Хиндистон	Калькутта	827	II	Марям – Нос
9.	13019	-	-	-	482	I	Фотиха – Каҳф
10.	10381	1276/1859	Хиндистон	Калькутта	827	I	Фотиха – Каҳф

**МАҲМУД ЗАМАҲШАРИЙНИНГ “КАШШОФ”
АСАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИДА АҚЛАНАЁТГАН
ТОШБОСМА НУСХАЛАРИДАН ЛАВҲАЛАР**





1-расм. Ўзбекистон Фанлар ақадемияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида 5964 инвентарь рақам остида сақланаётган “Кашшоф” асарининг иккинчи варагида келтирилган тўртлик:

ان التفاسير في الدنيا بلا عدد
و ليس فيها لعمري مثل كشاف
ان كنت تبغى الهدى فالزم قراءته
فالجهل كالداء والكشاف كالشفى

“Чиндан ҳам дунёда тафсирлар беҳад кўпдир,
Бироқ улар орасида “ал-Кашшоф” кабиси йўқдир.
Агар ҳидоят изласанг, “ал-Кашшоф”ни тақрор ўқи,
Нодонлик бир касал бўлса, “ал-Кашшоф” унга шифодир”¹


¹ Тўртлик шарқшунос олим Убайдулла Уватов томонидан таржима қилинган (Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар (Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов). – Т.: Камалак, 1992. – Б.43.



2-3-расмлар. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Кўлёзмалар фондидаги 5964, 5965, 5966 инвентарь рақамлар остида сақланаётган “Кашиоф” асарининг тошибосмаларида берилган пойгирлар. Асарнинг учта жилдининг ҳар бир саҳифаси шу тарзда пойгирланган.


4-5-6-расмлар. Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Кўлёзмалар фондидаги сақланаётган “Кашиоф” асарининг 5964, 5965, 5966 инвентарь рақамлар остидаги тошибосмалари.

Асарда ҳар бир суранинг тафсирини беришдан олдин унинг номи, Макка ёки Мадинага мансублиги ҳамда неча оятдан иборатлиги сарлавҳа кўринишида настаълиқ хатида ёзib қўйилган.




سورة ابراهيم عليه السلام مکیة و هی احدى و خمسون آیة

4-расм. “Иброҳим алаиҳиссалом сураси. Маккада нозил бўлган. У 51 та оятдан иборат” (5964 инвентарь рақам).



سورة البقرة مدنیة و هى مائتان و سبع و ثمانون آية
5-расм. “Бақара сураси. Мадинада нозил бўлган. У 287 та оятдан иборат” (5965 инвентаръ рақам).



سورة يونس مكية و هي مائة و تسعة آيات


**6-расм. “Юнус сураси. Маккада нозил бўлган. У 109 та оятдан иборат”
(5965 инвентарь рақам).**

تَزْيِيلُ الْأَيَّاتِ عَلَى الشَّوَاهِدِ مِنَ الْأَيَّاتِ
شِرْحُ شَوَاهِدِ الْكَشَافِ لِلْعَلَامَةِ
الْمَرْحُومِ مُحَبِّ الدِّينِ افْنَدِي
عَلَيْهِ الرَّجَهُ وَالرَّضْوَانُ
مِنَ الْرَّبِّ الْكَرِيمِ
الْمَنَانُ


7-расм. Замахшарийнинг “Кашиоф” асарига ёзилган шарҳ.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги


Шарқшунослик институту қўллөзмалар фондидага **5966** инвентарь рақам остида “Кашиоф” асарининг учинчи жайлди берилган. Унда жами 77 та суранинг тафсири келтирилган. Мазкур жайлдда “Кашиоф” асарининг сўнгги 304-саҳифасида мундарижса келтирилган. Мундарижсадан кейинги саҳифада (305-саҳифа) Муҳиддин Афандининг “Кашиоф” асарига ёзган шарҳининг титул вараги берилган бўлиб, мазкур шарҳ 156 саҳифани ташкил этади.



8-расм. 7949 инвентарь ракам остида сақланаётган “Кашиоф” асарининг дастлабки сахифаси. Унда қўйидаги ёзувлар бор: “*Имом аллома Абу-л-Қосим Жоруллоҳ Махмуд ибн Умар Замахшарий (вафоти ҳизжрий 528 йил) қаламига мансуб “Кашиоф” асарининг биринчи қисми*”



9-расм. 7949 инвентарь ракам остида сақланыётган “Кашшоғ” асарининг тошибосма нусхасида фикримстнинг берилши.




10-расм. 16294 инвентарь рақам остида сақланаётган тошбосма.


Үнда “Кашиоф” асарининг биринчи жилди берилган. Мазкур тошбосма 1276/1859 йилда Калькуттада чоп этилган. Мазкур тошбосма 817 саҳифадан иборат. Кўлёзманинг титул варагининг юқори қисмида қуйидаги жумла келтирилган:

النصف الاول من الكشاف عن حقائق التنزيل للامام العلامة ابى القاسم جار الله محمود بن عمر الزمخشري الخوارزمى رحمة الله تعالى
“Имом аллома Абу-л-Қосим Жоруллоҳ Махмуд ибн Умар Замахшарий (Аллоҳ таоло уни ўз раҳматига олсин) қаламига мансуб “Кашиоф” асарининг биринчи қисми”

Титул варагининг марказида Ихлос сурасининг оятлари келтирилган нақшинкор доира берилган.



11-расм. Тошибосма матнида қаторлар орасига киритилган шарҳлар.
“Кашиоф” асарининг 16294 инвентарь рақам остида сақланаётган тошибосма нусхасида асар матнининг аксарият қисми ҳаракатлантирилган. Тошибосманың мазкур қисмидә саҳифа ҳошияларида кейинчалик сиёҳ билан настаълиқ хатида киритилган катта ҳажымдаги шарҳларни кўриши мумкин. Айрим шарҳлар матнининг ичига қаторлар орасига ҳам киритилган.



12-расм. “Кашиоф” асарининг фондда 13019 инвентарь рақам остида сақланаётган тошибосма нусхасининг титул вараги.

Уибу титул варакда тафсир муаллифи кўрсатилганда, унга қўйидаги бир қатор юксак номлар билан таъриф берилган ҳолда Замахшарий даҳоси яна бир бор эътироф этилган:

Имом

Жору-л-лоҳ (Аллоҳнинг қўшиниси)

Тожу-л-ислом (Ислом динининг тожи)

Фахру Хоразм (Хоразм фахри)

الاِمام

جار الله

تاج الاسلام

فخر خوارزم

اعجَبُ الْعِجَبِ فِي شِرْحِ لَامِيَّةِ الْعَرَبِ

“Аъжабу-л-ажаб фи шарҳи ломияти-л-араб”
 (“Ломияту-л-араб” шарҳида ажойибнинг ажойиби”)
 асари ва унинг тошбосма нусхалари

Замахшарий “Аъжабу-л-ажаб фи шарҳи ломияти-л-араб” (“Ломияту-л-араб” шарҳида ажойибнинг ажойиби”) номли асарида араб шоири Шанфаранинг “Ломияту-л-араб” қасидасини грамматик жиҳатдан мукаммал шарҳлаган. Ўз асари ёрдамида Замахшарий қасидадаги ҳар бир байтнинг ҳам зоҳирий, ҳам ботиний маъно ва мазмунини очиб берган.

Институт қўллёзмалар фондида Маҳмуд Замахшарийнинг “Аъжабу-л-ажаб фи шарҳи ломияти-л-араб” асарининг **8210** ва **6521** инвентарь рақамлар остида 2 та тошбосма ва **16808** инвентарь рақам остида 1 та нашр нусхаси мавжуд.

Улардан **8210** инвентарь рақам остида сақланаётган тошбосма хижрий 1300 милодий 1883 йилда Константинополнинг “Жавоиб” босмахонасида тайёрланган. Мазкур тошбосма 20x29 см ўлчамга эга. Тошбосма таъмирталаб бўлиб, аксарият саҳифалар йиртилган.

Замахшарий шарҳи 5 та асарни ўз ичига қамраб олган мажмууда берилган бўлиб, у Шанфаранинг “Ломияту-л-араб” қасидасидан кейин иккинчи асар сифатида келган. Замахшарий шарҳининг ҳажми 60 саҳифадан иборат. Тошбосманинг титул варағида мазкур мажмуанинг мундарижаси берилган бўлиб, унда тошбосмада мавжуд асарлар номлари ва уларнинг муаллифлари қайд этилган. Саҳифанинг қуи қисмида тошбосма қаерда ва қачон тайёрланганлиги кўрсатилган.

Тошбосманинг дастлабки тўрт саҳифасида Шанфаранинг “Ломияту-л-араб” қасидаси берилган. Ундан кейин айнан мазкур қасидага ёзилган 60 бетдан иборат Замахшарийнинг “Аъжабу-л-ажаб фи шарҳи ломияти-л-араб” номли шарҳи келтирилган. Замахшарий ўз шарҳини Аллоҳга ҳамд ва пайғамбар Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) номига наът билан бошлаган. Шарҳлашда дастлаб Шанфаранинг “Ломияту-л-араб” қасидасининг бир байти берилган, ундан кейин байт шарҳи келтирилган. Ҳар бир

саҳифада жадвал ичида қасиданинг байтлари каттароқ ҳарфлар билан, маҳсус юлдузсимон белгилар ёрдамида ажратиб берилган. Араб тилида битилган ушбу қасида байтлари тўлиқ ҳаракатлантирилган. Шарҳ матни майдароқ ҳарфлар билан берилган. Шарҳ матни мураккаб араб тилида ёзилган бўлишига қарамай, ҳаракатлантирилмаган. Байтлар шарҳи ярим бетдан икки бетгача берилган. Тошбосманинг саҳифалари пойгирангган.

Асарнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган тошбосма нусхаларидан яна бири **6521** инвентарь рақам остида сақланмоқда. Тошбосма ҳижрий 1328 милодий 1910 йилда Мисрда тайёрланган.

Тошбосманинг титул варагида келтирилган маълумотларга кўра, мазкур тошбосмада иккита асар берилган, улардан биринчиси Замахшарийнинг “Аъжабу-л-ажаб фи шарҳи ломияти-л-араб” асаридир.

58 саҳифадан иборат шарҳнинг кириш қисми анъанавий усулда ёзилган бўлиб, у Аллоҳга ҳамд ва пайғамбар Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) номига наът билан бошланган. Шарҳлашда дастлаб Шанфаранинг “Ломияту-л-араб” қасидасининг бир байти каттароқ ҳарфлар билан тўлиқ ҳаракатлантирилган ҳолда берилган, ундан кейин байт шарҳи келтирилган. Шарҳ матни мураккаб араб тилида ёзилган бўлишига қарамай, ҳаракатлантирилмаган. Байтлар шарҳи бир бетдан икки-уч бетгача берилган.

Замахшарий қаламига мансуб “Аъжабу-л-ажаб фи шарҳи ломияти-л-араб” шарҳининг нашр нусхаси институт фондида **16808** инвентарь рақам остида сақланмоқда. Мазкур нашр 1966 йилда Суриянинг Дамашқ шаҳрида тайёрланган. Нашрда 4 та асар жамланган. Нашрнинг дастлабки 25 саҳифасида қасида муаллифи Шанфаранинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳамда унинг “Ломияту-л-араб” қасидаси, шунингдек, шарҳ муаллифи Замахшарий даҳоси ва унинг илмий мероси ҳақида тўлиқ маълумот берилган. Шундан кейин Шанфаранинг “Ломияту-л-араб” қасидаси берилган. Қасида 68 байтдан иборат бўлиб, қоидага кўра қасиданинг ҳар бир мисраси лом ҳарфи билан яқунланган. Қасидадан кейин 25 саҳифадан иборат

Замахшарийнинг шарҳи берилган. Бунда саҳифа махсус чизик ёрдамида иккига бўлиниб, саҳифанинг юқори қисмида йирик ҳарфлар билан, тўлиқ ҳаракатлантирилган ҳолда Шанфаранинг қасидасининг мазкур саҳифада шарҳланаётган байтлари берилган, қуи қисмида эса майдароқ ҳарфлар билан Замахшарийнинг шарҳи келтирилган. Айрим саҳифаларда бир байт шарҳланган бўлса, баъзи саҳифаларда икки ёки уттагача байт шарҳи берилган.

نوابع الكلم

“Навобиғу-л-калим” (“Нозик иборалар”) асари ва унинг тошбосма нусхалари

Маҳмуд Замахшарий илмий меросининг ажралмас қисми бўлган ахлоқшуносликка оид асарлар бекиёс аҳамият касб этади. Алломанинг бу соҳадаги асарлари сирасига унинг “**Нозик иборалар**” (“Навобиғу-л-калим”) асари киради. Ҳажм жиҳатидан кичик бўлган бу рисола нафақат ўз даврида, балки бугунги кунда ҳам ахлоқшуносликнинг ажойиб мактаби сифатида эътироф этилади. Чунки унда тарбия, маънавият ва баркамолликка оид ўгит ва панд-насиҳатлар тўпланган. Алломанинг мазкур асаддаги ахлоқий қарашлари серқирра. Уларда Замахшарий инсоннинг гўзал фазилатларини улуғ неъмат деб билиб, кишиларга хулқ-одоб қоидаларини сингдириш ҳақида сўз юритади.

“Нозик иборалар” асаридаги ахлоқий таълимот кўпроқ таққослаш воситасида баён этилади. Мутафаккир яхши фазилатлардан айнан намунали ахлоқ-одоб кишига кўрк бағишлишини, ҳуснига ҳусн, тароватига тароват қўшишини таъкидлаган ҳолда “Хайр, эзгулиқдан бошқа инсонга кўркамлик берадиган ҳеч нарса йўқдир”¹, дейди.

Ижобий хулқقا эга, илмли инсонлар ҳар бир халқнинг, миллатнинг кўркидир. Замахшарийнинг ҳикматли сўзлари, панду насиҳатларини таҳлил этар эканмиз, уларда тўғрилик, ҳалоллик, ростгўйлик, поклик, эзгулик, меҳр-оқибатлилик каби ижобий

¹ Араб тилидан шарқшунос олим Убайдулла Уватов таржимаси.

фазилатларнинг улуғланганини кўрамиз. У одамларни яхши амалларга ундан шундай ёзади: “Эзгулик, хайрли ишларга астойдил кириш, уларни пайсалга солиб, кейин қиларман, деган йўлардан воз кеч, шайтон йўлдан урадиган шошмашошарлик билан эмас, тафаккур ва идрок билан иш тут”. Бу сўзлардан кўриниб турибдики, киши бирорларга қанчалик кўп яхшилик қиласа, қўлидан келганича уларнинг оғирини енгиллаштиrsa, унинг кучига куч қўшилаверади. Одамларнинг эса унга нисбатан ишончи ортиб бораверади. Замахшарий айтадики: “Кимнингки ҳимматию муруввати қанчалик кўп бўлса, шунга яраша одамлар унинг қайғусига шерик бўларлар (ҳамдардлик билдирарлар)”. Албатта, инсон кимгадир ёрдам бера олса, ўзида йўқ қувонади. Унга раҳматлару яхши сўзлар ёғилгани сари унинг кўнгли тоғдек кўтарилади, дили қувончу шодликка тўлади. Худди шу кайфият уни яна яхшиликка илҳомлантиради. Шу ўринда алломанинг яна бир насиҳатини келтириш жоиз: “Аввал қилиб келган хайрлигу эзгуликларингизга кейин ҳам (яъни, доимо) эзгулик қўшаверинг, чунончи қушнинг қанотидаги кичик патлари катта патларига мададкордир”. Ростгўй инсонларни улуғлаб, аллома айтадики: “Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра маҳобатлироқдир”.

Замахшарийнинг ахлоқий қарашларида юксак инсоний фазилатлар дўстлик, унинг қадрига етиш хусусидаги фикрлар алоҳида эътиборга молик. Бу ҳақда алломанинг шундай сўзлари бор: “Ўз биродарингни янчилган мушкдан кўра ҳам хушбўй сўзлар билан мақтаб ёд эт, гарчанд у сендан узоқ шаҳарда бўлса ҳам”. Замахшарийнинг фикрича, “Мард ва олийжаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири ўз биродарингни айбларини бекитиб, унинг барча ишларини ўзининг ишлари ўрнида кўриб иш тутишидир”. Бу насиҳатдан кўриниб турибдики, дўстга садоқат, дўстга вафодорлик кишининг гўзал зийнати ҳисобланади.

“Нозик иборалар” асарида илм ва илмли бўлиш ҳақида ҳам бир қатор ибратли фикрлар келтирилган. “Еру заминнинг кўркамлиги олимлар билан”, деб уқтиради улуғ мутафаккир. Айнан илм кишини разолат уммонидан олиб чиқиши мумкин. “Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглар”. Ушбу ҳадиси

шарифнинг бевосита давоми сифатида Замахшарий шундай дейди: “Илмли бўл ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшигадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб, ҳалок бўласан (жуонмарг бўласан)”.

Яхшининг яхшилигини билиш учун ёмонни кўриш лозим. Шу маънода Замахшарийнинг инсон хулқида учрайдиган ёмон иллатлар ҳақидаги фикрлари ҳам баркамол инсон тарбиясида асқотиши шубҳасиз. Ёмон иллатлар орасида такаббурлик, манманлик, миннат, адоват, хасислик, ғаразгўйлик кабиларни олим қаттиқ танқид қиласи. Замахшарий шундай дейди: “Такаббурлик ҳеч бир кимсанинг қадр-қиммати ва улуғворлигини зиёда қилмайди, у бор-йўғи довул ичидаги шамолдан бошқа нарса эмас”. Шунингдек, Замахшарий миннатни тоғ тепасидаги қояларни кўчиришдан-да оғирлигини таъкидлаган ҳолда “Можаро билан кўрсатилган мурувватда (яхшилик) хайрлик йўқдир, гарчанд у (хайрлик) челаклаб қўйган ёмғир мисоли кўп бўлса ҳам”, дейди. “Виждон азобиу таънадан тўғри бўлмаган одамни таълим-тарбия ва қийнаш ҳам тарбиялаши амримаҳол”, деб буюк ватандошимиз инсон авваламбор маънавий масъулиятини ҳис қилиши лозимлигига ишора қиласи. Инсоннинг баркамолликка, баҳтга етишиш йўли хоразмлик аллома Маҳмуд Замахшарий таъкидлаганидек, илму маърифат ва бошқа ижобий хислатларни тарбиялаб борищдадир.

ЎзФАШИ Кўлёзмалар фондида ҳозирда “Навобиғу-л-калим” асарининг **3938, 7104** ва **8319** инвентарь рақамлар остида 3 та тошбосма нусхаси сақланади.

Улардан **3938** инвентарь рақам остидаги тошбосма 1904 йилда Қозонда ака-ука Каримийлар босмахонасида тайёрланган. Тошбосма 23x16 см ўлчамга эга, ҳажми 54 бет. Картон муқовали мазкур тошбосма бир неча бор таъмирланган, у яхши сақланган, уни тўлиқ нусха дейиш мумкин.

Тошбосманинг титул варағида асар Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн Умар Замахшарийга, асарнинг татарча таржимаси Шаҳобиддин ибн Абдулазизга мансублиги қайд этилган. Асар матни ва унинг таржимаси ўзига хос шаклда берилган. Тошбосманинг ҳар бир сахифасида берилган жадваллар икки устунга бўлинган. Ўнг томондаги устунда Замахшарийнинг

ҳикматли сўзлари, чап томондаги устунда эса унинг татарча таржимаси бирма-бир бериб борилган. Бу эса ўқувчига катта қулайлик туғдиради. Асар матни ва унинг таржимаси бирбиридан устунлар воситасида ажратилганилиги қарамай, Замахшарийнинг ҳикматли сўзлари каттароқ ҳарфлар билан, бироз қорайтириб берилиган. Матн араб тилида бўлганлиги сабабли ўқувчига осон бўлиши учун тўлиқ ҳаракатлантирилган. Чап устундаги татарча таржимаси эса майдароқ ҳарфлар билан берилиган.

Асадаги ҳикматли сўзлар унинг бош ҳарфига қараб таснифлаб чиқилган. Масалан, “بَابُ الْهِمَزَةُ”, яъни “Ҳамза боби” да алиф ҳарфи билан бошланувчи ҳикматли сўзлар берилиган. Асад давомида ҳикматли сўзларнинг берилиши алифбо тартибида давом этган. Жумладан, “بَابُ التَّاءِ” “Та боби”, “بَابُ الْجَيْمِ” “Жим боби”, “بَابُ الْحَاءِ” “Ҳа боби” ва ҳоказо. Тошбосманинг ҳар бир саҳифаси пойгирланган.

Асаднинг сўнгги саҳифасининг қуйи қисмида асад таржимаси хижрий 1321 йил муборак Рамазон ойининг 22 санасида Шаҳобиддин Абдулазиз томонидан яқунланганлиги қайд этилган.

Фонддаги асаднинг қолган иккита **7104** ва **8319** инвентарь рақамлар остидаги тошбосмалари бир хил бўлиб, улар хижрий 1314 йилда Қозонда Б.Л.Домбровский босмахонасида тайёрланган. Тошбосма 21x13 см ўлчамга эга, ҳажми 190 бет. Картон муқовали мазкур тошбосма яхши сақланган, уни тўлиқ нусха дейиш мумкин. Тошбосманинг титул варагида мазкур тошбосма Олимжон Барудий томонидан чоп этилганлиги қайд этилган.

Тошбосманинг дастлабки 18 саҳифасида Замахшарийнинг “Навобиғу-л-калим” асари берилиган. Арабча матн жадвал ичида берилиган, бирок юқоридаги нусха каби тўлиқ ҳаракатлантирилмаган. Ҳикматли сўзлар кетма-кетликда жадвал ичида матн кўринишида берилиган. Фақатгина ҳар бир ҳикматли сўз бир-биридан юлдузчасифат маҳсус белгилар орқали ажратиб чиқилган.

Тошбосманинг 19-саҳифасида янги титул вараги берилиган. Унда тошбосманинг мазкур саҳифасидан бошлаб, Шайх Абу-л-

Ҳасан ибн Абду-л-Ваҳҳобнинг Замахшарийнинг “Навобиғу-л-калим” асарига ёзган “Китабу-с-савабиғ фи шарҳи-н-навабиғ” номли шарҳи бошланганлиги ёзилган. Шарҳ Аллоҳга ҳамд ва пайғамбар Мұхаммад(с.а.в.)га наът билан бошланган. Шундан кейин муаллиф Замахшарий шахси ҳамда унинг “Навобиғу-л-калим” асарининг аҳамияти борасида сўз юритган. Шундан кейин алломанинг ҳикматли сўзларини бирма-бир келтириб, шарҳлаб борган. Шарҳнинг ҳажми 172 бетдан иборат. Асар ҳамда шарҳ саҳифаларини қўшганда, тошбосманинг умумий ҳажми 190 бетни ташкил этади.

اطواق الذهب في الموعظ و الخطب

“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб”
 (“Мавъиза ва хутбалардаги олтин шодалар”)
 асари ва унинг тошбосма нусхалари

Махмуд Замахшарий бизга турли соҳаларга оид нодир ва бой мерос қолдирган. Мазкур мерос орасида тарбиявий мазмунга эга бўлган асарлар муҳим аҳамият касб этади. Алломанинг IX аср бошида яратилган “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” (“Ваъз ва хутбаларда олтин шодалар”) фалсафий-дидактик асари шулар жумласидандир. Замахшарий бу асарини Маккада яратган бўлиб, у дастлаб “ан-Насоиху-с-сигар” (“Кичик насиҳатлар”) деб номланган. Асар саж усулида ёзилган юзта кичик мақоладан иборат. Унга шарҳ ёзган Мирзо Юсуфхон Аштиёнийнинг айтишича, “Замахшарий бу асарини Маккада Байтуллоҳни тавоғ қилган вақтида ёзган. Чунончи Байтуллоҳни тавоғ қилиб, ҳар бир айланганидан кейин бир мақола ёзган. Мақолани ёзиб яқунлагач, Байтуллоҳни яна айланган ва шу тариқа юз марта айланганидан сўнг “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарини ташкил этувчи юзта мақола ёзилган”.

Асар билан яқиндан танишар эканмиз, Замахшарийга мазкур асарни яратишда нафақат унинг тилшунослик, адабиётшунослик, фалсафа, тарих каби соҳалар бўйича тўплаган билимлари, балки ўзидан аввал яшаб ижод этган олиму файласуфларнинг

қарашлари, фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишиб, улардан керакли хуросалар чиқара билғанлиги, қолаверса, бой ҳаётий тажрибаси ҳам яқиндан ёрдам берганининг шоҳиди бўламиз.

“Атвоку-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг ҳар бир мақоласида ўша даврнинг сиёсий-ижтимоий ҳолати ўз аксини топган. Олим уларда ўз даврининг золим подшолари, порахўр қози ваadolatsiz амалдорларини қаттиқ танқид остига олган.

Замахшарийнинг фикрича, ёшлар билим олишга, ҳунар эгаллашга ҳаракат қилиши керак. Агар улар билимли, ҳунарли бўлса, ҳеч қачон очлик, қашшоқлик, фақирлик билан юзма-юз келмайдилар.

Инсоннинг ҳақиқатгўйлик, одамийлик, меҳнатсеварлик, сахийлик, меҳр-оқибат, ақлга таяниб иш тутиш каби фазилатлари уни жамиятда муносиб ўрин эгаллашига ёрдам берувчи бирламчи омиллар саналади. Алломанинг фикрича, “Кишининг дину диёнати ва илму маърифати қадрини оширса, унинг фақирлиги ва етимлиги буни тушира олмайди. Лекин кимда-ким ёмон иллатлари ва нодонлиги туфайли қадрини туширган бўлса, ҳеч вақт бойлик билан уни тиклай олмайди”.

“Атвоку-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарида келтирилган мақолаларнинг айримларида инсонда мавжуд яхши фазилатлар ва ёмон иллатларнинг аниқ таърифини учратиш мумкин. Масалан, ўн биринчи мақолада Замахшарий заковатли одам қандай хислатларга эга бўлиши кераклигини бирма-бир санаб ўтади: “Хушёр ва заковатли одам улдирки, унинг фикр доираси кенг, узоқни яқиндек кўра оладиган, ғафлат уйқусидан йироқ, ҳамиша фикри зикр билан уйғоқ, маҳфий ишоратдан ҳам ўзига хуроса чиқара оладиган, сўқир кўздан ҳам ёш оқиза оладиган бўлур”.

Йигирманчи мақолада эса аллома мардлик ва саҳоват ҳамда бунинг акси бўлган номардлик ва зиқналийк ҳақида қисқа ва лўнда қилиб шундай дейди: “Мардлик шундай бир улуғ хислатки, у Аллоҳнинг розилигини топишга василадир. Саҳоват шундай бир буюк сифатки, уни доимо мақтов бирла ёд этурлар. Номардлик шундай бир иллатки, унингдек хунук бир нарсани кўрмадим”.

Бундан ташқари, асарининг тўққизинчи мақоласида Замахшарийнинг баҳтли ва баҳтсиз кишиларга берган

таърифлари ҳам мавжуд. Уларга кўра, “Энг баҳтсиз одам бу молдунёсини сақлаб, эҳтиёт қилувчи, (мол-дунёси учун) обрӯ-эътиборининг тўкилишига рози бўлувчи, қадр-қиммати поймол этилса-да, бойлиги бут бўлишини истовчи кишидир. Энг баҳтли одам хушсухбат ва файзли бўлиб, обрӯсини сақлаш учун бойлигини поймол қила оладиган, ўз омборчисига доимо бойлигидан эҳсон қилишни буюрадиган, хазиначисига доимо муҳтожларга ёрдам кўрсатишни амр қиласидир, ўз нафси ҳавоси жўш урганда, “Жим бўл！”, деб босиб қўядиган, нафсонияти енгиллик қилганда, уни енгиб, тинчтиб, мақтов ва таҳсинга сазовор бўладиган кишидир”.

Лекин шу ерда баҳтли одамга келтирилган таърифга яна бир омилни қўшиш жоиз. Бу ҳам бўлса, ҳақиқий баҳтли одам – самимий дўсти бор инсон. У ҳар қандай вазиятда дўстига ишона ва таяна олади. Бунда асосийси, ҳақиқий дўстни танлай билиш, бундай нозик масалада адашмаслиkdir. “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарида келтирилган ўнинчи мақолада алломанинг бу борадаги қарашлари билан танишиш мумкин: “Бирор киши сенга нисбатан биродарона муносабатда событқадам экан, сен ҳам унга нисбатан биродарлик риштасини маҳкам тутган ҳолда боравер. Айниқса, у ҳақиқатга ёндашадиган ва адолат учун ёру дўстлари билан курашадиган бўлса, ундан ажрама. Лекин борди-ю, унинг сўзларидан фақат ноҳақликка ёндашиш аломатлари сезилиб турса, у ҳолда ундан дўстлардан узоқлаш. Зоро, ёмон улфат заҳри қотилдан ҳам ёмонроқдир”. Аммо Замахшарийнинг фикрича, “дўстлик ва биродарликка фақат саховат аҳлигина лойиқдир. Улар туфайли дардли диллар шифо топур”.

Асарнинг қийматини белгиловчи яна бир жиҳатни унинг дунё бўйлаб кенг тарқалганлигига кўриш мумкин. “Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг қўлёзмалари Лондондаги Британия музейининг араб қўлёзмалари фондида (№ 1003), Париж Миллий кутубхонасида (№ 3973), Ватиканинг араб қўлёзмалари кутубхонасида (№ 1380), Санкт-Петербургдаги Осиё музейида (№ 922), Қоҳирадаги “Дор-ул-кутуб” кутубхонасида (№ 203) сақланмоқда. Шунингдек, асарнинг қўлёзма нусхалари Туркияning Сулаймония кутубхонаси

таркибидаги Асир Афанди (№ 416, 417), Аё София (№ 2911, 3780), Ҳофиз Афанди (№ 275-I), Рашид Афанди (№ 715-3) номли фондларда ҳам мавжуд¹.

Асар бир қанча тилларга таржима қилинган. Жумладан, Фон Жозеп Хаммер томонидан амалга оширилган немисча таржимаси арабча матни билан 1835 йили Венада, шу йил Лейпцигда қайта босилган. 1863 йили Штутгартда Густав Файл асарни иккинчи марта немисчага ўғирган. Мазкур асар устида француз шарқшуноси Барбье Лейнард ҳам тадқиқот олиб борган. У француз тилига қилган таржимасини 1876 йил Парижда чоп эттирган. Асарнинг туркча таржимаси 1870 йил Константинополда нашр этилган².

“Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асари араб давлатларида ҳам нашр қилинган. Асар дастлаб шайх Юсуф ибн Абдулқодир ёзган шарҳ билан 1875 йил Байрутда чоп этилган. Мазкур нашр 1895, 1903 йиллар қайта босилган. Ушбу асар, шунингдек, 1909 йил Мисрнинг “Саодат” матбаасида, 1925 йил Коҳиранинг “Маҳмудия” нашриётида, 1992 йил эса Дамашқда чоп этилган. Асарга турли олимлар томонидан шарҳлар ёзилган. Улар Кембридж, Лейпциг, Берлин, Ватикан, Санкт-Петербург, Машҳад, Истанбул, Байрут каби шаҳар кутубхоналарида сакланмоқда³.

Мазкур панднома асарда келтирилган таълим-тарбия, одоб-ахлоқ ҳақидаги ибратомуз сўзлар, насиҳатлар орқали хоразмлик аллома Маҳмуд Замахшарийнинг дунёқарashi, фикр-мулоҳазалари билан яқиндан танишиш мумкин. Қолаверса, асардаги мақолалар ўша даврнинг ижтимоий, сиёсий аҳволи ҳақида маълумот беради. Асосийси, “Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асари нафақат ўз даврида маълум ва машхур бўлган, балки бугунги кунда илмий-маънавий мерос сифатида ўз аҳамиятини йўқотмаган. Алломанинг бу каби асарларини ўрганиш ва илмий истеъмолга киритиш маънавий-маърифий соҳаларнинг ривожини таъминловчи омиллар сирасига киради.

¹ Islam ansiklopedisi. 13-gilt. – Istanbul: Milli egitim basimevi, 1986. – 512-s.

² Қаранг: Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. – Т.: Камалак, 1992. – 28-б.

³ الزمخشري. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ١. – بيروت – لبنان: دار الكتب العلمية، ١٩٩٨. – ٥-٤ ص.

Бугунги кунда асарнинг учта тошбосма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Кўлёзмалар фондида сақланмоқда. Улардан **16016** ва **18970** инвентарь рақамлар остида сақланётган тошбосмалар бир хил ҳисобланади. Тошбосмалар 13x19 см ўлчамга эга, ҳажми 112 саҳифадан иборат. Улар ношир Муҳаммад Сайд Рофиъ томонидан Мисрнинг Саодат босмахонасида чоп этилган. Тошбосмаларнинг биринчиси алоҳида китоб тарзида берилган бўлса, иккинчиси бешта асардан иборат бўлган мажмуада тўртинчи асар сифатида берилган.

Тошбосманинг титул варагида асарнинг номи, асар муаллифи ва унинг шарафли номлари келтирилган. Шу билан бирга, нусхада асар матни билан биргаликда ундаги айrim сўз ва ибораларнинг шарҳи ҳам мавжудлиги қайд этиб ўтилган.

Тошбосма ношир Муҳаммад Сайд Рофиъ томонидан ёзилган кириш сўзи билан бошланган. Унда Замахшарий даҳоси, мазкур асарнинг аҳамияти, уни нашр этишга бўлган зарурат борасида сўз юритилган. Асар тили ўзига хос мураккабликка эга эканлиги, шу боис аксарият ҳолларда ундаги сўз ва иборалар, жумлаларга шарҳлар берилганлиги, бу эса ўқувчига ўзига хос кўмак вазифасини бажариши таъкидлаб ўтилган.

Тошбосманинг ҳар бир саҳифасига жадвал чизилган бўлиб, саҳифанинг тепасида жадвалдан ташқарида саҳифа рақамлари қўйилган. Жадвалнинг юқори қисмида асар матни йирикроқ ҳарфлар билан, қуи қисмида унинг шарҳи майдароқ ҳарфлар билан берилган. Асар матни ва шарҳ чизиқча ёрдамида ҳам ажратилган. Асар матни тўлиқ ҳаракатланган, бироқ тошбосманинг шарҳ қисмида ҳаракатлар йўқ. Асарни шарҳлашда сноска усулидан фойдаланилган. Бунда изоҳланаётган сўз, ибора ёки жумла охирига қавс ичига рақам қўйилган, қуида эса ўша рақам остида белгиланган сўз, ибора ёки жумла шарҳланган.

“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг асосий қисми Замахшарийнинг тўрт бетлик муқаддимасидан сўнг бошланган. Асарда тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикматли сўзларни беришда Замахшарий қуидаги тартибни қўллаган. У асарни роппа-роса юзта мақолага бўлган, жумладан, “المقالة الأولى” (“ал-Мақолату-л-ула” – “Биринчи мақола”), (“المقالة الثانية” – “ал-

Мақолату-с-сания” – “Иккинчи мақола”), “المقالة الثالثة” (“الـأـلـمـقـالـةـ الـمـئـةـ”), шу тарзда “الـأـلـمـقـالـةـ الـمـئـةـ” (“الـأـلـمـقـالـةـ الـلـمـيـاـ”) – “Юзинчи мақола”) билан асар якунланган. Ҳар бир мақола остида муаллиф ўзи таъкидлаганидек, “олтинга тенг бўлган шодалар”ни бериб борган. Тошбосмада мақола сарлавҳаси нақшинкор қавслар ичида настаълик хатида жадвал ичида чизиқлар ёрдамида ажратиб берилган. Асар матни эса насх хатида келтирилган. Ҳатто жадвалнинг қуи қисмида берилган шарҳлар таркибида ҳам асар мақолама-мақола ажратилганлигини қўришимиз мумкин. Шарҳлар таркибида ҳам бир мақоладаги сўз ёки иборанинг шарҳи тугаллангач, иккинчи мақола таркибининг шарҳига ўтишдан олдин қавс ичида мақола рақами кўрсатилган, масалан, “Учинчи мақола”, “Ўн олтинчи мақола” ва ҳоказо.

Тошбосма билан танишар эканмиз, айрим мақолалар ҳажм жиҳатидан қисқа, баъзилари эса каттароқ эканлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, 2, 3, 12, 13, 72, 74, 78, 84 рақамли мақолалар бир ёки икки жумладангина иборат бўлса, 17, 31, 41, 42, 43, 57 рақамли мақолалар эса ҳажман бир бетга тенг бўлган мақолалар хисобланади.

Фонддаги асарнинг яна бир тошбосма нусхаси **18952** инвентарь рақам остида сақланади. У хижрий 1290/милодий 1873 йилда Мисрда чоп этилган. Тошбосма ўлчами 13x21 см, ҳажми 177 бетдан иборат. У бир неча бор таъмирланганлигига қарамай, ёмон ҳолатда.

Тошбосманинг ҳар бир саҳифасига жадвал чизилган. Жадвалдан ташқарида саҳифанинг юқори қисмига саҳифа рақами қўйилган. Асар Маҳмуд Замахшарийнинг муқаддимаси билан бошланган. Сўнг унинг Зеҳний томонидан амалга оширилган усмонлича таржимаси берилган. Шундан кейин асар мақолаларининг сарлавҳалари “المقالة الأولى” (“ал-Мақолату-л-ула” – “Биринчи мақола”), “المقالة الثالثة” (“ал-Мақолату-с-салиса” – “Учинчи мақола”), “المقالة الثانية عشرة” (“ал-Мақолату-с-сания ашара” – “Ўн иккинчи мақола”) нақшинкор қавслар ичида настаълик хатида ажратиб берилган. Асар матни эса насх хатида тўлиқ ҳаракатлантирилган ҳолда келтирилган. Ҳар бир мақоладан кейин ундаги айрим грамматик масалаларнинг таҳлили берилган.

Ундан кейин эса мақоланинг усмонлича маъноси келтирилган. Шу тарзда асарни ташкил этувчи юзта мақола грамматик жиҳатдан шарҳланиб, унинг усмонлидаги маъноси бериб борилган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондидаги сақланаётган Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқу-з-захаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асарининг ҳар уч тошбосмаси нодир тошбосмалар қаторига киради. Айрим жузъий камчиликларни ҳисобга олмагандан, улар тўлиқ нусхалар ҳисобланади. Улар ёрдамида асарни ҳар томонлама ўрганиш имкони мавжуд.

المفصل في صنعة الاعراب

“Ал-Муفассال фи санъати-л-иъроб”
(“Флексия санъати ҳақида муфассал китоб”)
асари ва унинг тошбосма нусхалари

Алломанинг тилшуносликка мансуб асарларидан бири – “ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб” асарида араб грамматикасининг турли қирралари батафсил очиб берилган. Маҳмуд Замахшарийнинг таржимаи ҳолига доир манбаларда қайд этилишича, у илм излаб Шарқнинг ўша даврда маърифат ўчоқлари ҳисобланмиш – Хурсон, Исфаҳон, Бағдод, Ҳижоз, Ҳамадон, Дамашқ каби шаҳарларига саёҳат қилган¹. “Ал-Муфассал” асарининг яратилишига ҳам ана шундай сафарлардан бири сабаб бўлган. Аллома ўз асарини бир йилу тўрт ой (1119 – 1121-йиллар) ичida ёзиб битиради.

Замахшарий Маккада яшаган пайтларида илмга фаол киришади. Кузатувлар жараёнида аллома бу ҳудудда яшовчи, ҳаттоқи, энг кичик қабилаларнинг ҳам касбу корлари, сўзлашув йўсинлари ва тил хусусиятларини синчиклаб ўрганади, ҳар бир сўзнинг маъно ва моҳиятини аниқлашга ҳаракат қиласи. Натижада араб тили грамматикасига оид қонун-қоидалар тўплами – “ал-Муфассал” асари яратилади. Асарнинг тўлиқ

¹ Халидов Б.З. Замахшари // Семитские языки. Выпуск 2 (ч. 2). – М.: Наука, 1965. – С.542 – 556.

номи “ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб”, айрим манбаларда “ал-Муфассал фи-н-нахв” деб ҳам қўрсатилган¹. Мазкур асар етук тилшунос олимлар томонидан араб грамматикасида мислсиз кашфиёт сифатида тан олинган. Бугунги кунда қатор араб давлатларининг нуфузли олий таълим муассасаларида мазкур асар араб тилининг нахву сарфи бўйича асосий дарсликлар қаторида туради. Ҳозирда Миср пойтахти Қоҳирадаги “ал-Азхар” университетида айнан шу асар асосида араб грамматикасидан талабаларга таълим берилади.

Ушбу асарнинг алломанинг тилшуносликка оид бошқа асарларидан фарқи шундаки, Замахшарий “ал-Муфассал”да аввал синтаксис, кейин морфология, сўнгра фонетика баён этиладиган анъанавий тартибдан воз кечган. Олим грамматик масалаларни гап бўлаклари, яъни исм (мустақил маъно англатувчи, аммо замон кўрсаткичига эга бўлмаган ҳамма сўзлар: от, сифат, сон, олмош, равиш), феъл (воқеа-ходисани англатиб, замон кўрсаткичига эга бўлган сўзлар) ва ҳарф (алоҳида ишлатилмайдиган, маъноси бошқа сўзлар билан бириккандагина англашилдиган ёрдамчи сўзлар: боғловчи, кўмакчи, юкламалар)² бўйича кўриб чиқади. Ҳар бир қисмда ҳам синтаксис, ҳам морфологик масалаларни ўрганган. Асарнинг сўнггида эса фонетика баён этилган.

Араб тилининг нахву сарфини ўрганишда йирик қўлланма ҳисобланган “ал-Муфассал” ўша даврнинг ўзидаёқ араблар орасида катта эътибор қозонган. Шарқшунос олим Убайдулла Уватовнинг қайд этишича, ҳаттоқи, арабларнинг ўзлари: “агар хоразмлик шу кўса, чўлоқ бўлмаганда, араблар ўз тилларини билмас эдилар”, деб алломага, қолаверса, унинг араб тилшунослиги соҳасида яратилган асарларига тан берганлар. Ўз даврида Шом ҳокими Музаффариддин Мусо ушбу асарни ёд олган кишига 5000 кумуш танга ва сарупо совға қилишни ваъда этади³. Биргина ушбу мисолнинг ўзи ҳам “ал-Муфассал”нинг жуда юқори баҳолангандигидан далолат беради.

¹ Ибн Халликон. Вафоёту-л-аъён ва анбоъ абноъи-з-замон. Ж. 1. – Миср: 1881.- Б.107.

² Абдулжабборов А. Араб тили. – Т.: Тошкент ислом университети, 2007. – Б.239.

³ Абу-л-Қосим Маҳмуд аз-Замахшарий. Нозик иборалар (Шарҳлар муаллифи ва таржимон У.Уватов). – Т.: Камалак, 1992. – Б.25 – 26.

Кўплаб тадқиқотчилар Замахшарийнинг мазкур асарининг араб тили нуқтаи назаридан аҳамиятини эътироф этиб, уни ўрта аср бошларида яшаб, ижод этган араб грамматикаси ривожига катта хисса кўшган машҳур олим Сибавайҳийнинг “Китабу Сибавайҳ” асаридан кейин иккинчи ўринда туради, деб таъкидлашади¹.

“Ал-Муфассал” ўзига хослиги, илмий аҳамияти билан нафақат Шарқ, балки Фарб илмий тафаккурининг ривожи учун ҳам катта аҳамият касб этади. Инглиз шарқшуноси Х.А.Р.Гибб мазкур китоб ҳақида куйидаги фикрларни билдиради: “Замахшарийнинг “ал-Муфассал” номли араб тили нахву сарфини ўрганишга оид дарслиги ... каби Европа арабшунослигида шухрат қозонган асарлар жуда кам бўлган”². Кейинги асрларда араб тилини ўргана бошлаган аксарият европалик тадқиқотчилар юртдошимизнинг ушбу китобидан кенг фойдаланадилар.

Катта илмий қийматга эга бўлган бу асарга тилшунос олимлар томонидан кўплаб шарҳлар ёзилган. Немис шарқшуноси Карл Брокельманнинг фикрича, “ал-Муфассал”га ёзилган шарҳларнинг сони ўттизга яқин. Машҳур шарҳлардан бири – ўрта асрларда яшаган сурялиқ олим Муваффақиддин Абул Бақо Яъиш Ҳалабий қаламига мансуб бўлиб, мазкур шарҳ Лейпцигда икки жилдда босилган. Асарга ёзилган шарҳларнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари бугунги кунда Лондон, Берлин, Мюнхен, Париж, Милан, Истанбул, Машҳад, Дамашқ, Қоҳира сингари шаҳарларнинг кутубхона ва фондларида сақланади³.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондида Замахшарийнинг “ал-Муфассал” асарининг **11329** ва **12492** инвентарь рақамлар остида иккита тошбосма нусхаси сақланади.

Улардан **11329** инвентарь рақам остида сақланадиган тошбосма 1903 йилда Лакхнауда Абду-л-Али Мадрасий томонидан чоп этилган. Картон муқовали мазкур тошбосма яхши сақланган. Ўлчами 24x15 см, умумий ҳажми 255 бет.

¹ - الزمخشري. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ١. - بيروت - لبنان: دار الكتب العلمية، ١٩٩٨. - ب.17 – 18.

² Гибб Х. А. Р. Арабская литература. Классический период (Перевод А. Б. Халилова). – М.: Изд-во Восточной литературы, 1960. – С.85-86.

³ Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Bd. I. - Leiden, 1937. – S.509-510.

Мазкур тошбосма таркибида 2 та асар жамланган бўлиб, улардан биринчиси Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Муфассал” асари, иккинчиси Ибн Сино Бухорийнинг “ат-Тақсим фи-л-улуми-л-ақлия” китоблариdir. Тошбосманинг аксар қисми, яъни 255 бетдан 248 бети “ал-Муфассал” асариdir. Тошбосмада асар берилишидан олдин ношир томонидан берилган 12 бетлик кириш қисми мавжуд. Унда Замахшарий шахси, таржимаи ҳоли, ҳаёт йўли, устозлари ва шогирдлари ҳақида маълумот берилган. Қолаверса, Замахшарийнинг илмий фаолияти кенг таҳлил қилинган. Бунда унинг илмий асарлари билан бир қаторда назмда яратган девонлари ҳақида ҳам сўз юритилган. Махсус жадвалда Замахшарий илмий меросини ташкил этувчи 30 та асар номманинг санаб ўтилган. Шундан кейин айнан “ал-Муфассал” асари, унинг аҳамияти борасида фикр юритилган. Шунингдек, икки сахифада маҳсус жадвал кўринишида асарнинг мундарижаси берилган. Кейинги сахифада асарнинг титул вараги берилган бўлиб, унда асар номи, унинг муаллифи, ношири, нашр йили ва жойи қайд этилган. Кейинги сахифадан асар бошланган. Асар матни маҳсус жадвалда, чиройли насх хатида босилган. Матннинг аксарият қисми ҳаракатлантирилмаган. Асарнинг боб ва бўлимлари матн ҳарфларидан йирикроқ ҳарфларда, қорайтириброк берилган.

Сахифа ҳошияси ҳам ўзига хос жадвалга олинган бўлиб, мазкур жадвал ичида, матн атрофига ёзилган шарҳлар берилган. Айрим сахифаларда шарҳлар матн таркибида, яъни матн қаторларининг орасида берилган. Шарҳлар матни жуда майда ҳарфлар билан босилган. Бу эса уни ўқишни бироз мураккаблаштиради.

Асарнинг яна бир тошбосмаси **12492** инвентарь ракам остида сақланади. У хижрий 1323/милодий 1905 йилда Мисрнинг Тақдим нашриётида чоп этилган. Тошбосманинг ўлчами 17x25 см. Унинг таркибида 4 та асар берилган бўлиб, “ал-Муфассал” уларнинг биринчиси. Тошбосма ношири Муҳаммад Амин Хонжий. Асарнинг титул варагида ношир Котиб Чалабийнинг “Кашфуз-зунун” асарига таянган ҳолда Замахшарий мазкур асарни қачон ёзганлиги ҳақидаги маълумотларни келтирган.

Тошбосма саҳифаларига ортиқча безак берилмаган. Ҳатто асарнинг боб ва бўлимларини ҳам бир қарашда ажратиб олиш қийин. Улар кичик нақшинкор қавслар ичida берилганлиги боис бир қарашда кўзга ташланмайди. Саҳифанинг юқори қисмида бироз йирикроқ ҳарфлар билан асар матни, қуи қисмида эса майдароқ ҳарфлар билан Саид Муҳаммад Бадриддин Ҳалабийнинг асарга ёзган шарҳи берилган. Баъзи саҳифаларда асар матнидан кўра унга берилган шарҳнинг ҳажми анчайин катталигини кўриш мумкин. Шарҳлар маҳсус сноскалар орқали бериб борилган. Асарнинг сўнгги 406-408-саҳифаларда “ал-Муфассал” асарининг фиҳристи келтирилган.

Асар хусусида юқорида келтирилган фикрлардан аён бўладики, Замахшарийнинг “ал-Муфассал” асари ўз даврида ҳам, ундан кейин ҳам Шарқу Farbda кенг тарқалган. Қолаверса, араблар ўз она тилининг қонун-қоидаларини юртдошимизнинг асари ёрдамида ўрганишлари Замахшарийнинг ноёб ақл-идрок соҳиби бўлганлигидан далолатдир.

النموذج في النحو

“Ал-Унмузаж фи-н-нахв”
 (“Нахв илмидан намуна”)
 асари ва унинг тошбосма нусхалари

“Ал-Унмузаж фи-н-нахв” асари Замахшарийнинг тилшуносликка оид яна бир асари ҳисобланади. Асарда Замахшарий ўзининг “ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб” асарининг мураккаб жойларини бир мунча осонлаштириб, айrim ўринларини эса қисқартириб берган. Асар хижрий 515 / милодий 1121 йилда ёзилган. Муаллиф уни араб тилини тез ва осон ўргатиш мақсадида яратган. Асарга талаб кучли бўлганлиги сабабли ундан кўплаб нусхалар кўчирилган. Машхур тилшунослар унга шарҳ ва ҳошиялар битганлар. Асарга Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдулғани ал-Ардабилий, Саъдиддин ал-Бардаъий, ал-Ирадий Муртазо Али, Қосим ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Абу Муҳаммад ал-Хоразмий, Зиёвуддин ал-Маккий сингари араб тилшунослари томонидан ҳам шарҳлар

ёзилган. Шунингдек, Иброҳим Араший, Мавлвий Довуд, Муҳаммад Амин аш-Ширвоний, ал-Басаний Хамза каби тилшунослар ҳам унга ҳошиялар битганлар¹.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида мазкур асарнинг бир қанча тошбосма нусхалари сақланади. Қуйида уларни бирма-бир кўриб чиқамиз.

Фонддаги мазкур асар тошбосмаларидан бири **12072** инвентарь рақам остидаги нусха ҳисобланади. У ҳижрий 1315 / милодий 1897 йил Қозонда Император университети босмахонасида чоп этилган. Тошбосманинг титул варагида асар номи, унинг муаллифи кўрсатилган ҳамда тошбосмада келтирилган шарҳ Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдулғани Ардабилийга, ҳошия эса Мавлавий Довудга мансублиги айтиб ўтилган. Мазкур тошбосманинг ўлчами 18,5x26 см, ҳажми эса 172 бетни ташкил этади.

Тошбосманинг иккинчи саҳифасида жадвал ичида асар, ҳошиядга эса шарҳ берилган. Саҳифанинг юқори қисмида асар шарҳи Мавлавий Довудга тегишли эканлиги қайд этилган. Саҳифалар рақамланган бўлиб, рақамлар саҳифанинг юқори қисмида эмас, жадвалнинг тепасида нақшинкор қавслар ичида берилган. Ҳошияларнинг берилиш тартибига тўхталадиган бўлсақ, дастлаб жадвал ичида асарда шарҳланаётган сўз, сўз бирикмаси, ибора ёки жумла рақамланган. Сўнг рақамлар бўйича ҳошиядга ўша сўз, сўз бирикмаси, ибора ёки жумла қавс ичида қайта берилиб, сўнг шарҳланган. Ҳошиялар муаллифи Мавлавий Довуд уларнинг айримларини биргина жумла билан шарҳлаб, кифояланган бўлса, баъзиларининг шарҳи ярим, ҳатто бир бетни ташкил этганини кўриш мумкин.

Саҳифалар рақамланиш билан бирга пойгиранган. Бироқ пойгирашда саҳифани тўлдириб турган ҳошиялар эмас, жадвал ичидағи матндан фойдаланилган. Яъни, саҳифадаги жадвал остига кейинги саҳифадаги жадвал ичидағи матннинг биринчи сўзи берилган.

¹ Қаранг: Носирова М. Ўрта аср араб нахвидан намуналар. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2004. – 13 – 14-б.

تحرير الفوائد على "شرح الانموذج" 98-саҳифасидан бошлаб, "شرح الانموذج" сарлавҳаси остида Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдулғани Ардабилийнинг шарҳи келтирилган. Мазкур шарҳ анъанавий муқаддима, яъни Аллоҳга ҳамд, пайғамбар Муҳаммад(с.а.в.)га наът билан бошланган. Унинг ҳажми 74 бетни ташкил этади. Унинг саҳифаларида матн жадвал ичида берилган, саҳифалар ҳам рақамланган, ҳам пойгиранган.

11080, 20309 ва **20585** инвентарь рақамлар остидаги тошбосма нусхаларнинг чоп этилган жойи, тошбосмаларнинг тузилиши, унда матн, шарҳ ва ҳошияларнинг берилиши, ўлчами ва ҳажми 12072 инвентарь рақамли тошбосманини билан бир хил. Улар орасида фақатгина 20585 инвентарь рақамли тошбосма 1901 йилда чоп этилган.

"Ал-Унмузаж фи-н-наҳв" асарининг тошбосмаларидан яна бири **12075** инвентарь рақам остида сақланаётган нусха ҳисобланади. У хижрий 1320/милодий 1902 йил Қозонда Каримия босмахонасида чоп этилган. Тошбосманинг титул варағида асарнинг номи, муаллифи кўрсатилган ҳамда тошбосмада Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдулғани Ардабилийнинг шарҳи ва Мавлавий Довуднинг ҳошияси берилганлиги ҳақида маълумот бор. Мазкур тошбосманинг ўлчами 17x26 см, ҳажми эса 172 бетдан иборат.

Саҳифаларда матн ва ҳошияларнинг, рақам ва пойгивларнинг берилиши худди 12072 инвентарь рақам остидаги тошбосманини билан бир хил. Мазкур тошбосмада ҳам 98-саҳифадан Жамолиддин Муҳаммад ибн Абдулғани Ардабилийнинг шарҳи бошланган.

Асарнинг **14091** инвентарь рақам остидаги тошбосмаси 12075 инвентарь рақамли тошбосманинг яна бир нусхаси ҳисобланади.

Фонддаги асар тошбосмаларидан яна бири **6914** инвентарь рақамли тошбосма бўлиб, у мажмуада берилган. Унинг ўлчами 17x26 см. Мазкур мажмуада наҳвга оид З та китоб жамланган бўлиб, буларнинг биринчиси Аҳмад ибн Муҳаммад Майдонийнинг "نَزَهَةُ الْطَّرْفِ فِي عِلْمِ الصَّرْفِ", яъни "Нузҳату-т-тараф фи илми-с-сарф" ("Сарф илмига сайр") асари, иккинчиси Маҳмуд Замахшарийнинг "النَّحْوُ الْأَنْمُوذِجُ فِي الْأَنْمُوذِجِ" "ал-Унмузаж фи-н-наҳв"

(“Наҳв илмидан намуна”) асари ҳамда учинчиси Жамолиддин Абу Мұхаммад Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Ҳишомнинг **الاعراب في قواعد الاعراب**, яъни “ал-Иъраб фи-л-қаваиди-л-иъраб” (“Эъроб қоидаларида эъроб”) асари.

Мазкур тошбосма ҳижрий 1299 / милодий 1881 йилда Константинополдаги Жавоиб босмахонасида тайёрланган. Тошбосманинг титул варағида бу мажмуанинг биринчи нашри эканлиги қўрсатилган. Қолаверса, унда мажмуа мундарижасини ҳам кўриш мумкин. Унда мажмуада берилган ҳар учта асар номлари, уларнинг муаллифлари, муаллифларнинг фахрли номлари берилган. Иккинчи саҳифада берилган фиҳристда эса ҳар уч асарнинг боб ва бўлимларининг мундарижаси келтирилган. Унга кўра, Замахшарийнинг “ал-Унмузаж фи-н-наҳв” асари мажмуанинг 82-106-саҳифаларида берилган бўлиб, унинг умумий ҳажми 24 бет. Биз юқорида тавсифлаган тошбосмаларда мазкур асар шарҳ ва ҳошиялар билан биргаликда берилган бўлса, мазкур тошбосмада асарнинг ўзи келтирилган.

Асарнинг титул варағида асар номидан кейин Замахшарийнинг **استاذ الزمان** “Устазуззамон” “Замона устози”, **فريد العصر و الاوان** “Фаридулласр валавон” “Аср(давр)ининг ягонаси”, **فخر خوارزم** “Фахру Хоразм” “Хоразм фахри”, “шайх”, “аллома” каби фахрли номлари берилган. Иккинчи саҳифада асар номи ва муаллифи яна бир бор қайд этилиб, басмаладан кейин асар матни бошланган. Асар боблари ва бўлимлари нақшинкор қавслар ёрдамида ажратиб қўрсатилган. Тошбосманинг ҳар бир саҳифаси ҳам рақамланган, ҳам пойгирланган.

مقدمة الادب

“Муқаддамату-л-адаб”
(“Адаб илмига кириш”)
асари ва унинг тошбосма нусхалари

“Муқаддамату-л-адаб” асари дунё бўйлаб энг кўп тарқалган асар ҳисобланади. Шарқшунос олим З.Исломовнинг таъкидлашича, у яратилган давридан бошлабоқ жуда муҳим манба сифатида кенг ёйилди. Асар фан ва маданиятнинг кўпгина

соҳалари бўйича қимматли маълумотлар берувчи нодир асар бўлганлиги учун кўплаб нусхаларда кўчирилган. Унинг қўлёзмалари жаҳоннинг турли мамлакатларида сақланмоқда. «Муқаддамату-л-адаб» асарининг кенг тарқалиб, ёйилишини унинг кўп тилли луғат ҳисобланиши билан ҳам изоҳлаш мумкин¹.

Асар ҳижрий 531 \ милодий 1137 йилда ёзиб тутатилган бўлиб, у хоразмшоҳ Алоуддавла Абу-л-Музаффар Отсизга бағишлиланган. «Муқаддамату-л-адаб»нинг «дунё ҳазинасиға тенг асар» даражасига кўтарилишида Замахшарийнинг бир неча йиллар давом этган сафарлари чоғида араб тили ва адабиёти, унинг лаҳжа ва шевалари хусусида йиғган қимматли маълумотлари муҳим ўрин тутган.

Замахшарий «Муқаддамату-л-адаб»ни ёзишда ибн Дурайд, ал-Жавҳарий, ибн Сида² томонидан яратилган асарлардан кенг фойдаланган.

«Муқаддамату-л-адаб» шарқ луғатнавислик анъаналари асосида яратилган. Шарқшунос олим З.Исломовнинг фикрича, “асарнинг бошқа луғатлардан фарқи шундаки, муаллиф бу асарида ўзак ҳарфларнинг ҳар учаласида ҳам алифбога риоя қилган”³.

Асар муқаддима ва беш асосий қисмдан иборат. Муқаддимада Замахшарий асарнинг асосий мақсади, унинг ёзилиш тарихи, тузилиши ҳақида қисқача сўз юритади, араб тилининг бойлигини, уни ўрганиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. Асарнинг муқаддима қисми З.Исломов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган⁴.

Асар беш қисмдан иборат бўлиб, биринчиси «ал-Қисм фи-л-асмо», яъни «Ислар қисми» деб номланади. Унда исмлар маълум бир тартибда алоҳида фасл ва бобларга ажратилган. Дастробки бобда вақтни билдирувчи сўзлар, йил, ой, ҳафта, кун номлари, байрам номлари, вақт мазмунини англатувчи олмошлар берилган.

¹ Исломов З. Адаб илмининг дурдонаси. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002. – Б.12 – 13.

² Ирисов А. «Муқаддамат-ул-адаб»ни ўрганиш тарихидан // Хоразмлик буюк аллома. – Т.: Фан, 1998. – Б.79 – 81.

³ Исломов З. Муқаддамат-ул-адаб // Хоразмлик буюк аллома. – Т.: Фан, 1998. – Б.91.

⁴ Исломов З. Муқаддамат-ул-адаб (манбашунослик таҳлили). – Т.: ТИУ, 2002. – Б.6 – 7.

Иккинчи боб осмон ва осмон жисмларига оид 178 та сўздан иборат бўлиб, бурж, қуёш, ой, юлдуз номлари, атмосфера ўзгаришлари билан боғлиқ ҳодисалар – булут, яшин, момақалдиrok, шамолга оид сўзлардан иборат.

Кейинги боб бир неча фаслларга бўлинган бўлиб, унда ер, унинг турли ҳолатларидағи кўринишлари, чўл, тепалик, тоғ ва унинг турли қисмларининг номлари келтирилган.

Ўсимлик ва ҳайвонот олами, боғдорчилик, дехқончилик, меъморчилик, табобат каби турли мавзуларга доир сўз ва атамалар ҳам асардан ўрин олган.

«Муқаддамату-л-адаб»нинг иккинчи қисми «ал-Қисм фи-л-афъол», яъни «Феъллар қисми» деб аталади. Унда феълларнинг ҳозирги-келаси замон шакллари, майл ва даражалари, масдар, аниқ ва мажхул даража сифатдошлари мисоллар билан батафсил ёритилган.

Асарнинг учинчи қисми кўмакчиларга бағишиланган бўлиб, «ал-Қисм фи-л-хуруф», яъни «Юкламалар қисми» деб номланади. У 8 фаслдан иборат. Унда исмларнинг бош, қаратқич ва тушум келишикларида келишини талаб қилувчи кўмакчилар, феъллар билан қўлланувчи ёрдамчи сўзлар, боғловчилар ҳақида тўлиқ маълумотлар келтирилган.

32 фаслдан иборат кейинги қисм «Тасрифу-л-асмо», яъни «Исларнинг турланиши» деб аталади. Унда турли қўшимчалар таъсири остида исмлар сўнггида юз берадиган ҳаракатлардаги ўзгаришлар шарҳланган. Шунингдек, бирлик, иккилиқ, кўплик сонидаги исмларнинг турланиши, изофа, сифат билан сифатдош, сон ва саналмиш муносабатлари, шаклан музаккар бўлса-да, муаннас жинс ҳисобланувчи исмлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

«Тасрифу-л-афъол», яъни «Феълларнинг тусланиши» деб аталувчи бешинчи қисмда эса феълларнинг тусланиши ҳақида гап боради. Бир неча боб ва фасллардан иборат бу қисмда ўтимли, ўтимсиз феъллар, иккиланган, тўғрига ўхшаш, бўш, этишмовчи, ҳамзали феъллар, уларнинг тусланиши, буйруқ майларининг ясалиши, масдар ва сифатдошларига оид фикрлар баён қилинган.

«Муқаддамату-л-адаб» беш қисмдан иборат бўлса-да, унинг фақатгина исм ва феъллар қисми бошқа тилларга ўгирилган.

Институт қўлёзмалар фондида Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асарининг 2 та тошбосма нусхаси мавжуд. Бироқ уларнинг ичида тўлиқ нусха мавжуд эмас.

9076 ва **9077** инвентарь рақамлар остида асарнинг тошбосма нусхалари сақланади. Мазкур тошбосмалар Истанбулда 1895 йилда Аҳмад Зухдий томонидан тайёрланган. **9076** инвентарь рақам остидаги тошбосма 509 саҳифадан иборат бўлиб, 26x18 см ўлчамга эга. Тошбосма яхши сақланган, таъмирталаб жойлари йўқ. Тошбосманинг мазкур жилдига асарнинг биринчи “Ислар” қисми берилган. Унда арабча сўз қавс ичида берилиб, қавсдан ташқарида матн кўринишида сўзларнинг турк тилидаги изоҳи ва шарҳи бериб борилган. Айрим жойларда форсий варианти билан қиёси ҳам мавжуд. Асосий матн жадвал ичида келтирилган бўлиб, кейинчалик ёзилган шарҳ ва изоҳлар жадвалдан ташқарида, яъни ҳошияда берилган. Боб ва фасллар номлари нақшинкор қавслар ичида берилган ҳолда матндан ажратиб кўрсатилган. Ҳар бир саҳифа пойгирланган. 739 саҳифадан иборат **9077** инвентарь рақам остидаги тошбосмада асарнинг кейинги қисми “Феъллар қисми” берилган.

**МАҲМУД ЗАМАҲШАРИЙ АСАРЛАРИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИДА МАВЖУД
ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИНИНГ ТАВСИФИ**

“Кашшоф” асарининг қўлёзма нусхалари

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондидаги **“Кашшоф”** асарининг 14 та қўлёзма нусхалари сақланади. Бироқ уларнинг бирортаси ҳам тўлиқ нусха эмас. Уларнинг айримларида асарнинг биринчи қисми, баъзиларида иккинчи ёки учинчи қисми берилган. Яна айримларида эса битта жилдда асарнинг турли бўлаклари жамланган. Куйида асарнинг фондда мавжуд 14 та қўлёзма нусхасининг тавсифини келтирамиз.

“Кашшоф” асарининг фондда сақланаётган қўлёзма нусхаларидан биринчиси **1909** инвентарь рақам остида сақланаётган нусха. Мазкур қўлёзма ҳижрий 528 \ милодий 1134 йилда Маккада ёзилган асаддан олинган нусха бўлиб, у Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Козруний томонидан ҳижрий 837 \ милодий 1433 йилда сулс хатида кўчирилган. Араб тилида битилган асарнинг мазкур қўлёзмаси 762 варагдан (1524 бетдан) иборат бўлиб, 18x26 см ўлчамга эга. Ҳар бир сахифадаги йўллар сони 29 та. Қўлёзманинг ҳар бир вараги пойгиранган. Картон муқовали мазкур қўлёзма таъмирталаб. Қўлёзма сувга тушиб, нуқсонли бўлиб қолган. Аксарият сахифаларда матн ўчиб кетган, бир сахифанинг ёзуви иккинчи сахифага тушиб қолган жойлар ҳам талайгина. Жуда кўп сахифалар йиртилиб кетган, лекин асар матни варақ ўртасидаги жадвал ичида берилганлиги боис, унга путур етмаган, факатгина сўнгги 761 ва 762-вараглардаги матн ўқиб бўлмайдиган ҳолатга келган. Айнан 761-варагда Фалақ сурасининг тафсири бошланган, қўлёзманинг сўнгги варақлари нуқсонли бўлганлиги учун тафсирнинг охири йўқ.

Қўлёзманинг титул вараги йўқ, у муқаддимадан бошланган. Муқаддима безакли майда сулс хатида битилган ва у нақшинкор жадвалга олинган. Мазкур сахифаларда миниатюра санъатидан

лавҳалар кўриш мумкин. Мўъжазгина муқаддимадан кейин Фотиҳа сурасининг тафсири бошланган. Ҳар бир сахифадаги матн жадвал ичида берилган. Тафсир қилинаётган оятлар тилла суви билан, унинг тафсири эса қора сиёҳда ёзилган. Бироқ тилла суви билан ёзилган оятлар аксарият сахифаларда ўчиб кетган. Қўлёzmанинг айрим сахифаларига қўлёzма эгасининг мухри босилган. Қўлёzма сахифалари рақамланмаган, сахифалар кетма-кетлигини пойгиrlар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Қўлёzmада Фотиҳа сурасидан Фалақ сурасигача бўлган суралар тафсирланган, бироқ сўнгги варақлар нуқсонли бўлганлиги учун Фалақ сурасининг тафсири охиригача эмас.

Асарнинг яна бир қўлёzма нусхаси **6048** инвентарь рақам остида сақланаётган нусха бўлиб, 17,5x25,5 см ўлчамга эга, ҳажми 82 варақ (164 бет). Унда “Кашшоф” асарининг 2 та турли бўлаги жамланиб, бир жилд қилинган. Жилддаги асарнинг биринчи қўлёzмаси сулс хатида қора сиёҳда ёзилган. Матн ҳар бир сахифада 19 қаторга жойлаштирилган, у ҳаракатлантирилмаган. Тафсир матнида сурва оятлар ажратиб кўrsatилмаган, улар тафсир матни билан бир хил хатда, бир хил сиёҳда, бир хил ўлчамда бериб кетилган. Бу эса ўқувчига керакли суранинг тафсирини топишда ноқулайлик тугдиради. Матн жадвалга олинмаган. Ҳошияда шарҳ ва изоҳлар йўқ.

Сахифалар рақамланмаган. Сахифалар кетма-кетлигини пойгиrlар ёрдамида аниқлаш мумкин. Жилдан жой олган асарнинг мазкур қисмида Фотиҳа сурасидан Каҳф сурасигача бўлган жами 18 та сурва (Фотиҳа, Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф, Анфол, Тавба, Юнус, Ҳуд, Юсуф, Раъд, Иброҳим, Ҳижр, Наҳл, Исро, Каҳф) тафсир қилинган.

Мазкур жилдга киритилган асарнинг яна бир бўлаги 254 варақ (508 бет) ҳажмга эга. Бу қўлёzmада асар матни ҳар бир сахифада 19 қаторга жойлаштирилган. Матн насх хатида, у тўлиқ ҳаракатлантирилган. Асар матни жадвалга олинмаган, бироқ ҳошияда кўплаб изоҳ ва шарҳларни кўриш мумкин. Улар насх, риқо, настаълиқ хатларида битилган. Шарҳ ва изоҳларнинг кўплиги асарнинг бу қисми кўпчилик томонидан ўқилганлигини билдиради. Айрим сахифаларда матн қаторлари орасида ҳам

шарҳ ва изоҳларни учратиш мумкин. Кўлёзма пойгирланган, бироқ айрим йиртилган саҳифаларда пойгирлар йўқолиб кетган.

Мазкур қўлёзмада Юнус сурасидан Каҳф сурасигача бўлган жами 9 та (Юнус, Ҳуд, Юсуф, Раъд, Иброҳим, Ҳижр, Нахл, Исро, Каҳф) сура тафсирланган. Тафсир матнидан сураларнинг номи, ундаги оятлар сони, оятлар нозил бўлган жойни ажратиб кўрсатиш учун улар кўчирувчи томонидан қизил сиёҳда бироз йирикроқ ҳарфлар билан куйидаги тарзда берилган:

سُورَةُ هُودٍ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَ السَّلَامُ مَكِيَّةٌ
وَ هِيَ مَائِةٌ وَ ثَلَاثٌ وَ عَشْرُونَ آيَةٌ

Ҳуд сураси, Маккада нозил бўлган, 123 оятдан иборат.

Мазкур жилдга киритилган асарнинг ҳар икки бўлаги қачон ва ким томонидан кўчирилганлиги номаълум.

“Кашшоф” асарининг **7946** инвентарь рақам остида сақланаётган яна бир қўлёзма нусхаси 478 варақ (956 бет) ҳажмга эга, ўлчами 16x27 см, саҳифадаги йўллар сони 21 та.

Асар матни майда сулс хатида ёзилган, матн ҳаракатлантирилмаган. Сураларнинг номи, ундаги оятлар сони ва улар нозил бўлган жой номларини тафсир матнидан ажратиб кўрсатиш учун кўчирувчи уларни қизил сиёҳда берган. Асар матни жадвалга олинмаган. Ҳошияда шарҳ ва изоҳлар йўқ. Кўлёзма ҳижрий 1059 \ милодий 1649 йилда Ҳофиз Солиҳ томонидан кўчирилган.

Мазкур қўлёзма нусхада асарнинг Марям сурасидан бошланган қисми берилган. Унда Марям сурасидан Нос сурасигача бўлган жами 97 та сура тафсирланган.

6043 инвентарь рақам остида сақланаётган қўлёзма 415 варақ (830 бет) ҳажмга эга, ўлчами 17x26,5 см, саҳифадаги йўллар сони 27 та.

Асар матни майда насх хатида ёзилган, матн ҳаракатлантирилмаган. Асарнинг титул варағи йўқ. Кўлёзма муқаддимадан бошланган. Муқаддима нақшинкор жадвалда берилган. Муқаддимадан кейин сураларнинг тафсири жадвалга олинмаган. Тафсир матни қора сиёҳда берилган, сураларнинг

номи, қаерда нозил бўлганлиги, ундаги оятлар сони қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Ҳошияда қизил ва қора сиёҳда шарҳ ва изоҳлар бор. Нусханинг қатор саҳифаларида қўлёзма эгасининг муҳри туширилган. Ҳар бир варақ пойгиранган.

Қўлёзманинг сўнгги 415-варағида (830-бет) мазкур нусха ҳижрий 823 \ милодий 1420 йилда Абдураҳмон ибн Абу Бакр томонидан кўчирилганлиги қайд этилган.

Мазкур қўлёзма нусхада асарнинг Фотиҳа сурасидан бошланган биринчи қисми берилган. Унда Фотиҳа сурасидан Ҳижр сурасигача бўлган жами 15 та (Фотиҳа, Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф, Анфол, Тавба, Юнус, Ҳуд, Юсуф, Раъд, Иброҳим, Ҳижр) сура тафсирланган.

“Кашшоф” асарининг **7949** инвентарь рақам остида сақланётган қўлёзма нусхаси фонддаги 6043 инвентарь рақамли қўлёзманинг давоми. Бу қўлёзма 516 варақ (1032 бет) ҳажмга эга, ўлчами 17x26,5 см, саҳифадаги йўллар сони 27 та.

Асар матни майда насх хатида ёзилган, матн ҳаракатлантирилмаган. Асарнинг титул варағи йўқ. Қўлёзма Исро сураси тафсирининг давомидан бошланган, яъни қўлёзманинг дастлабки саҳифалари – Исро сураси тафсирининг боши йўқ. Кейинги сура, яъни Каҳф сурасидан бошлаб Нос сурасигача бўлган барча сураларнинг тўлиқ тафсири мавжуд. Сураларнинг тафсири жадвалга олинмаган. Тафсир матни қора сиёҳда берилган, сураларнинг номи, қаерда нозил бўлганлиги, ундаги оятлар сони қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Ҳошияда қизил ва қора сиёҳда насх, сулс ҳамда настаълик хатларида ёзилган шарҳ ва изоҳлар бор. Нусханинг қатор саҳифаларида қўлёзма эгасининг муҳри туширилган. Ҳар бир варақ пойгиранган.

Қўлёзманинг сўнгги 516^Б варағида (1032-бет) мазкур нусха ҳижрий 823 \ милодий 1420 йилда Абдураҳмон ибн Абу Бакр томонидан кўчирилганлиги қайд этилган.

“Кашшоф” асарининг яна бир қўлёзмаси **2423** инвентарь рақам остида сақланади. Нусха 237 варақ (474 бет) ҳажмга эга, ўлчами 13,5x24 см, саҳифадаги йўллар сони 31 та. Мазкур қўлёзма сувга тушиб, жуда кўп саҳифаларига путур етган, матннинг кўплаб жойларида сиёҳ тарқаб кетган, бунинг

натижасида айрим жумлаларни ўқиши мүмкін эмас. Қолаверса, баъзи саҳифаларда матннинг қизил сиёҳда ёзилган қисми анчайин хиралашиб, ўқиб бўлмайдиган ҳолатга келган. Кўлёзма бир неча марта таъмирланган бўлишига қарамай, ҳозирги ҳолатида ҳам таъмрталаб жойлари бор. Кўлёзма вараклари рақамланган, рақам ҳар бир варак юқори қисмининг чап томонига қўйилган. Саҳифалар пойгирланмаган.

Асар матни майда сулс хатида ёзилган, мазкур хат турининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда аксарият ҳарфлар нуқтасиз берилган, матн ҳаракатлантирилмаган. Асарнинг титул вараги йўқ. Кўлёзма Марям сурасининг тафсири билан бошланган. Тафсирнинг бошида нақшинкор лавҳ берилиб, унинг ичига “Бисмиллоҳи-р-раҳмони-р-раҳим” деб ёзиб қўйилган. Мазкур қўлёзмада Марям сурасидан Нос сурасигача бўлган сураларнинг тафсири берилган. Сураларнинг тафсири жадвалга олинмаган. Тафсир матни қора сиёҳда берилган, сураларнинг номи тафсир матнидан ажралиб туриши учун бироз йирикроқ ҳарфлар билан ёзилган, сура оятлари эса қизил сиёҳда ажратиб берилган. Ҳошияда қора сиёҳда насх, сулс ҳамда настаълиқ хатларида ёзилган шарҳ ва изоҳлар бор.

Кўлёзма ҳижрий 759 йилда Аҳмад ибн Маҳмуд аш-Шоший томонидан кўчирилган.

11583 инвентарь рақам остида сақланаётган қўлёзма 318 варак (636 бет) ҳажмга эга, ўлчами 18x26 см, саҳифадаги йўллар сони 25 та. Кўлёзма бир неча марта таъмирланган бўлишига қарамай, ҳозирги ҳолатида ҳам таъмрталаб жойлари бор. Кўлёзма саҳифаларига қўйилган муҳрлар битталаб ўчириб чиқилган, бунинг натижасида саҳифалар тешилган, бу жойларнинг айримлари таъмирланган, айримлари йўқ. Кўлёзма вараклари рақамланмаган, ҳатто пойгирлар ҳам йўқ.

Асар матни насх хатида ёзилган, матн ҳаракатлантирилган. Асарнинг титул вараги йўқ. Кўлёзма Исро сураси тафсирининг давомидан бошланган, яъни қўлёзманинг дастлабки саҳифалари – Исро сураси тафсирининг боши йўқ. Кейинги сура, яъни Тоҳа сурасидан бошлаб Нос сурасигача бўлган барча сураларнинг тўлиқ тафсири бор. Сураларнинг тафсири жадвалга олинмаган. Тафсир матни қора сиёҳда берилган, сураларнинг номи ва сура

бошидаги басмала йирикroc ҳарфлар билан ёзилиб, тафсир матнидан ажратиб берилган. Айрим саҳифаларнинг ҳошиясида настаълик хатидаги изоҳлар бор.

Қўлёзма ҳижрий 728 йилда Илёс Ансорий ибн Кудсий томонидан кўчирилган.

“Кашшоф” асарининг **2902** инвентарь рақам остида сақланаётган қўлёзма нусхаси 257 варақ (514 бет) ҳажмга эга, ўлчами 14,5x22 см, саҳифадаги йўллар сони 17 та. Қўлёзма бир неча марта таъмирланган бўлишига қарамай, ҳозирги ҳолатида ҳам таъмрталаб жойлари бор.

Асар матни йирик насх хатида ёзилган, матн ҳаракатлантирилган. Асарнинг титул варафи йўқ. Қўлёзма муқаддимадан бошланган. Муқаддимадан кейин Фотиха сурасининг тафсири бошланган. Мазкур қўлёзмада Фотиха, Бақара ва Оли Имрон суралари тафсири қилинган. Тафсир матни қора сиёҳда берилган, сураларнинг номи, ундаги оятлар қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Сураларнинг тафсири жадвалга олинмаган. Ҳошияда қизил ва қора сиёҳда тартибсиз ёзилган шарҳ ва изоҳлар бор. Ҳар бир варақ пойгирланган.

Қўлёзманинг сўнгти 257^a варағининг сўнггида мазкур нусха ҳижрий 745 йилда Абдуллоҳ ибн Умар ибн Абдулазиз томонидан кўчирилганлиги қайд этиб кўйилган.

2403 инвентарь рақам остида сақланаётган қўлёзма 334 варақ (668 бет) ҳажмга эга, ўлчами 17x28 см, саҳифадаги йўллар сони 27 та. Қўлёзмада сув тегиб, нуқсонли бўлган саҳифалар талайгина. Нусха бир неча марта таъмирланган бўлишига қарамай, ҳозирги ҳолатида ҳам таъмрталаб жойлари бор.

Асар матни майда сулс хатида ёзилган, мазкур хат турининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда аксарият ҳарфлар нуқтасиз берилган, матн ҳаракатлантирилмаган. Асарнинг титул варафи йўқ. Қўлёзма асарнинг муқаддима қисмидан бошланган. Мазкур қўлёзмада Фотиха сурасидан Анфол сурасигача бўлган жами 8 та (Фотиха, Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Анъом, Аъроф, Анфол) сура тафсир қилинган. Тафсир матни қора сиёҳда берилган, сураларнинг номи қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. “Кашшоф” асарининг мазкур нусхасининг бошқа нусхаларидан фарқи, бу қўлёзмада сураларнинг нозил бўлган

жойи, улардаги оялтар сони кўрсатилмаган. Сураларнинг тафсири жадвалга олинмаган. Ҳошияда насх, настаълик ва риқо хатларида тартибсиз киритилган шарҳ ва изоҳлар бор. Айрим саҳифаларда матн қаторларининг орасида ҳам изоҳларни кўриш мумкин. Кўлёзма варақлари рақамланмаган, саҳифаларга пойгиrlар ҳам қўйилмаган. Кўлёzmанинг кўчирилган йили ва кўчирувчиси номаълум.

“Кашшоф” асарининг **4464** инвентарь рақам остида сақланаётган қўлёзмаси 197 варақ (394 бет) ҳажмга эга, ўлчами 16x24 см, саҳифадаги йўллар сони 23 та. Кўлёзма таъмирланмаган, таъмрталаб жойлари кўп, саҳифалар жойидан чиқиб кетган. Варақларнинг рақамланмаганлиги, уларга пойгиrlар қўйилмаганлигини ҳисобга олсақ, варақлар кетмакетлигининг бузилиб кетиш эҳтимоли бор. Кўлёzmанинг бир қатор саҳифалари тешилган, бунинг натижасида ҳошиядаги шарҳ ва изоҳлар йўқолиб кетган.

Асар матни йирик насх хатида ёзилган, матн ҳаракатлантирилган. Асарнинг титул варағи йўқ. Сураларнинг тафсири жадвалга олинмаган. Тафсир матни қора сиёҳда берилган, сураларнинг номи, улар нозил бўлган жой номлари, улардаги оялтар сони ва сура бошидаги басмала йирикроқ ҳарфлар билан қизил сиёҳда ёзилиб, тафсир матнидан ажратиб берилган. Кўлёзма саҳифаларининг ҳошиясида настаълик, насх ва риқо хатидаги изоҳ ҳамда шарҳларни кўриш мумкин.

Кўлёзма ҳижрий 717 \ милодий 1317 йилда Қавомиддин Итқоний томонидан кўчирилган.

4458 инвентарь рақам остида сақланаётган қўлёзма 259 варақ (518 бет) ҳажмга эга, ўлчами 18x28 см, саҳифадаги йўллар сони 27 та. Кўлёzmада сув тегиб, нуқсонли бўлган саҳифалар бор. Айрим саҳифаларда матннинг маълум бир қисмида ёзув тарқаб кетган. Нусха бир неча марта таъмирланган.

Асар матни насх хатида ёзилган, матн ҳаракатлантирилган. Асарнинг титул варағи йўқ. Кўлёзма асарнинг муқаддима қисмидан бошланган. Мазкур қўлёzmада 6 та сура (Фотиҳа, Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида ва Анъом) тафсир қилинган. Тафсир матни қора сиёҳда берилган, кўчирувчи сураларнинг номини, улар нозил бўлган жойни, улардаги оялтар сонини

тафсир матнидан ажратиб кўрсатиш учун бироз йирикроқ ҳарфлар билан берган. Сураларнинг тафсири жадвалга олинмаган. Ҳошияда насх ва настаълиқ хатларида қора ва қизил сиёҳда киритилган шарҳлар бор. Айрим сахифаларда қизил сиёҳда киритилган шарҳ ва изоҳларнинг ранги хиралашиб, ўқиб бўлмайдиган ҳолатга келган. Кўлёзма варақлари рақамланмаган, сахифаларга пойгирлар ҳам қўйилмаган. Кўлёзма ҳижрий 794 йили Мухаммад ибн Абу Муфахир томонидан кўчирилган.

3427 инвентарь рақам остида сақланаётган қўлёзма 86 варақ (172 бет) ҳажмга эга. Мазкур қўлёзма катта ўлчами бўлиб, 31x38,5 см, сахифадаги йўллар сони ҳам 41 та. Кўлёзмада сув тегиб, нуқсонли бўлган сахифалар бор. Айрим сахифаларда матннинг маълум бир қисмида ёзув тарқаб кетган. Ҳошияларда тартиб билан ҳуснихатда берилган шарҳ ва изоҳларнинг ҳам кўпгина қисми ўчиб кетган. Нусха бир неча марта таъмирланган.

Асар матни сулс хатида ёзилган, матн ҳаракатлантирилган. Асарнинг титул варағи йўқ. Кўлёзма асарнинг муқаддима қисмидан бошланган. Муқаддима жадвал ичида берилган бўлиб, бошида лавҳ бор. Мазкур қўлёзмада 6 та сура (Фотиҳа, Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида ва Анъом) тафсир қилинган. Тафсир матни қора сиёҳда берилган, кўчирувчи сураларнинг номини, улар нозил бўлган жойни, улардаги оятлар сонини тафсир матнидан ажратиб кўрсатиш учун уларни қизил сиёҳда берган. Ҳар бир сахифада тафсир матни жадвалга олинган, ҳошияда эса насх, сулс ва настаълиқ хатларида қора сиёҳда киритилган шарҳ ва изоҳлар бор. Кўлёзма варақлари рақамланмаган, сахифаларга пойгирлар ҳам қўйилмаган. Кўлёзманинг кўчирилган йили ва кўчирувчиси маълум эмас.

“Кашшоф” асарининг яна бир қўлёзма нусхаси **6421** инвентарь рақам остида сақланмоқда. Кўлёзманинг варақлари рақамланган. Ҳар бир варақ юқори қисмининг чап томонига рақамлар қўйиб чиқилган. Кўлёзманинг боши йўқ. Унинг биринчи варағи 159^a рақами билан рақамланган. Шунинг ўзи ҳам кўлёзманинг боши йўқлигини кўрсатади. Мазкур варақдан Ҳуд сураси 77-оятининг тафсири бошланган. Кўлёзманинг охири ҳам мавжуд эмас. 239^a варақда бошланган Муззаммил сураси тафсирининг охири йўқ. Кўлёзманинг сўнгги 242-варағининг

(аслида қўлёзмага қўйилган рақамлар бўйича бу 401-варак) ярми йиртилган. “Кашшоф” тафсирининг мазкур нусхасида Худ сурасидан Музаммил сурасигача бўлган жами 12 та суранинг тафсири келтирилган.

Қўлёзма жами 242 варакдан (484 бет) иборат, унинг ўлчами 24x32,5 см, сахифадаги йўллар сони 41 та.

Қўлёзма бир неча бор таъмирланган бўлишига қарамай, ҳозирги ҳолатида ҳам таъмрталаб жойлари бор. Аксарият сахифаларда сувдан қолган доғлар бор. Бироқ бу ҳолат тафсир матнига салбий таъсир қўрсатмаган. Тафсир матнини бемалол ўқиш мумкин.

Тафсир матни насх хатида ёзилган, матн ҳаракатлантирилмаган. Сураларнинг номи, ундаги оятлар сони ва улар нозил бўлган жой номларини тафсир матнидан ажратиб қўрсатиш учун кўчирувчи уларни қизил сиёҳда йирикроқ ҳарфлар билан берган. Асар матни жадвалга олинмаган. Айрим сахифаларда ҳошияда шарҳ ва изоҳлар учрайди. Қўлёзманинг титул варағи ва охири йўқлиги боис унинг кўчирувчиси ва кўчирилган йилини аниқлашнинг имкони йўқ.

Асарнинг яна бир **6450** инвентарь рақам остида сакланаётган қўлёзмаси 293 варак (586 бет) ҳажм, 29x18,5 см ўлчамга эга. Мазкур жилдда “Кашшоф” асарининг иккита ҳар хил қўлёзмасининг маълум бир қисми жамланган. Қўлёзма вараклари рақамланмаган, бироқ ҳар бир варак пойгирланган. Қўлёзма таъмирланганда варакларнинг юқори қисми чап томонига қаламда рақамлар қўйиб чиқилган. Жилдда 1^б варакдан бошлаб 61^б варакгача “Кашшоф”нинг настальиқ хатидаги нусхаси берилган. Унда асарнинг муқаддима қисми ҳамда Фотиҳа ва Бақара сураларининг тафсири келтирилган. Асарнинг муқаддима қисми ва Фотиҳа сурасининг дастлабки сураларининг тафсирига шарҳ ва изоҳлар берилган. Сура номлари тафсир матнидан ажратиб қўрсатилмаган. Сахифадаги йўллар сони 19 та.

Мазкур жилдинг 62^а варағидан бошлаб “Кашшоф” асарининг насх хатида битилган қўлёзма нусхасининг яна бир бошқа қисми бошланган. Асарнинг ушбу қисми 231 (62-293) варак. Унда дастлаб Аъроф сураси тафсирининг сўнгги қисмини кўриш мумкин. Мазкур сура тафсирининг боши йўқ. 97^а варакдан

бошлаб Анфол сурасининг тафсири бошланган. Мазкур қўлёзмада сураларнинг номи, уларнинг нозил бўлган жойлари ва улардаги оятлар сони қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган. Мазкур қўлёзмада тафсирланган охирги сура Каҳф сураси бўлиб, унинг тафсири 279⁶ варакдан бошланган. Бироқ бу сура тафсирининг ҳам охири йўқ. Демак, “Кашшоф” асарининг мазкур қисмида жами 11 та суранинг тафсири келтирилган. Мазкур қўлёзмада сахифадаги йўллар сони 25 та. Асар матни ҳаракатлантирилмаган. Айрим сахифаларни ҳисобга олмагандা, шарҳ ва изоҳлар йўқ. Қўлёзмада сув тегиб, нуқсонли бўлган сахифалар бор. Айрим сахифаларда матннинг маълум бир қисмида ёзув тарқаб кетган.

Юқорида сўз юритилган “Кашшоф” асарининг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мавжуд 14 та қўлёзма нусхаси ҳақидаги библиографик маълумотларни яққолроқ кўриш учун қўйида берилган жадвалга мурожаат этиш мумкин.

3-жадвал

**“Кашшоф” асарининг Ўзбекистон Фанлар академияси
Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти
қўлёзмалар фондида мавжуд қўлёзма нусхаларининг қисқача
библиографик кўрсаткичлари**

№	Инвентарь ракам	Қўлёзма кўчирилган йили	Хаттот номи	Варак- лар сони	Қўлёзм- анинг ўлчами (см.да)
1.	1909	837/1433	Муҳаммад Козруний	762	18x26
2.	6048	номаълум	номаълум	336	17,5x25,5
3.	7946	1059/1649	Ҳофиз Солих	478	16x27
4.	6043	823/1420	Абдураҳмон ибн Абу Бақр	415	17x26,5
5.	7949	823/1420	Абдураҳмон ибн Абу Бақр	516	17x26,5
6.	2423	759/1358	Аҳмад ибн Маҳмуд Шоший	237	13,5x24
7.	11583	728/1328	Илёс Ансорий ибн Қудсий	318	18x26
8.	2902	745/1344	Абдуллоҳ ибн Умар ибн Абдулазиз	257	14,5x22
9.	2403	номаълум	номаълум	334	17x28
10.	4464	717/1317	Қавомиддин Итқоний	197	16x24
11.	4458	794/1392	Муҳаммад ибн Абу Муфахир	259	18x28
12.	3427	номаълум	номаълум	86	31x38,5
13.	6421	номаълум	номаълум	242	24x32,5
14.	6450	номаълум	номаълум	293	29x18,5

**МАҲМУД ЗАМАҲШАРИЙНИНГ “КАШШОФ”
АСАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК
ИНСТИТУТИ ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИДА
САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИДАН
ЛАВҲАЛАР**




13-расм. “Кашиоф” асарининг 6048 инвентарь рақам остида
сақланаётган қўлёзма нусхасининг 112^Б вараги.

Тафсир матнидан сураларнинг номи, ундаги оятлар сони, оятлар нозил бўлган жойни ажратиб кўрсатиш учун улар кўчирувчи томонидан қизил сиёҳда бироз ширикроқ ҳарфлар билан қуидаги тарзда берилган:

**سورة هود عليه الصلوة و السلام مكية
و هي مائة و ثلاث و عشرون آية**

Xуд сураси, Маккада нозил бўлган, 123 оядан иборат.




14-расм. “Кашиоф” асарининг 6048 инвентарь рақам остида
сақланадиган қўллэзма нусхасининг 149⁴ вараги.

Мазкур варақда ҳам сураларнинг номи, ундаги ояtlар сони, ояtlар нозил бўлган жойни ажратиб кўрсатиш учун улар кўчирувчи томонидан қизил сиёҳда бирор йирик хат орқали тафсир матнидан ажратиб кўрсатилган:

سورة يوسف عليه الصلوة و السلام مكية و هي مائة و احدى عشر آية

Юсуф сураси, Маккада нозил бўлган, 111 оятдан иборат.



15-расм. “Кашиоф” асарининг 7946 инвентарь рақам остида
сақланаётган қўлёзма нусхасининг 228^Б вараги.

Мазкур қўлёзмада ҳам сураларнинг номи, улардаги оятлар сони, оятлар нозил бўлган жой ажратиб кўрсатилган. Бироқ кўриб турганимиздек, унда кўчирувчи томонидан хатоликка йўл қўйилган. Яъни кўчрувчи томонидан берилган қўйидаги жумлада “юз” сўзи тушиб қолган ва натижада 182 оядан иборат Соффот сураси “82 оядан иборат”, деб нотўғри берилган.

سورة الصافات مكية اثني و ثمانون آية



الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَتَلَ الْقُرْآنَ كَمَا هُوَ مَوْلَفًا مُظْمَانًا وَنَزَلَ مُحِبْسًا الصَّالِحِ
مِنْهُمْ وَحْمَدَهُ بِالْحَمْدِ الْمُفْتَحِ وَبِالْكَسْعَافِ الْمُخْتَمِ وَأَوْجَاهَ عَلَىٰهِمْ
مُنْجَمِّهِمْ وَحَمْلَهُمْ وَفَصَلَمَهُمْ سَوْرًا وَسَوْرَةً إِيمَانٍ وَمَهْبِبَهُمْ بِعَصْوَافِ غَيَّابَاتِ
وَمَا هِيَ الْأَصْفَافُ مُبْتَدِئًا مُبْتَدِئَعًا وَسِمَاتُ مُنْشَأٍ مُخْتَنَعٍ فَصَبَحَانِ حَرَثٍ
اسْتَأْنَثَرَ يَارِاقْلِيَّةَ وَالْقَدْمَمَ وَوَسَمَ كَلْشَنَ شَيْءَ سَوَاهَ بِالْحَرَثِ وَثُوتَ عَنِ الْعَدَدِ
إِنْشَأَهُ لَنَّا بِاسْتَأْنَثَرَ يَنْبِيَهُ ذَرَ قَاطِعًا بِرَهَانَهُ وَحْيَانَاطِقَ بِيَتَنَابِ
وَحْيَقَرَادَأَعْرَبَأَغْرِيَهُ دَرِيَعَوْعَ مُفْتَاحَاللَّهِنَافِ الدِّينِيَّةِ الدَّالِّيَّةِ وَيَدَهُ
مُصْدَرًا قَالَهَبِينَ يَدِيدَمِنَالْكَتَبِالسَّيَّا وَيَنَّهَ مُعْذَابَاتِيَ دَونَ كَلْمَعَجَرَعَ
وَجَهَ كَلْمَعَاتِ حَدَّيَا مِنَ سَائِرِاللَّكَتِ عَلَىٰ كَلْمَلَسَانِ فِي كَلْمَفَهَانِ أَفَبَهَ
سَهَرَ طَلَوبَ بِعَارِضَتِهِ لِعَرَبِ الْعَرَبِهَا وَأَنْكَمَهُ مِنْ تَحْرِيَ بِهِ فَرَصَافَهَ
لَمَّا زَهَرَ لِلَّاتَنَانَ حَمَّا مُولَّبَمَ اوْلَادَهُ وَاحْدَرَ فَصَاحِبَهُمْ وَلَمْ يَنْهَهُ
141

وَبِيَنْهُمْ بِرَسَدَهُمْ بِرَسَدَهُمْ بِرَسَدَهُمْ بِرَسَدَهُمْ بِرَسَدَهُمْ بِرَسَدَهُمْ بِرَسَدَهُمْ
أَوْلَيْكُمْ بِرَؤُونَ أَجْرَهُمْ بِهِتَنَ يَوْنَكُمْ لَكَنْهَنَ مِنْ حَمْنَهَنَ أَنَّ اللَّهَ سَرِيعُ الْحِسَنَهُ
لَفَزَهُمْ لَهُمْ بِهِنَشَنَ هَفَوْعَالْمَنَعَا يَسْتَوْنَهُمْ فَلَعَامَلَهُمْ لِأَجْرِهِمْ بِجَوْنَانَ يَرَادَهُنَ
مَانَقَعَهُمْ لَهُنَّ لَتَقَبِّيَ بَعْدَ ذَلِكَ الْمَوْعِدِ أَصْبَرَهُمْ وَاعْلَمَهُمْ دَلِيلَهُمْ وَصَابَرَهُمْ
أَعْدَأَهُمْ بِالْجَهَادِيَّ غَالِبَهُمْ الْقَسْبَرِ عَلَىٰ شَرَابِهِمْ لَكَلَّهُمْ أَقْلَصَهُمْ وَأَمْلَهُمْ
وَبَنَانَهُمْ الْمَصَابَنَهُمْ يَابِهِمِ الْصَّبَرَهُمْ يَجِبَهُمُ الْهَبَّهُمْ تَحْفِيَهُمْ شَتَّانَهُمْ
وَصَعْوَهُمْ وَرَابِطَهُمْ الشَّفَوْرَهُمْ ابْطَنَهُمْ خَلِيلَهُمْ فَتَرَصَدَهُمْ مَسْعَهُمْ
لِلْعَزَنِ فَالْأَسْنَهُمْ وَمِنْ رَبَاطِهِمْ قَرَبَهُمْ بَدَعَدَهُمْ دَهَدَهُمْ دَهَدَهُمْ دَهَدَهُمْ
عَلَيْهِ الْمَنْ مِنْ گُومَا وَلِيلَهُمْ فِي سَبِيلَهُمْ كَانَ كَعَدَلَهُمْ صَيَامَهُمْ شَهَرَهُمْ دَهَدَهُمْ دَهَدَهُمْ
يَنْقَتَلَهُمْ عَرْشَلَوَنَهُمْ الْمَحَاجَهُهُمْ عَرْسَوَلَهُمْ الْمَحَاجَهُهُمْ مِنْ قَرَاسَوَنَهُمْ آلَهَرَهُمْ اعْطَى
بَهَلَ آيَهُهُمْ أَمَانَهُمْ عَلَىٰ جَسَرَهُمْ وَعَنِهِ اللَّمْ فَرَقَ السَّوْرَهُمْ الَّتِي يَدْرِكُهُمْ آلَهَرَهُمْ
صَلَىَاللَّهُ عَلَهِ وَلِئِنَهُمْ حَتَّىٰ يَجِيَّلُهُمْ سَوْنَ السَّاَفَرِيَهُمْ وَجَهَهُمْ خَسِنَهُمْ آيَهُهُمْ
بَسَهَهُمْ مَالَهُمُ الْحَصَنَهُمُ الْحَصَنَهُمُ يَا يَهَا اَنَّهُمْ
بَاهِنَهُمْ آدَهُمْ خَلْقَهُمْ مِنْ نَقْسَنَهُمْ وَاحِدَهُمْ دَرْغَهُمْ مِنْ اَصْلَهُمْ دَهَوْهُنَسَنَهُمْ آدَهُمْ

16-расм.


“Кашиоф” асарининг
6043 инвентарь рақам
остида сақлананаётган
қўлёзма нусхасининг 1^Б
вараги.

Асарининг титул вараги йўқ.
Қўлёзма муқаддимадан
бошланган. Муқаддима
нақшинкор жадвалда
берилган. Муқаддимадан
кейин сураларнинг тафсири
жадвалга олинмаган.

17-расм.

“Кашиоф” асарининг 6043
инвентарь рақам остида
сақланадиган қўлёзма
нусхасининг 150^Б вараги.
Мазкур қўлёзмада ҳам
сураларнинг номи, улардаги
оятлар сони, оятлар нозил
бўлган жойлар ажратиб
кўрсатилган:

سورة النساء مدنية
و هي مالية و خمس و
سبعون آية
Нисо сураси, Мадинада
нозил бўлган, 175 оятдан
иборат.



18-расм. “Кашиоф” асарининг 4464 инвентарь ракам остида
сақланадиган қўлёзма нусхасининг 189⁴ вараги.

Мазкур қўлёзмада ҳам сураларнинг номи, улардаги ояллар сони, ояллар нозил бўлган жой ажратиб кўрсатилган:

سُورَةُ الْفَتحِ مَدْنِيَّة وَهِيَ تِسْعٌ وَعِشْرُونَ آيَةً

Фатҳ сураси, Мадинада нозил бўлган, 29 оятдан иборат.

المفصل في صنعة الاعراب

“Ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб”
асарининг қўлёзма нусхалари

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Кўлёзмалар фондида “Муфассал” асарининг 6 та қўлёзма нусхаси сақланади. Қуйида уларнинг тавсифини келтирамиз.

“Муфассал” асарининг фондда сақланаётган қўлёзма нусхаларидан биринчиси **11459** инвентарь рақам остида сақланаётган нусха. Мазкур қўлёзма Қутбиддин Шерозий томонидан ҳижрий 744 / милодий 1343 йилда насх хатида кўчирилган. Араб тилида битилган асарнинг мазкур қўлёзмаси 155 варак(310 бет)дан иборат. Ихчамгина бу қўлёзма 12,5x18 см ўлчамга эга. Ҳар бир саҳифадаги йўллар сони 17 та. Кўлёзманинг ҳар бир вараги пойгиранган. Картон муқовали мазкур қўлёзма таъмирланган. Кўлёзмада сув тегиб, нуқсонли бўлиб қолган жойлар ҳам бор, бироқ асар матнига путур етмаган. Асар матни жадвалга олинмаган, матн атрофида, яъни ҳошияда жуда майда қилиб настаълиқ хатида берилган шарҳ ва изоҳлар талайгина. Ҳатто матн қаторларининг орасида ҳам изоҳларни қўриш мумкин.

Кўлёзманинг титул вараги йўқ, у муқаддимадан бошланган. Муқаддима 3^а варакқача давом этган. Муқаддимада аллома Замахшарий мазкур асари 4 қисмдан иборатлигини таъкидлаб ўтган, булар **“Ислар”, “Феъллар”, “Кўмакчилар”, “Юқоридагиларнинг мушитараклик ҳолатлари”** номли қисмлардир:

كتاب المفصل في صنعة الاعراب مقسوماً أربعة
اقسام القسم الاول في الاسماء القسم الثاني في الافعال
القسم الثالث في الحروف القسم الرابع في المشترك

3^б варакдан қуйидаги жумла билан асарнинг биринчи қисми, яъни **“Ислар қисми”** бошланган:

القسم الاول من الكتاب و هو قسم الاسماء “Асарнинг биринчи қисми бу Исмлар қисми”

Бироқ асарда қисмларнинг номи матндан ажратиб кўрсатилмаган. Шу тариқа қўлёзмада асарнинг хар тўрт қисми, яъни “Ислар”, “Феъллар”, “Кўмакчилар”, “Юқоридагилар-нинг муштарақлик ҳолатлари” номли қисмлар мавжуд. Уларда араб нахву сарфининг барча қонун-қоидалари батафсил баён этилган.

Қўлёзманинг 154^a варагида мазкур қўлёзма ҳижрий 744 йилда ёзиб тутатилганлиги қайд этилган.

5198 инвентарь рақам остида аллома Замахшарийнинг “Муфассал” асарининг яна бир қўлёзма нусхаси сақланади. Унинг ҳажми 222 варак (444 бет), ўлчами 15x19 см, сахифадаги йўллар сони 11 та. Мазкур қўлёзма таъмирланган.

Йирик насх хатида кўчирилган мазкур нусханинг титул вараги йўқ. У асар муқаддимасидан бошланган. 4^b вараккача давом этган муқаддима сахифаларининг ҳошияларида риқо, насх ва настаълиқ хатларида киритилган шарҳ ва изоҳларни кўриш мумкин. 5^a варакдан асарнинг биринчи қисми, яъни “Ислар қисми” бошланган. Кўчирувчи хаттот қўлёзмада асарнинг қисмларини ажратиб бермаган, ҳатто қисмларнинг номлари асар матни билан бир хилда ёзилган. Шунинг учун бир қараашда уларни ажратиб олиш қийинроқ. Бунинг учун тадқиқотчи асарнинг тўлиқ матни билан танишиб чиқиши лозим. Қўлёзмада асарнинг сўнгги тўртинчи қисмининг охири йўқ.

“Муфассал” асарининг **3697** инвентарь рақам остида сақланётган қўлёзма нусхаси 335 варак (670 бет) ҳажмга эга. Мазкур қўлёзма 25x16 см ўлчамга эга, сахифадаги йўллар сони 23 та.

Қўлёзма сахифалари таъмирланмаган, унинг дастлабки варакларида сувдан қолган доғлар бор, бироқ матнга путур етмаган, уларни ўқиши мумкин. Қўлёзма яхши сақланган. Варақлар пойгирланган, кейинчалик эса рақамлаб чиқилган.

Мазкур қўлёзмада асарнинг муқаддимаси ва Ислар қисмининг дастлабки сахифалари йўқ. Кейинчалик қўлёзманинг

жилди таъмирланганда унинг бошига 2-3 варак қўшилган ва унга асарнинг фиҳристи тузиб, ёзилган. Мазкур фиҳрист асосида тадқиқотчи асарнинг керакли қисмини, ҳатто қисмлар ичидаги зарур мавзуни осонгина топиши мумкин. Масалан, биргина “*Ислар қисми*”нинг ўзи ҳам жинс категорияси, келишиклар, сифатдош, масдарлар, бирлик, иккилиқ, кўплик каби мавзулар бўйича ажратилган ва фиҳристда бу мавзуларнинг саҳифалари аниқ кўрсатиб ўтилган. Унга кўра 174-варакдан “*Феъллар*”, 219-варакдан “*Кўмакчилар*”, 262-варакдан “*Уларнинг муштараклик ҳолатлари*” қисмлари бошланади. Кўчирувчи хаттот ҳам қисмларнинг номини, унинг таркибидаги мавзуларни асар матнидан бироз йирикроқ ҳарфлар билан бериб, уларни ажратиб кўрсатган. Тўртинчи қисмнинг охирида мазкур қўлёзма ҳижрий 768 \ милодий 1367 йилда кўчирилганлиги қайд этиб қўйилган.

Асарнинг **5675** инвентарь рақам остида сақланаётган яна бир қўлёзма нусхаси 87 варак (174 бет) ҳажмга эга. Мазкур қўлёзма ихчамгина бўлиб, 14,5x18 см ўлчамга эга, саҳифадаги йўллар сони 11 та.

Қўлёзмада таъмирталаб саҳифалар анчагина, айrim саҳифалар йиртилган, айримлари тешилган, баъзи саҳифаларда матннинг қаторлари ўчиб кетган жойлар бор. Варақлар пойгиранмаган, рақамланмаган.

Мазкур қўлёзма тўлиқ нусха эмас. У асарнинг муқаддима қисмидан бошланган. Муқаддимадан сўнг *Ислар қисми* берилган. Қўлёзмада ҳатто *Ислар қисми* ҳам охиригача эмас. Қўлёзманинг ихчамлигидан мазкур нусхада асарнинг фақатгина биринчи қисми берилиши кўзда тутилган, деган холосага келиш мумкин. Сулс хатида ёзилган матн ҳаракатлантирилмаган. Ҳошияларда сулс, рико, настаълик хатларида киритилган шарҳ ва изоҳлар талайгина, айrim изоҳларни қаторлар орасида ҳам қўриш мумкин.

“Муфассал” асарининг **8972** инвентарь рақам остида сақланаётган қўлёзмаси 15x22 см ўлчамга эга бўлиб, ушбу жилдда 3 та турли асарларнинг бўлаклари жамланган. Ундаги дастлабки 58 варакда Замахшарийнинг “Муфассал” асарининг бир қисми берилган. Қўлёзмада мавжуд асарнинг бир бўлаги “*Ислар қисми*”нинг “*Келишиклар*” мавзуси билан бошланиб,

“Феъллар қисми”нинг “Хозирги замон” мавзуси билан тугайди. Лекин жилддаги парчада мавзуу охирига етмаган, яъни охиридаги вараклар йўқ. Матн настаълик хатида битилган, ҳаракатлар қўйилмаган, саҳифадаги йўллар сони 10 та. Айрим саҳифаларда настаълик хатида киритилган шарҳ ва ҳошияларни кўриш мумкин.

Кўлёzmанинг мазкур қисми таъмирталаб, айрим саҳифалар йиртилган, айримлари тешилган, баъзи саҳифаларда матннинг қаторлари ўчиб кетган жойлар бор. Вараклар пойгиrlанган.

3272 инвентарь рақам остида сақланаётган қўлёзма 17x25,5 см ҳажмга эга. Ундаги жилдда “Муфассал” асарининг иккита турли қўлёзма нусхаларининг маълум бир қисмлари жамланган. Жилддаги дастлабки 71 варакда биринчи китоб берилган. Унда “Муфассал” асари муқаддимадан бошланган. Китобнинг 2⁶ варагидан эса асарнинг “Ислар қисми” бошланган, бироқ бу қисмнинг ҳам охири йўқ. Мазкур китобда матн саҳифадаги 15 та йўлда сулс хатида берилган, матн ҳаракатлантирилган. Китобда қисм номи, шунингдек, “Ислар қисми”ни ташкил этувчи мавзулар номлари асар матнидан йирикроқ ҳарфлар билан, бироз қорайтириброк берилган. Бу эса ўқувчига керакли мавзуни топишда қўл келади. Саҳифаларда турли хат турларида киритилган шарҳ ва изоҳлар талайгина. Вараклар пойгиrlанмаган, рақамланмаган.

Жилднинг 72^a варагидан “Муфассал” асарининг яна бир қўлёзма нусхасининг бир бўлаги бошланади. Бунда асарнинг “Ислар қисми”нинг охирги саҳифалари берилган. Давомида асарнинг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тўлиқ берилган. Мазкур китобда қисмларнинг номлари, улар таркибидаги мавзулар номлари йирик ҳарфлар билан қизил сиёҳда ажратиб кўрсатилган. Унинг айрим саҳифаларида шарҳ ва изоҳларни кўриш мумкин. Мазкур китобдаги матн ҳам сулс хатида ҳаракатларсиз ёзилган. Саҳифаларда пойгиrlар йўқ, вараклар рақамланмаган. Саҳифадаги йўллар сони 15 та.

Китобнинг сўнгги саҳифасида қўлёзма Ҳусайн ибн Ҳожи ар-Розий томонидан ҳижрий 822 \ милодий 1419 йилда кўчирилганлиги кўрсатиб ўтилган.


Юқорида сўз юритилган “Муфассал” асарининг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мавжуд 6 та қўлёзма нусхаси ҳақидаги библиографик маълумотларни яққолроқ кўриш учун қўйида берилган жадвалга мурожаат этиш мумкин.

4-жадвал

**“Муфассал” асарининг
Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний
номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида
мавжуд**
**қўлёзма нусхаларининг қисқача библиографик
кўрсаткичлари**

№	Инвен- тарь ракам	Қўлёзма кўчирилган йили	Хаттот номи	Варак- лар сони	Қўлёзманинг ўлчами (см.да)
1.	11459	744/1343	Қутбиддин Шерозий	155	12,5x18
2.	5198	номаълум	номаълум	222	15x19
3.	3697	768/1367	номаълум	335	25x16
4.	5675	номаълум	номаълум	87	14,5x18
5.	8972	номаълум	номаълум	58	15x22
6.	3272	822/1419	Хусайн ибн Ҳожи ар-Розий	71	17x25,5

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ
“АЛ-МУФАССАЛ ФИ САНЪАТИ-Л-ИҶР” АСАРИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙҲОН
БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ҚҮЛЁЗМАЛАР ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН
ҚҮЛЁЗМА НУСХАЛАРИДАН ЛАВҲАЛАР



19-расм. “Муфассал” асарининг 11459 инвентарь рақам остида сақланаётган қўлёзма нусхасининг 3^б вараги.

Қўлёзманинг титул вараги йўқ, у муқаддимадан бошланган. Муқаддима 3^а варақчача давом этган. Расмда келтирилган 3^б варақдан қуйидаги жумла билан асарнинг биринчи қисми, яъни Исмлар қисми бошланган:

القسم الاول من الكتاب و هو قسم الاسماء
“Асарнинг биринчи қисми бу Исмлар қисми”

القسم الثاني في الأفعال سُمِّ اللَّهُ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ اللَّهُمَّ اسْأَلْ

المُعْذَنَةَ بِفَضْلِكَ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ عَبْدِكَ وَدَسْقُ لِكَ الْفَعْلَ مَا دَلَّ عَلَى أَقْتِرَانِ حَدِيثٍ بِنَمَانٍ وَصِنْ

خَصَائِصِهِ صَحِّةً دُخُولٍ قَدْ فَعَلَ فِي الْأَسْتِيقْنَالِ وَالْجَوَادِ

وَدُخُولَ الْمَتَصِّلِ الْبَارِزِ مِنَ الصَّمَائِرِ قَاتَ الْمَاءِ يَمِّيْثُ سَائِلَةَ السَّا

نَحْوَ قَوْلَكَ قَدْ فَعَلَ وَقَدْ يَفْعَلُ وَسَيَفْعَلُ وَسَوْفَ يَفْعَلُ

فَلَمْ يَفْعَلْ وَفَعَلْتُ وَيَفْعَلَنَّ وَأَفْعَلْتُ وَفَعَلْتُ

وَمِنْ أَصْنَافِ الْفَعْلِ الْمَاضِي وَهُوَ الدَّالُّ

عَلَى أَقْتِرَانِ حَدِيثٍ بِنَمَانٍ قَبْلَ ذَمَانَكَ وَهُوَ مَبْنَىٰ

عَلَى الْفَتْحِ الْأَذَانِ يَعْقُرُ صَدَهُ مَا يُوْجِبُ سُلُونَهُ أَوْ ضَمَّهُ

فَالسَّلَوْنَ عَنْدَ الْأَعْلَالِ وَلَجُونِقْ بَعْضُ الصَّمَائِرِ قَدْ لِفَضَّمْ

مَعْنَى وَالْعَمَيْرِ وَمِنْ أَصْنَافِ الْفَعْلِ

الْمَضَادِعُ وَهُوَ مَا يَعْتَقِبُ فِي صَدَادِهِ الْمَهْرَةُ وَالْمَوْنُ

وَالثَّاءُ وَالْمَيَاءُ وَذَلِكَ قَوْلُكَ لِلْمَنَاطِبِ أَوْ الْغَائِبَةِ

تَفْعَلُ وَلِلْغَائِبِ يَفْعَلُ وَلِلْمَيَّلِمِ أَفْعَلُ وَلَمْ إِذْلَاكَ

مَعْنَى عَيْرَهُ فَإِلَيْهِ أَيْ جَمَاعَةٍ تَفْعَلُ وَلِسَمِّيِّ الْمَرْقَدِينِ

الْأَرْبَعَةِ

20-расм. “Муфассал” асарининг 11459 инвентарь рақам остида сақланаётган қўлёзма нусхасининг 85^Б вараги. Мазкур варақдан қўйидаги жумла билан асарнинг иккинчи қисми, яъни Феъллар қисми бошланган:

القسم الثاني في الأفعال
“Иккинчи қисм – Феъллар қисми”

مقدمة الادب

“Муқаддамату-л-адаб” асарининг қўлёзма нусхалари

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Кўлёзмалар фондида **2699, 1497¹, 3807, 3628, 9477, 7352, 429, 1301** инвентарь рақамлар остида “Муқаддамату-л-адаб” асарининг 8 та қўлёзма нусхаси сақланади. Қуйида уларнинг тавсифини келтирамиз.

“Муқаддамату-л-адаб” асарининг фондда сақланаётган қўлёзма нусхаларидан биринчиси **429** инвентарь рақам остида сақланаётган нусха. Араб тилида битилган асарнинг мазкур қўлёзмаси 375 варак(750 бет)дан иборат бўлиб, 16x18,5 см ўлчамга эга. Ҳар бир сахифадаги йўллар сони 8 та. Аслида қўлёzmанинг вараклари пойгиrlанган бўлган, аммо қўлёzmанинг вараклари йиртилганда, кейинчалик эса таъмирланганда пойгиrlар йўқолиб кетган. Картон муковали мазкур қўлёзма бир неча марта таъмирланган бўлишига қарамай, ҳозирги ҳолатида ҳам таъмрталаб. Қўлёзма сувга тушиб, айrim сахифалари таъмрталаб бўлиб қолган. Қўлёzmанинг дастлабки вараклари йиртилган, айнан шу варакларда матнни ўқиш имкони йўқ. Бетартиб тикилган вараклар ҳам талайгина. Кўплаб сахифаларда матннинг бир неча қаторлари ўчиб кетган.

Асарнинг асосий арабча матни йирик насх хатида 8 та йўлга жойлаштирилган, қаторлар орасига анча жой ташлаб кетилган ва у ерга асарнинг форсча таржимаси киритилган. Форсча таржима айrim сахифаларда насх, баъзи сахифаларда эса настаъликда ёзилган. У арабча матнга нисбатан майдароқ ёзилган. Аксарият сахифаларда бетартиб киритилган форсча матннинг сўзлари ўчиб кетган.

Қўлёзма асарнинг муқаддимасидан бошланган. 4^a варакда бетартиб ёзувлардан иборат титул варакни кўриш мумкин. Унда асар 5 қисмдан иборат эканлиги ёзилган ва қисмлар номма-ном санаб ўтилган:

¹ “Муқаддамату-л-адаб” асарининг **2699** ва **1497** инвентарь рақам остидаги қўлёзма нусхалари нодир нусхалар хисобланади.

<i>Асар беш қисмдан иборат</i>	و هو على خمسة اقسام
<i>Биринчи қисм “Ислар қисми”</i>	القسم الاول: في الاسماء
<i>Иккинчи қисм “Феъллар қисми”</i>	القسم الثاني: في الافعال
<i>Учинчи қисм “Ёрдамчи сўзлар қисми”</i>	القسم الثالث: في الحروف
<i>Тўртинчи қисм “Исларнинг турланиши қисми”</i>	القسم الرابع: في تصریف الاسماء
<i>Бешинчи қисм “Феълларнинг тусланиши қисми”</i>	القسم الخامس: في تصریف الافعال

Шундан кейин асарнинг биринчи “Ислар қисми” бошланган. Анъанавий басмаладан кейин катта ҳарфлар билан “Боб” (”باب”) ёзилиб, 7^a саҳифагача замон ва вақтни англатувчи сўзлар берилган. Сўзларнинг берилиш тартиби ҳақида сўз юритадиган бўлсақ, унда вақт ва замонни англатувчи кун қисмлари, милодий ва хижрий ой номлари, ҳафта кунлари, йил фасллари каби сўзлар кетма-кетлиқда бериб кетилган. Агар сўзнинг кўплик шакли мавжуд бўлса, бирлик шаклидан кейин кўплиги ҳам ёзилган. Масалан:

<i>Вақт – вақтлар</i>	وقت - اوقات
<i>Замон – замонлар</i>	زمان - ازمان
<i>Аср – асрлар</i>	قرن - قرون
<i>Йил – йиллар</i>	سنة - سنوات
<i>Тун – тунлар</i>	ليل - ليالي
<i>Кун – кунлар</i>	يوم - أيام

7^а саҳифанинг ярмидан бошлаб, “Ислар қисми”нинг иккинчи боби бошланганлигини билдириш учун кўчирувчи катта ҳарфлар билан “بَاب” (“Боб”) сўзини ёзиб, ушбу бобда само, фалак, уфқ, шарқ, ғарб, жануб, шимол, шунингдек, ҳамал, савр, жавзо каби бурж номлари, ой, қуёш, юлдузлар, сайёralар, булут, ёмғир, қор, тун, кун, зулмат, шамол, совук ҳаво, иссиқ ҳаво, бўрон, тўфон, қатор само жисмларини англатувчи сўзлар берилган. Улар ҳам худди юқориги боб каби берилган. Бу бобда ҳам кўплик шакли мавжуд сўзларнинг кўплик шакли сўзнинг бирлик шаклидан кейин бериб кетилган. Жумладан:

<i>Само – самолар</i>	سماء - سموات
<i>Фалак – фалаклар</i>	فَلَّاک - افلاك
<i>Уфқ – уфқлар</i>	افق - آفاق
<i>Бурж – буржлар</i>	برج - ابراج
<i>Юлдуз – юлдузлар</i>	کوکب - كواكب
<i>Нур – нурлар</i>	نور - انوار
<i>Зулмат – зулматлар</i>	ظلمة - ظلمات
<i>Булут – булутлар</i>	سحابة - سحائب
<i>Шамол – шамоллар</i>	ريح - رياح

“Муқаддамату-л-адаб” асарининг мазкур фондда сақланаётган қўлёзма нусхаларидан яна бири **7352** инвентарь рақам остида сақланаётган нусха. Араб тилида битилган асарнинг мазкур қўлёзмаси 14,5x22 см ўлчамга эга. Ҳар бир саҳифадаги йўллар сони 9 та. Қўлёzmанинг ҳар бир варагининг юқори қисмининг чап тарафига рақамлар қўйилган. Бироқ бу қўлёзма кейинчалик сочилиб кетиб, қайта йигилган. Аммо қўлёзма вараклари бетартиб қилиб қўйилган. Қўлёзма 200 варакдан ортиқ ҳажмга эга бўлишига қарамай, варакларининг деярли ҳаммаси бетартиб. Масалан 150-варакдан кейин 231-варак, 218-варакдан кейин 136-варак, 223-варакдан кейин 127-варак келган. Хато

тахланган варақлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Қўлёзма муқовадан ажратилиб, варақлари тартиблангандан ҳолда қайта йиғилсагина, тадқиқот учун яроқли ҳолга келиши мумкин. Қолаверса, қўлёzmанинг жуда кўп варақлари тушиб қолган ёки йиртиб олинган. Картон муқовали мазкур қўлёзма бир неча марта таъмирланган бўлишига қарамай, ҳозирги ҳолатида ҳам таъмрталаб. Қўлёзма сувга тушиб, айrim сахифалари таъмрталаб бўлиб қолган.

Асарнинг асосий арабча матни йирик насх хатида 9 та йўлга жойлаштирилган, қаторлар орасига анча жой ташлаб кетилган ва у ерга асарнинг форсча таржимаси киритилган. Форсча таржима айrim сахифаларда насх, баъзи сахифаларда эса настаълиқда ёзилган. У арабча матнга нисбатан майдароқ ёзилган. Аксарият сахифаларда бетартиб киритилган форсча матннинг сўzlари ўчиб кетган.

Қўлёзма асарнинг муқаддима қисмининг охиридан бошланган. Дастлабки сахифалари йўқ. Қўлёzmада асарнинг “Ислар қисми” ва “Феъллар қисми”нинг ярмини кўриш мумкин. Бироқ юқорида таъкидлаганимиздек, қўлёзма ҳозирги ҳолатида тадқиқот учун яроқсиз.

Асарнинг қўлёзма нусхаларидан яна бири **9477** инвентарь рақам остида сақланаётган нусха. Араб тилида битилган асарнинг мазкур қўлёзмаси 18,5x27 см ўлчамга эга. Ҳар бир сахифадаги йўллар сони 9 та. Қўлёzmанинг ҳар бир варафининг юқори қисмининг чап тарафига рақамлар қўйилган. Картон муқовали мазкур қўлёзма бир неча марта таъмирланган бўлишига қарамай, ҳозирги ҳолатида ҳам таъмрталаб. Қўлёzmанинг дастлабки варақлари йиртилиб кетган.

Асарнинг асосий арабча матни йирик насх хатида 9 та йўлга жойлаштирилган, қаторлар орасига анча жой ташлаб кетилган ва у ерга асарнинг айrim жойларининг форсча таржимаси киритилган. У арабча матнга нисбатан майдароқ ёзилган.

Қўлёzmанинг дастлабки сахифалари йўқ. У асар муқаддимасининг сўнгги жумласидан бошланган. Ундан кейин асарнинг биринчи қисми, яъни “Ислар қисми” бошланган. “Ислар қисми” 45 варақни ташкил этади. Мазкур қисмнинг дастлабки 27 варағидаги асар матни қизил сиёҳли жадвалга олиб

чиқилган. Қўлёзманинг 46-варағидан асарнинг иккинчи қисми, яъни “Феъллар қисми” бошланади. Мазкур қисм бир рақамидан бошлаб, рақамланган. “Феъллар қисми” 138 варакдан иборат. Қўлёзманинг ҳажми 183 варакни ташкил этади.

“Муқаддамату-л-адаб” асарининг мазкур фондда сақланаётган яна бир қўлёзма нусхаси **3628** инвентарь рақам остида сақланади. Араб тилида битилган асарнинг мазкур қўлёзмасида форсча таржима ҳам бўлиб, у 14,5x24 см ўлчамга эга. Ҳар бир саҳифадаги йўллар сони 9 та. Қўлёзманинг ҳар бир варагининг юқори қисмининг чап тарафига рақамлар қўйилган. Қолаверса, ҳар бир варак пойгиранган. Қўлёзма 304 варакдан иборат. Картон муқовали мазкур қўлёзма бир неча марта таъмирланган бўлишига қарамай, ҳозирги ҳолатида ҳам таъмрталаб жойлари бор.

Асарнинг асосий арабча матни чиройли насх хатида 9 та йўлга жойлаштирилган, қаторлар орасига анча жой ташлаб кетилган ва у ерга майда настаълик хатида асарнинг форсча таржимаси киритилган. Асарнинг арабча матни тўлиқ ҳаракатлантирилган.


Қўлёзма асарнинг муқаддима қисмидан бошланган. З^a варакдан бошлаб, асарнинг биринчи қисми “Ислар қисми” бошланган. Унда боб ва фаслларни ажратиб кўрсатиш учун кўчирувчи “боб” ва “фасл” сўзларини қизил сиёҳда ёзган. Қўлёзманинг 89^b варагидан бошлаб, асарнинг иккинчи қисми “Феъллар қисми” бошланган. Бироқ қўлёзмада бу қисмнинг сўнгги охирги саҳифалари йўқ. Мазкур қисмда ҳам боб ва фасл номлари қизил сиёҳ билан ажратиб кўрсатилган.

“Муқаддамату-л-адаб” асарининг фондда сақланаётган яна бир қўлёзма нусхаси **3807** инвентарь рақам остида сақланади. Нусха 18,5x26 см ўлчамга эга. Ҳар бир саҳифадаги йўллар сони 9 та. Қўлёзманинг вараклари пойгиранган. Нусханинг умумий ҳажми 136 варакдан иборат. Картон муқовали мазкур қўлёзма бир неча марта таъмирланган бўлишига қарамай, ҳозирги ҳолатида ҳам таъмрталаб жойлари бор. Айниқса, қўлёзманинг дастлабки 10 варагида матн ўчиб кетган жойлар талайгина.

Асарнинг асосий арабча матни чиройли насҳ хатида 9 та йўлга жойлаштирилган, қаторлар орасига анча жой ташлаб кетилган ва у ерга майда настаълик ва насҳ хатларида форсий ва туркий сўзликлар киритилган. Арабча матннинг аксарият қисми ҳаракатлантирилган.

Қўлёзма асарнинг “Феъллар қисми”ни ўз ичига олган. Боб номлари қизил сиёҳ билан асар матнидан ажратиб кўрсатилган.


МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ
“МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ” АСАРИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АБУ РАЙХОН
БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ
ҚҮЛЁЗМАЛАР ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН
ҚҮЛЁЗМА НУСХАЛАРИДАН ЛАВҲАЛАР



21-расм. “Муқаддамату-л-адаб” асарининг 9477 инвентарь рақам остида сақлананаётган қўлёзма нусхасининг 1^Б вараги.

Мазкур варак асарнинг биринчи қисми, яъни “Исллар қисми”нинг дастлабки саҳифаларидан. Асарнинг асосий арабча матни йирик насл хатида 9 та ўулга жойлаштирилган, қаторлар орасига анча жой ташлаб кетилган ва у ерга асарнинг форсча сўзлиги киритилган. Бирликдаги сўзларнинг тагига “бирлик” сўзининг арабча варианти, яъни “муфрад” сўзини қисқартирган ҳолда “мим”, кўпликдаги сўзларнинг тагига “жасмъ” сўзини қисқартирган ҳолда “жим” ҳарфи қўйиб кетилган:

бирлик	←	مفرد	←	م
кўплик	←	جمع	←	ج



22-расм. “Муқаддамату-л-адаб” асарининг 9477 инвентарь рақам остида сақланадиган қўллэзма нусхасининг 8^Б вараги.

Мазкур варак асарнинг биринчи қисми, яъни “Ислмар қисми”га мансуб. Юқорида айтилганидек, мазкур варакда кўплик шакли мавжуд сўзларнинг бирлиги билан бирга кўплиги ҳам берилган:

боглар	حدائق	←	бог	←	حديقة
дараҳтлар	اشجار	←	дараҳт	←	شجرة



23-расм. “Муқаддамату-л-адаб” асарининг 9477 инвентарь рақам остида сақланадиган қўллэзма нусхасининг 129⁴ вараги.

Мазкур варақ асарнинг иккинчи қисми, яъни “Феъллар қисми”га мансуб. Унда феълларнинг X бобига қатор мисоллар берилган.

الفائق في غريب الحديث

“Ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис” асари ва унинг қўлёзма нусхалари

Замахшарийнинг диний йўналишдаги яна бир йирик асари “ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис”дир. Замахшарий мазкур асарини 516/1122 йил ёзиб тутатган. Унда пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ва саҳобалар айтган ҳадисларда учрайдиган тушунилиши қийин сўзлар йиғилиб, изоҳланган. Асар устида тадқиқот олиб борган шарқшунос Ў.Қориевнинг фикрича, “Фақих, адиб, луғатшунос, наҳвшунос, муҳаддис атамиш олимлар учун бу соҳаларнинг ҳаммасини эгаллашга зарур бўлган сўз ва атамалар айнан шу китобда йиғилган. Буни ўзлаштирган киши Қуръон ва унинг тафсирига ўтиши мумкин”¹. Мазкур асар туфайли Замахшарий буюк муҳаддис номига сазовор бўлган. Олимларнинг таъкидлашича, “... араб лексикографияси тарихидаги “ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис” луғати муҳим ўрин эгаллайди. Бу луғатга ҳамма даврларда юксак баҳо берилган. Бу луғат туфайли Замахшарий буюк муҳаддис сифатида танилган”².

Луғатда сўзлар алифбо тартибида берилган. Бунда муаллиф изоҳланаётган бош сўзнинг фақат биринчи ўзак ундошига аҳамият берган, кейинги ўзак ундошларда алифбо тартибига риоя қилинмаган. Бу эса луғатдан фойдаланишда қатор қийинчиликлар туғдирган. “Ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис” луғати таъсирида яратилган бошқа луғатларда бу камчилик ҳисобга олинган. Масалан, ибн Асир ўзининг ҳадислар луғатига айнан Замахшарийнинг “ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис”ини асос қилиб олган. Ибн Асир луғатида сўзлар барча ўзак ундошларни ҳисобга олган ҳолда алифбо тартибида берилган³.

Изоҳланаётган бош сўз феъл бўлса, унинг бирлик, 3-шахс, ўтган замон шакли, агар исм бўлса, унинг бирлик, ноаниқ ҳолатдаги шакли келтирилади. Бош сўзлар ҳошияга чиқарилган.

¹ Қориев Ў. Аз-Замахшарий тилшунос, адабиётчи ва шоир // Хоразмлик буюк аллома. – Т.: 1998. – Б.60 – 61.

² Ўша манба. Б.66.

³ Қаранг: Кариев У. «ал-Фаик фи ғариби-л-ҳадис» в истории словарей хадисов (на примере сопоставления одной словарной статьи) // Востоковедение, 1995. – С.75 – 77.

Агар лугатдан фойдаланувчи ҳошиядаги бош сўзларга аҳамият бермаса, асар яхлит матндан иборатга ўхшайди. Асардаги лугат мақолаларни бир-биридан ажратиш мушкул. Асарнинг кўлёзмаларидағи лугат мақолаларни бир-биридан ажратишида фақатгина ҳошияга чиқарилган бош сўзлар ёрдам беради.

Ҳар бир лугат мақолада бош сўздан сўнг у иштирок этган ҳадис келтирилиб, у ҳадисда қандай маъно англатиши баён этилган. Сўнгра сўз маъносига мисоллар берилган.

Мисоллар асосан Қуръони каримдан олинган. Замахшарий Абу Убайд, Абу Мусо Муҳаммад ал-Исфаҳоний кабиларнинг ҳадислар учун лугатларидан фойдаланган. Сўзларни изоҳлашда Жоҳилия даври шеъриятидан, ёзувчиларнинг насрин асарларидан ҳам кенг фойдаланган. Замахшарий насрин асарлардан мисоллар танлашда сўзларни батафсил изоҳлашга ҳаракат қилган. Қолаверса, уларнинг қисқа ва лўндалигига эътибор берган. Шу боис ҳам лугатдаги насрин парчалар афоризмлар даражасига кўтарилиган.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Кўлёзмалар фондидаги **“ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис”** асарининг 2 та қўлёзма нусхаси сакланади. Қуйида асарнинг фондда мавжуд иккита қўлёзма нусхасининг тавсифини келтирамиз.

“Ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис” асарининг фондда саклананаётган қўлёзма нусхаларидан биринчиси **4725** инвентарь рақам остида саклананаётган нусха. Араб тилида битилган асарнинг мазкур қўлёзмаси 85 варак(170 бет)дан иборат бўлиб, 14x27,5 см ўлчамга эга. Ҳар бир саҳифадаги йўллар сони 27 та. Кўлёзманинг вараклари пойгиранмаган, рақамлар ҳам қўйилмаган. Картон муқовали мазкур қўлёзма бир неча марта таъмирланган бўлишига қарамай, ҳозирги ҳолатида ҳам таъмирталаб. Кўлёзма сувга тушиб, айрим саҳифалари таъмирталаб бўлиб қолган. Кўлёзманинг ҳамма вараклари тешилиб кетган. Кўплаб саҳифаларда матнга путур етган жойлар бор. Айрим саҳифаларда матндаги сўзлар ўчиб кетган, бир саҳифанинг ёзуви иккинчи саҳифага тушиб қолган жойлар ҳам талайгина.

Кўлёзманинг боши йўқ, асар “Коф боби”нинг “Коф ва лом” қисмининг охиридан бошланган. Мазкур қисмнинг боши йўқ.

Қўлёзманинг 2^a варагидан асарнинг “Коф ва мим” қисми бошланиб, 77^a варакда асар якунланган. Қўлёзма давомида бобларнинг ва боб ичидағи бўлимларнинг номлари йирик ҳарфлар билан қорайтириброк ёзилган ҳолда матндан ажратиб кўрсатилган. Масалан 5^b варакдан 16^b варакгача давом этган “Лом боби” ва 17^a варакдан 31^b варакқача давом этган “Мим боби”да уларнинг таркибидаги бўлимларнинг номлари қуидаги тартибда алифбо кетма-кетлигида берилган:

مع الهمزة		مع الهمزة
مع التاء		مع الباء
مع الثاء		مع التاء
مع الجيم		مع الجيم
مع الحاء		مع الحاء
مع الخاء		مع الدال
مع الدال		مع الذال
مع الذال		مع الزاء
مع الراء		مع السين
مع الزاء		مع الصاد
مع السين		مع الطاء
مع الشين		مع الظاء
مع الصاد		مع العين
مع الضاد		مع الغين
مع الطاء		مع الفاء
مع الظاء		مع القاف
مع العين		مع الكاف
مع الغين		مع الميم
مع الفاء		

كَلْمَة

كَلْمَة

مع القاف		مع الواو
مع الكاف		مع الهاء
مع النون		مع الياء
مع الواو		
مع الهاء		
مع الياء		

نبى صلی “Асарда ҳадисларни беришдан олдин қизил сиёхда “*نَبِيٌّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ*” (“Набий саллаллоҳу алаихи васаллам”) деб ёзиб қўйилган. Асар матни давомида саҳобалар ва халифаларнинг номлари ҳам қизил сиёхда берилиган. Кўлёзманинг ҳар бир саҳифасида кейинчалик киритилган шарҳ ва изоҳларни қўриш мумкин. Улар асосан насх ва сулс хатларида битилган.

77^a варакда асар ўз якунига етган. 76^b варакнинг сўнгидан бошлаб Маҳмуд Замахшарий сўzlари берилиган. Унда аллома мазкур асарнинг номи “ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис” эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Уни ҳижрий 516 йилда раби’у-л-охир ойининг бошларида ёзиб тугатганлигини айтиб, бу асарнинг яратилишига 4 йил умрини сарфлаганини ёзади.

Кўлёзманинг сўнгги 77^a варагида кўчирувчининг исми шарифи ва асар кўчирилган сана қайд этилган. Унга қўра қўлёзма ҳижрий 760 \ милодий 1358 йилда Муҳаммад ибн Масъуд ат-Термизий томонидан кўчирилган.

Асар якунидан кейин 77^b варакдан бошлаб, унинг фиҳристи берилиган. Унда боблар ва бўлимлар номлари ҳамда бўлимлардаги луғат мақолаларнинг бош сўzlари келтирилган. Фиҳрист 85^b варакгача давом этган. Фиҳрист асосида айтадиган бўлсак, асарнинг мазкур қўлёзмаси аслида “Сод боби”дан бошланган.

Асарнинг фондда сақланаётган иккинчи қўлёзма нусхаси **5134** инвентарь рақам остида сақланади. Араб тилида битилган асарнинг мазкур қўлёзмаси каттагина ҳажмга эга. У 339 варак(678 бет)дан иборат бўлиб, 18x30 см ўлчамга эга. Ҳар бир саҳифадаги йўллар сони 29 та. Кўлёзманинг варақлари пойгиранмаган, рақамлар ҳам қўйилмаган. Картон муқовали мазкур қўлёзма бир неча марта таъмирланган, бироқ таъмрталаб жойлари бор. Асар матнига путур етган жойлар йўқ.

Асарнинг фондда мавжуд иккита қўлёзмасидан айнан шунисини нисбатан тўлиқроқ нусха ҳисоблаш мумкин. Қўлёзмада асарнинг фақатгина муқаддимаси йўқ. Лекин ҳадислар учун тузилган луғат асарнинг мазкур қўлёзмаси биринчи боб, яъни “Ҳамза боби”дан бошланиб, охирги “Йа боби”гача давом этган. 338^a варакда бошланган сўнгги “Йа боби”нинг охирги 2 ёки 3 варағи йўқлигини ҳисобга олмаганда, мазкур нусхани асарнинг тўлиқ қўлёзма нусхаси дейиш мумкин. Қўлёзма саҳифаларида шарҳ ва изоҳлар талайгина.

Ушбу қўлёзмада ҳам боб ва ундаги бўлимлар номлари қизил сиёҳ билан асар матнидан ажратиб ёзилган. Қўлёзма насх хатида ёзилган бўлиб, матн ҳаракатлантирилган. Нусханинг сўнгги вараклари йўқлиги боис қўчирувчи ва қўлёзманинг қўчирилган санасини аниқлаш имкони йўқ.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ КУТУБХОНАСИДА МАВЖУД ҚЎЛЁЗМА НУСХАЛАРИ

Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонаси 1943 йилда диний идора асосчиси, муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон (1860 – 1957 йй.) томонидан ҳадя қилинган мингдан ортиқ қўлёзма китоблар асосида ташкил этилган. Ҳозирда кутубхонада 20.000га яқин диний ҳамда дунёвий илмларга оид китоблар сақланади, шундан 3.000га яқинини қўлёзма китоблар ташкил этади. Учинчи халифа Усмон ибн Аффон (р.а.) буйруғига асосан милодий 644 – 648 йилларда кийик терисига кўчирилган Қуръони карим кутубхонада сақланётган қўлёзмаларнинг энг қадимийси ҳисобланади. Ўша даврда жами олти дона мусҳаф кўчиририлган бўлиб, шулардан ер юзида китоб шаклида сақланган ягона нусха мазкур кутубхонадаги мусҳафdir.

Кутубхона фондида Маҳмуд Замахшарийнинг қўлёзма нусхаси сақланётган 2 та асари мавжуд. Булар “Кашшоф” ҳамда “Рабиъу-л-абор” асарларидир. Улардан **“Кашшоф”** асари кутубхонанинг нодир қўлёзмаси ҳисобланади ҳамда музей экспонати сифатида кўргазмада туради. Қуйида мазкур кутубхонада мавжуд аллома асарларининг қўлёзма, тошбосма ва нашр нусхалари хусусида сўз юритилади.

“Кашшоф” асарининг қўлёзма нусхаси

Кутубхона фондида Маҳмуд Замахшарийнинг қўлёзма нусхаси сақланётган 2 та асаридан бири **“Кашшоф”** асари, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, кутубхонанинг нодир қўлёзмаси ҳисобланади. Мазкур қўлёзма **317** инвентарь рақам остида сақланади. У араб тилида бўлиб, ҳижрий 694 йилда насх хатида кўчирилган. Хаттотнинг номи маълум эмас. Қўлёзма 320 саҳифадан иборат, картон муқовали, ўлчами 29x17 см.

“Рабиъу-л-аброр” асарининг қўлёзма нусхаси

Кутубхонада қўлёзма нусхаси мавжуд иккинчи асар бу – **1490** инвентарь рақам остида сакланадиган “*Рабиъу-л-аброр*” асари. У картон муқовали, умумий ҳажми 402 варақ, ўлчами 26x17 см. Қўлёзма ёмон ҳолатда, унинг ҳар бир сахифаси таъмирланган бўлишига қарамай, аксарият сахифалар тешилган, баъзи сахифаларда асарнинг матн қисми ўчиб кетган, асарнинг титул вараги йўқолган (24-25-расмларга қаранг).

Ҳар бир сахифага қизил ҳамда кўк сиёҳ билан жадвал тортилган, унинг ичида чиройли насл хатида майдага ҳарфларда асар матни берилган. Матн ичида берилган Қуръони карим оятлари, ҳадисларни ажратиб қўйиш учун тагига қизил сиёҳ билан чизик тортилган. Сахифалар пойгирланган (26-27-расмларга қаранг).

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ ИДОРАСИ КУТУБХОНАСИДА МАВЖУД ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ

“Кашшоф” асарининг тошбосма нусхалари

Мазкур кутубхона фондидаги тошбосма нусхалари кўп ҳисобланган асарлардан бири бу – Замахшарийнинг “*Кашшоф*” тафсири. Бугунги кунда кутубхонанинг “Тафсир” бўлимида “Кашшоф” асарининг турли қисмларининг жами 16 та тошбосма нусхалари сақланади. Тошбосмаларнинг барчаси араб тилида. Куйида уларни инвентарь рақамлар кетма-кетлиги бўйича кўриб чиқамиз.

249-Б – хижрий 1318 / милодий 1900 йилда Мисрнинг “ал-Кубра-л-амирия” нашриётида тайёрланган. Ҳажми 524 бет, ўлчами 19x28 см. Тошбосма жуда яхши сақланган, нисбатан янги ҳисоблангани учун ҳам жилди замонавий кўринишга эга.

Унда асарнинг биринчи жилди (الجزء الاول) (ал-жузъу-л-аввал) берилган. Асар 19 бетдан иборат муқаддимага эга. Нусханинг 19-бетидан “Фотиҳа сураси”нинг тафсири бошланган. Асарнинг мазкур қисмида жами 7 та суранинг (*Фотиҳа, Бақара, Оли Имрон, Нисо, Муида, Анъом, Аъроф*) тафсири келтирилган. Баъзи суралар тафсири 35 бетни ташкил этса, айримлариники 232 бетдан иборат. Куйида келтирилган асарнинг фиҳристидан буни яққол кўриш мумкин:

5-жадвал

“Кашшоф” асарининг 249-Б инвентарь рақам остидаги тошбосма нусхасида тафсир қилинган сураларнинг номи ҳамда улар тафсир қилинган сахифалар

№	Суранинг номи	Сура тафсир қилинган сахифалар
1.	<i>Фотиҳа</i>	19 – 40 (21 бет)
2.	<i>Бақара</i>	60 – 292 (232 бет)
3.	<i>Оли Имрон</i>	292 – 343 (51 бет)
4.	<i>Нисо</i>	343 – 402 (59 бет)
5.	<i>Муида</i>	402 – 443 (41 бет)
6.	<i>Анъом</i>	443 – 478 (35 бет)
7.	<i>Аъроф</i>	478 – 523 (46 бет)

Китобнинг охирига “Асарнинг биринчи қисми тамом бўлди, унинг иккинчи қисми Анфол сураси билан бошланади”, деб ёзib қўйилган.

250-Б – ҳижрий 1307 / милодий 1889 йилда Мисрнинг “Шарқия” нашриётида чоп этилган. Ҳажми 731 бет, ўлчами 19,5x27,5 см. Тошбосма анча эскирган, картон муқовага ҳам зарап етган. Дастребки вараклар тешилган, нусхасининг охирги йиртилган саҳифалари кейинчалик таъмирланган.

Тошбосмада асарнинг иккинчи қисми (الجزء الثاني) (жузъу-с-сан) берилган. Тошбосма 19-сурә Марям сурасининг тафсири билан бошланиб, 114-сурә – Нос сурасининг шарҳи билан якунланган. Асарнинг мазкур қисмида жами 96 та суранинг тафсири келтирилган. Ҳошияда асарда ёзилган шарҳлар берилган. Ундан ташқари баъзи саҳифаларда кейинчалик сиёҳ билан киритилган шарҳлар ҳам бор.

Мазкур тошбосмада “Кашшоф” асарининг давомида (“Кашшоф”нинг охирги бети 576-бет) 165 бетдан иборат аллома Муҳибуддин Афанди томонидан асарга ёзилган шарҳ берилган.

255-Б – тошбосманинг нашр йили номаълум, у Мисрнинг “Шарқия” нашриётида тайёрланган бўлиб, умумий ҳажми 581 бет, ўлчами 19x28 см. Эскирган картон муқовали.

Мазкур тошбосмада асарнинг биринчи қисми (الجزء الاول) (ал-жузъу-л-аввал) берилган. Тошбосманинг титул варагидан олдин фиҳрист келтирилган. Унга кўра, тафсир Фотиха сураси билан бошланиб, 18-сурә – Каҳф сураси билан тугайди. Асарнинг мазкур қисмида жами 18 та суранинг тафсири келтирилган.

Баъзи саҳифаларнинг ҳошиясида берилган шарҳлар жадвал ичидаги матндан қўпроқ. Айрим саҳифаларда кейинчалик сиёҳ билан киритилган шарҳлар ҳам бор.

Нусханинг охирги бетига “Асарнинг биринчи қисми тугади, иккинчи қисм Марям сураси билан бошланади”, деб ёзib қўйилган.

Тошбосманинг нашр этилган йили кўрсатилмаган, лекин, фикримизча, мазкур тошбосма фонддаги 250-Б инвентарь рақам остида сакланадиган нусханинг биринчи қисми ҳисобланади. Нашриётнинг битталиги, қисмлардаги сураларнинг кетмакетлиги, қофоз тури, ёзув тури, жадвалларнинг берилиши, титул

варакдаги безаклар каби жиҳатлар бунга далил бўла олади. Шу маълумотларга таянган ҳолда “Кашшоф” асарининг мазкур тошбосма нусхаси ҳам ҳижрий 1307 / милодий 1889 йилда тайёрланган, дейиш мумкин.

256-Б – ҳижрий 1318 / милодий 1900 йилда Мисрнинг “ал-Кубра-л-амирия” нашриётида чоп этилган. Тошбосма 492 бетдан иборат, ўлчами 19x28 см. Картон муқовага зарар етгани ҳисобга олинмаса, тошбосма яхши сақланган.

Мазкур тошбосмада асарнинг иккинчи қисми (*الجزء الثاني*) (ал-жузъу-с-сани) берилган. Тошбосма 8-сурә – Анфол сурасининг тафсири билан бошланиб, 37-сурә – Соффот сурасининг шарҳи билан якунланган. Асарнинг мазкур қисмидаги жами 30 та суранинг тафсири келтирилган.

Хошияда батафсил шарҳлар келтирилган. Фихрист китобнинг сўнгги 492-саҳифасида берилган.

261-Б – ҳижрий 1318 / милодий 1900 йилда Мисрнинг “ал-Кубра-л-амирия” нашриётида тайёрланган. Тошбосма 522 саҳифадан иборат, ўлчами 19x28 см. Тошбосма анча эскирган, картон муқовага ҳам зарар етган, охирги саҳифалари йўқ.

Мазкур тошбосмада асарнинг биринчи қисми (*الجزء الاول*) (ал-жузъу-л-аввал) берилган. У Фотиҳа сурасининг тафсири билан бошланиб, 7-сурә – Аъроф сурасининг шарҳи билан якунланган, бироқ юқорида қайд этганимиздек, нусханинг сўнгги бетлари йўқлиги сабаб Аъроф сурасининг тафсири ҳам чала. Фикримизча, мазкур қисмда яна бир неча суранинг тафсири бўлган, аммо сўнгги бетлар йиртилганлиги боис улар тошбосмада мавжуд эмас. Асарда жами 7 та суранинг тафсири мавжуд. Хошияда шарҳлар берилган.

262-Б – ҳижрий 1318 / милодий 1900 йилда Мисрнинг “ал-Кубра-л-амирия” нашриётида тайёрланган бўлиб, умумий ҳажми 460 саҳифа, ўлчами 19x28 см. Тошбосма анча эскирган, картон муқовага ҳам зарар етган. Нусханинг охирги саҳифасида матн қисми йиртилган.

Мазкур тошбосмада асарнинг учинчи қисми (*الجزء الثالث*) (ал-жузъу-с-салис) берилган бўлиб, унда 38-сурә – Сод сурасидан 114-сурә – Нос сурасигача тафсир қилинган. Асарнинг мазкур

қисмида жами 76 та суранинг тафсири келтирилган. Ҳошияда шарҳлар берилган.

Фиҳрист тошбосманинг “Кашшоф” асари тугаган саҳифаси, яъни 304-саҳифада берилган. Асар давомида (“Кашшоф” асарининг охирги бети 304-бет) 156 бетдан иборат аллома Муҳибуддин Афанди томонидан асарга ёзилган шарҳ берилган. Асар ҳамда шарҳ биргаликда тошбосманинг умумий ҳажмини, яъни 460 бетни ташкил этган.

403-Б – тошбосманинг нашр этилган йили номаълум, “Шарқия” нашриётида тайёрланган, умумий ҳажми 739 бет, ўлчами 19x28 см. Тошбосма жуда яхши сақланган. Картон жилд ҳам яхши ҳолатда.

Мазкур тошбосмада асарнинг биринчи қисми (الجزء الاول) (ал-жузъу-л-аввал) берилган. Асар 39 бетлик муқаддима билан бошланган. Асарнинг 37-саҳифасидан Фотиҳа сурасининг тафсири бошланган. Асада 18 та суранинг (сўнгги тафсир 18-сураси – Каҳф сурасининг тафсири) тафсири мавжуд. Тошбосманинг ҳар бир саҳифасига пойгир қўйилган.

Тошбосманинг аксарият саҳифаларида ҳошияда берилган шарҳлар жадвал ичидағи матндан ҳам кўп. Тошбосманинг титул варағида асар ҳошиясида берилган шарҳлар олим, аллома Али ибн Муҳаммад ибн Али Сайд Зайниддин Абу Ҳасан Ҳусайнӣ Журжоний (вафоти 816 ҳижрий) ҳамда имом Носириддин Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мунир Искандарий Моликийга (вафоти 683 ҳижрий) мансуб эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Асарнинг сўнгги 739-саҳифасига “Асарнинг биринчи қисми тамом бўлди, иккинчи қисм Марям сураси билан бошланади”, деб ёзиб қўйилган.

404-Б – ҳижрий 1307 / милодий 1889 йилда Мисрнинг “Шарқия” нашриётида тайёрланган, умумий ҳажми 732 бет, ўлчами 19,5x27,5 см. Тошбосма яхши сақланган.

Тошбосмада асарнинг иккинчи қисми (الجزء الثاني) (жузъу-с-сани) берилган. Тошбосма 19-сураси Марям сурасининг тафсири билан бошланиб, 114-сураси – Нос сурасининг шарҳи билан яқунланган. Асарнинг мазкур қисмида жами 96 та суранинг тафсири келтирилган. Ҳошияда шарҳлар берилган. Тошбосманинг ҳар бир саҳифаси пойгирланган.

Мазкур тошбосмада “Кашшоф” асари 576 бетдан иборат, унинг давомида 156 бетдан иборат аллома Муhibuddin Афанди томонидан асарга ёзилган шарҳ берилган.

483-Б – ҳижрий 1307 / милодий 1889 йилда Мисринг “Шарқия” нашриётида тайёрланган, умумий ҳажми 576 бет, ўлчами 18x27 см. Тошбосма анча эскирган, картон муқовага ҳам зарар етган. Айрим саҳифалар йиртилган.

Тошбосмада асарнинг иккинчи қисми (жузъу-с-сани) берилган бўлиб, у 19-сурә Марям сурасининг тафсири билан бошланиб, 114-сурә – Нос сурасининг шарҳи билан якунланган. Асарнинг мазкур қисмида жами 96 та суранинг тафсири келтирилган. Ҳошияда шарҳлар берилган.

675-Б – ҳижрий 1306 / милодий 1888 йилда Мисринг “Шарқия” нашриётида тайёрланган, умумий ҳажми 740 бет, ўлчами 19x28 см. Тошбосма жуда яхши сақланган. Картон жилд ҳам яхши ҳолатда.

Мазкур тошбосмада асарнинг биринчи қисми (ал-жузъу-л-аввал) берилган. Асарда Фотиха сурасидан 18-сурә – Каҳф сурасигача тафсир қилинган. Унда жами 18 та суранинг тафсири мавжуд. Тошбосманинг аксарият саҳифаларида ҳошияда берилган шарҳлар жадвал ичидаги матндан ҳам кўп.

729-Б – ҳижрий 1307 / милодий 1889 йилда Мисринг “Шарқия” нашриётида чоп этилган, умумий ҳажми 536 бет, ўлчами 18x27 см. Тошбосма ёмон ҳолатда, унинг айрим саҳифалари таъмирланиб, тикланган. Картон муқова ҳам яроқсиз ҳолда. Асарнинг Марям, Тоҳо, Анбиё сураларининг тафсири берилган дастлабки 40 та саҳифаси йўқ. Тошбосма 41-саҳифадан – Анбиё сураси тафсирининг давомидан бошланган. Аслида асар 576 бетдан иборат бўлган.

Мазкур тошбосмада асарнинг иккинчи қисми (ал-жузъу-с-сани) берилган бўлиб, у 21-сурә – Анбиё сурасининг (боши йўқ) тафсири билан бошланиб, 114-сурә – Нос сурасининг шарҳи билан якунланган. Аксарият саҳифаларда ҳошияда шарҳлар берилган.

811-Б – ҳижрий 1307 / милодий 1889 йилда Мисринг “Шарқия” нашриётида тайёрланган, умумий ҳажми 732 бет,

ўлчами 19,5x27,5 см. Тошбосманинг дастлабки ва сўнгги саҳифалари, шунингдек, картон муқоваси таъмирланган.

Мазкур тошбосмада асарнинг иккинчи қисми (ал-жузъу-с-сани) берилган. Асарда 19-сурা – Марям сурасидан 114-сурा – Нос сурасигача тафсир қилинган. Унда жами 96 та суранинг тафсири мавжуд. Аксарият саҳифалар хошиясида шарҳлар берилган. Баъзи саҳифаларда сиёҳда киритилган шарҳлар ҳам бор.

Тошбосмада “Кашшоф” асарининг давомида (“Кашшоф” асари 576 бетдан иборат) 156 бетдан иборат аллома Мухибуддин Афанди томонидан асарга ёзилган шарҳ берилган. Асар ҳамда шарҳ биргаликда тошбосманинг умумий ҳажмини, яъни 732 бетни ташкил этган.

812-Б – ҳижрий 1308 / милодий 1890 йилда Мисрнинг “Шарқия” нашриётида тайёрланган, умумий ҳажми 730 бет, 19,5x27,5 см. Тошбосма жуда яхши сақланган.

Мазкур тошбосмада асарнинг иккинчи қисми (ал-жузъу-с-сани) берилган. Асарда 19-сурা – Марям сурасидан 114-сурा – Нос сурасигача тафсир қилинган. Унда жами 96 та суранинг тафсири мавжуд. Хошияда шарҳлар берилган.

Мазкур тошбосмада ҳам “Кашшоф” асарининг давомида (“Кашшоф” асари 574 бетдан иборат) 156 бетдан иборат аллома Мухибуддин Афанди томонидан асарга ёзилган шарҳ берилган. Асар ҳамда шарҳ биргаликда тошбосманинг умумий ҳажмини, яъни 730 бетни ташкил этган.

813-Б – ҳижрий 1308 / милодий 1890 йилда Мисрнинг “Шарқия” нашриётида тайёрланган, умумий ҳажми 732 бет, ўлчами 19,5x27,5 см. Тошбосма яхши сақланган. Картонли муқова.

Мазкур тошбосмада асарнинг иккинчи қисми (ал-жузъу-с-сани) берилган. Асарда 19-сурা – Марям сурасидан 114-сурा – Нос сурасигача тафсир қилинган. Унда жами 96 та суранинг тафсири мавжуд. Хошияда шарҳлар берилган.

Мазкур тошбосмада аввал 156 бетдан иборат аллома Мухибуддин Афанди томонидан асарга ёзилган шарҳ берилган, кейин тошбосманинг 157-бетидан бошлиб “Кашшоф” асари келтирилган. “Кашшоф” асари 576 бетдан иборат. Асар ҳамда

шарҳ биргаликда тошбосманинг умумий ҳажмини, яъни 732 бетни ташкил этган.

832-Б – ҳижрий 1318 / милодий 1900 йилда Мисринг “ал-Кубра-л-амирия” нашриётида тайёрланган, умумий ҳажми 492 бет, ўлчами 19x28 см. Тошбосма яхши сақланган. Картонли муқова.

Мазкур тошбосмада асарнинг иккинчи қисми (الجزء الثاني) (ал-жузъу-с-сани) берилган. Тошбосма 8-сураси – Анфол сурасининг тафсири билан бошланиб, 37-сураси – Соффот сурасининг шарҳи билан якунланган. Ҳошияда шарҳлар берилган. Асарнинг мазкур қисмида жами 30 та суранинг тафсири келтирилган.

Асарнинг охирги 490-бетига “*Асарнинг иккинчи қисми тугади, учинчи қисм Сод сураси билан бошланади*”, деб ёзиб қўйилган.

1010-Б – бу “Кашшоф” асарининг кутубхона фондидаги охирги тошбосма нусхаси бўлиб, ҳижрий 1318 / милодий 1900 йилда Мисринг “ал-Кубра-л-амирия” нашриётида тайёрланган, умумий ҳажми 492 бет, ўлчами 19x28 см. Тошбосма, картонли муқова ёмон ҳолатда. Дастребаки ва сўнгги саҳифалар йиртилган, аммо матн қисмига шикаст етмаган. Тошбосманинг ҳар бир саҳифаси пойгирланган.

Мазкур тошбосмада асарнинг иккинчи қисми (الجزء الثاني) (ал-жузъу-с-сани) берилган. Ҳошияда шарҳлар берилган бўлиб, у 8-сураси – Анфол сурасининг тафсири билан бошланиб, 37-сураси – Соффот сурасининг шарҳи билан якунланган. Асарнинг мазкур қисмида жами 30 та суранинг тафсири келтирилган.

Асарнинг охирги 490-бетига “*Асарнинг иккинчи қисми тугади, учинчи қисм Сод сураси билан бошланади*”, деб ёзиб қўйилган.

Юқоридаги маълумотларни умумлаштирган ҳолда шуни айтиш мумкинки, кутубхонанинг тафсир бўлимида “Кашшоф” асарининг 16 та тошбосма нусхаси сақланмоқда. Ҳеч бир тошбосмада асарнинг тўлиқ варианти берилмаган. 1 та нусхада асарнинг ёки биринчи, ёки иккинчи, ёки учинчи жилди келтирилган. Тошбосмаларнинг барчаси Мисрдаги Шарқия ҳамда ал-Кубра-л-амирия нашриётлари томонидан тайёрланган. Тошбосмаларнинг биттаси ҳижрий 1306 / милодий 1888 йилда,

бештаси ҳижрий 1307 / милодий 1889 йилда, иккитаси ҳижрий 1308 / милодий 1890 йилда ҳамда 6 таси ҳижрий 1318 / милодий 1900 йилда чоп этилган. Иккита тошбосманинг нашр йили маълум эмас. Тошбосмаларни қиёсий ўрганиш натижасида қуидагича хулоса қилиш мумкин:

1) кутубхонада 403-Б, 255-Б, 675-Б инвентарь рақамлар остида сакланадиган тошбосмалар бир хил бўлиб, улар Шарқия нашриёти томонидан турли йилларда тайёрланган. Уларда асарнинг биринчи жилди келтирилган. Мазкур жилдда Фотиха сурасидан Каҳф сурасигача бўлган суралар тафсир қилинган. 483-Б, 729-Б, 250-Б, 404-Б, 811-Б, 812-Б, 813-Б инвентарь рақамлар остидаги тошбосмаларда эса асарнинг иккинчи жилди берилган бўлиб, уларнинг барчаси Марям сурасининг тафсири билан бошланиб, сўнгги сура – Нос сурасининг шархи билан яқунланади. Биргина фарқли жиҳат шундаки, 483-Б, 729-Б инвентарь рақамлар остидаги тошбосмалар сўнггида Муҳибуддин Афандининг асарга ёзган шархи берилмаган;

2) кутубхонадаги қолган олтита тошбосма ҳижрий 1318 / милодий 1900 йилда Мисрнинг ал-Кубра-л-амирия нашриётида тайёрланган. 249-Б, 261-Б инвентарь рақам остида асарнинг биринчи жилди, 256-Б, 832-Б, 1010-Б – иккинчи жилди, 262-Б инвентарь рақамда эса асарнинг учинчи жилди сакланади.

Мазкур маълумотларни яққолроқ қўриш учун қуида берилган 6-жадвалга мурожаат этиш мумкин. Мазкур жадвал тошбосмаларнинг нашр йили ҳамда уларда берилган жилдлар кетма-кетлиги бўйича тузилди.

6-жадвал

“Кашиоф” асарининг Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси кутубхонасида мавжуд тошбосма нусхаларининг қисқача библиографик курсаткичлари

<i>№</i>	<i>Инвен- тарь ракам</i>	<i>Нашр этилган йили</i>	<i>Нашр этилган жойи</i>	<i>Наш- риёт номи</i>	<i>Варақ- лар сони</i>	<i>Ўлчами (см)</i>	<i>Жилд</i>	<i>Тафсир қилинган суралар номи</i>
1.	403-Б	-	Миср	Шарқия	739	19x28	I	Фотиха – Каҳф
2.	255-Б	-	Миср	Шарқия	581	19x28	I	Фотиха – Каҳф
3.	675-Б	1306 ҳ. 1888 м.	Миср	Шарқия	740	19x28	I	Фотиха – Каҳф

4.	483-Б	1307 ҳ. 1889 м.	Миср	Шарқия	576	18x27	2	Марям – Нос
5.	729-Б	1307 ҳ. 1889 м.	Миср	Шарқия	536	18x27	2	Марям – Нос (бошида 40 бет йўқ)
6.	250-Б	1307 ҳ. 1889 м.	Миср	Шарқия	731	19,5x27,5	2	Марям – Нос + шарҳ
7.	404-Б	1307 ҳ. 1889 м.	Миср	Шарқия	732	19,5x27,5	2	Марям – Нос + шарҳ
8.	811-Б	1307 ҳ. 1889 м.	Миср	Шарқия	732	19,5x27,5	2	Марям – Нос + шарҳ
9.	812-Б	1308 ҳ. 1890 м.	Миср	Шарқия	730	19,5x27,5	2	Марям – Нос + шарҳ
10.	813-Б	1308 ҳ. 1890 м.	Миср	Шарқия	732	19,5x27,5	2	Марям – Нос + шарҳ
11.	249-Б	1318 ҳ. 1900 м.	Миср	ал-Кубра- л-амирия	524	19x28	1	Фотиҳа - Аъроф
12.	261-Б	1318 ҳ. 1900 м.	Миср	ал-Кубра- л-амирия	522	19x28	1	Фотиҳа - Аъроф
13.	832-Б	1318 ҳ. 1900 м.	Миср	ал-Кубра- л-амирия	492	19x28	2	Анфол – Софбот
14.	1010-Б	1318 ҳ. 1900 м.	Миср	ал-Кубра- л-амирия	492	19x28	2	Анфол – Софбот
15.	256-Б	1318 ҳ. 1900 м.	Миср	ал-Кубра- л-амирия	492	19x28	2	Анфол – Софбот
16.	262-Б	1318 ҳ. 1900 м.	Миср	ал-Кубра- л-амирия	460	19x28	3	Сод – Нос + шарҳ

“Ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис” асарининг тошбосма нусхалари

Махмуд Замахшарийнинг мазкур кутубхона фондида тошбосма нусхалари сақланадиган асарларидан яна бири бу – “*ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис*” асари. Аслида бу асар уч жилдлик бўлиб, кутубхонада унинг иккинчи ва учинчи жилдлари мавжуд. **548-В** инвентарь рақам остида 484 бетлик иккинчи жилд, **549-В** инвентарь рақам остида эса 535 бетлик учинчи жилд сақланади. Ҳар икки тошбосма ҳам араб тилида бўлиб, ҳижрий 1366/милодий 1947 йилда Қоҳиранинг “Дору-л-кутуби-л-арабия” нашриётида тайёрланган. Тошбосмалар 19x27 см ўлчамга эга. Тошбосма яхши сақланган. Қоғоз муқова. Ҳошияда шарҳлар берилган.

Асарнинг иккинчи жилди сод ҳарфи билан бошланиб, лом ҳарфи билан тугайди. Учинчи жилд эса мим ҳарфи билан бошланиб, ёй ҳарфи билан якунланган. Мазкур жилднинг 235 – 535-бетларида асарда учрайдилар жой номлари, алломаларнинг

исми шарифлари, унда фойдаланилган шеърий парчалар, мақол ва фразеологизмлар, грамматик терминлар кўрсаткичлари келтирилган.

“Муфассал” асарининг тошбосма нусхаси

Кутубхонада тошбосма нусхаси мавжуд яна бир асар бу **30-Л** инвентарь рақам остидаги “*Муфассал*” асари. Асар араб тилида. Умумий ҳажми 311 бет, ўлчами 20x33. Тошбосма Конбур шахрида Шайх Аҳмад Али идораси қошидаги Мажидия нашриётида чоп этилган (*28 – 29-расмларга қаранг*). Нашр йили номаълум. Тошбосманинг ҳар бир саҳифаси жуда чиройли жадвал ва нақшлар билан безатилган. Унда асосий матн жадвал ичида чиройли насх хатида берилган. Ҳошиядаги шарҳлар эса нисбатан майдароқ настаълик хатида келтирилган. Айрим саҳифаларда эса асосий матн берилган жадвалларга қўшимча жадваллар қилинган ҳамда у ерда ҳам асарга ёзилган шарҳлар киритилган. Ҳатто баъзи саҳифаларда асосий матн орасида майда хатда ёзилган изоҳларни кўриш мумкин (*30-расмга қаранг*). Бу жиҳатларнинг барчаси асарнинг машҳурлигидан далолат беради. Бироқ айрим саҳифаларда матн хира тушган, ҳатто майда настаълик хатидаги шарҳларни ўқиб бўлмайди.

“Унмузаж” асарининг тошбосма нусхаси

Кейинги тошбосма бу алломанинг “*ал-Унмузаж*” асари бўлиб, у **282-Л** инвентарь рақам остида сақланади (*31-расмга қаранг*). Асар араб тилида. Тошбосма ҳижрий 1315 / милодий 1897 йилда Қозонда Император университети нашриётида чоп этилган. Умумий ҳажми 172 бет, ўлчами 18,5x26. Тошбосма ёмон ахволда. Айрим саҳифалар чиқиб кетган. Тошбосма таъмирга муҳтож. Унинг дастлабки ва охирги саҳифалари йиртилган, аммо матн қисмига путур етмаган.

Асар бошида Аллоҳ таолога ҳамд, пайғамбар Муҳаммад(с.а.в.)га наът билан бошланган муқаддима берилган. Асар ҳар бир саҳифада жадвал ичида насх хатида каттароқ ҳарфлар билан берилган, шарҳлар эса ҳошиядаги настаълик хатида

майдароқ ҳарфлар билан берилган (32-расмга қаранг). Тошбосманинг айрим саҳифаларида ёзув хиравоқ тушган. Тошбосманинг ҳар бир саҳифаси пойгиранган.

“Асосу-л-балога” асарининг тошбосма нусхаси

Кутубхонада тошбосма нусхаси сақланадиган сўнгги асар “*Асосу-л-балога*” асари бўлиб, унинг инвентарь рақами 87-Ж. Тошбосма хижрий 1299/ милодий 1882 йилда Мисрнинг “Ваҳбия” нашриётида чоп этилган. Асарнинг икки жилди бир китобга жамланган. Биринчи жилд 337, иккинчи жилд 370 саҳифадан иборат. Тошбосма пойгиранган (37-38-расмларга қаранг). Тошбосманинг баъзи саҳифаларида сиёҳ билан киритилган шарҳлар бор.

Асар аслида араб тилининг изоҳли луғати бўлиб, у араб алифбосига мувофиқ 28 ҳарфга бўлинган ҳамда жами 3742 та сўзни ўз ичига олади. Муаллиф ҳар бир ҳарф қисмини «боб» деб номлаган. Боблар, ўз навбатида, сўзнинг иккинчи ўзак ундошига мувофиқ қисмларга ажратилган ва улар «fasl» деб аталган. Ҳар бир фаслни ташкил этувчи луғат мақолалар ҳам, ўз навбатида, бош сўз ўзагининг учинчи, тўртинчи, бешинчи ундошларига мувофиқ алифбо тартибида жойлаштирилган.

Асарда луғат мақолалар жадвал ичидан, луғат мақолаларнинг бош сўзи эса жадвалдан ташқарида – саҳифанинг ҳошия қисмида берилган (35-расмга қаранг). Унинг биринчи жилди “Ҳамза боби” (“باب الهمزة”) билан бошланиб, “Шин боби” (“باب الشين”) билан яқунланган. Иккинчи жилд эса “Сод боби” (“باب الصاد”) “Бобу-с-сад” билан бошланиб, “Йо боби” (“باب الياء”) “Бобу-л-йо” билан тутаган. Боб номлари жадвал ичидан асарнинг асосий матнидан ажратиб берилган (36-расмга қаранг).

Тошбосманинг титул варағида келтирилган жумлада Замахшарийга берилган “Жору-л-лоҳ” (“Оллоҳнинг қўшиниси”), “Аллома”, “Устозу-д-дунйа” (“Бутун дунё устози”), “Шайху-л-араб ва-л-ажам” (“Араб ва ажамлар шайхи”), “Соҳибу-л-Кашиоф” (“Кашиоф” асарининг муаллифи”), “Фахру

Хаваразм” (“Хоразм фахри”) каби улуг ва шарафли унвонлар санаб ўтилган (33-расмга қаранг):

**تألیف الامام البارع جار الله العلامة استاذ الدنيا شيخ العرب و
العجم صاحب الكشاف فخر خوارزم ابو القاسم محمود بن عمر
الزمخشري رحمة الله امين**

Асар Аллоҳга ёзилган ҳамд ва Пайғамбар Мұхаммад(с.а.в.)га наyt берилған мұқаддима билан бошланған (34-расмга қаранг).

Тошбосмадаги асарнинг биринчи қисми тугаган сахифада “Жоруллоҳ аллома Замахшарийнинг “Асосу-л-балоға” асарининг биринчи қисми тугади, унинг иккінчи қисми “Сод боби” билан бошланади”, деб ёзиб қўйилған (39-расмга қаранг).

Мазкур тошбосма асарнинг Ўзбекистондаги ягона нусхаси ҳисобланади. Шунинг учун асар ҳақида батағсил тўхталиб ўтамиз.

“Асосу-л-балоға” Замахшарийнинг нафақат луғатшуносликка оид асарлари орасида, балки унинг илмий меросида алоҳида ўрин тутади. Қолаверса, асар араб луғатшунослигига ҳам мұхим аҳамиятга эга асар сифатида эътироф этилади. А.Рустамовнинг фикрича, “Замахшарий ўзининг “Асосу-л-балоға” асари билан араб луғатшунослигини бир неча поғона юқори кўтарған”¹. Замахшарийнинг луғатшунослик соҳасига киритган бир қатор янгиликлари боис “Асосу-л-балоға” йирик шарқшунослар, тилшунослар, тарихчилар томонидан юқори баҳоланған. Унинг мазкур луғатда жорий қилған ютуқларидан бири – сўзларни уларнинг барча ўзак ундошларини ҳисобга олган ҳолда қатъий алифбо тартибида жойлаштирганлигига кўринади. “Асосу-л-балоға”да бош сўзлар ундағи биринчи, иккінчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи ўзак ундошларини ҳисобга олган ҳолда алифбо тартибида жойлаштирилған.

“Асосу-л-балоға”да Замахшарий яна бир янгиликка кўл урган. У луғатдаги сўзларни ўша даврда истеъмолда бўлған жумла ва иборалар таркибидан ажратмаган ҳолда берган. Бу усул

¹ Рустамов А. Махмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – Б.12.

сўз маъноларини ҳар томонлама ва батафсил изоҳлаш учун ўзига хос замин яратади. Сўзларни изоҳлаш учун келтирилган жумла ва иборалар ўша давр тил хусусиятларини, қонун-қоидаларини мукаммал ўрганиш имкониятини беради. Замахшарий юқорида таъкидланган икки усулни ривожлантирас экан, мақсади луғатдан фойдаланувчиларга енгиллик яратиш эди. Шунингдек, у “Асосу-л-балоға”да араб адабий тилининг фасоҳатини акс эттиришга ҳаракат қилган. Муаллиф муқаддимада ёзишича, бу усул билан у сўзга чечан кишилар, етук адиллар етиштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Айнан шунинг учун муаллиф ўз асарини “Асосу-л-балоға”, яъни “Балофат асослари”, деб номлаган. Луғатда муаллифнинг яна бир ютуғи шуки, у жумлалар ёрдамида сўзнинг ҳақиқий маъносини мажозий маъносидан ажратиб беради. Луғатда изоҳланган сўзларнинг деярли ярми мажозий маънога эга. Бу эса ўқувчига сўзни ҳар томонлама тушуниш имконини беради.

Замахшарийга мазкур асарни яратишда унинг тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, тарих каби соҳаларда тўплаган билим ва тажрибалари яқиндан ёрдам берган. В.М.Белкиннинг фикрларига кўра, “Одатда, ўз луғатларида араб тили лексикасининг соғлигини қайд этган ва уни кафолатлаган луғатшунослар грамматик масалалар билан шуғулланмаганлар. Фақатгина Замахшарий ҳам грамматика, ҳам луғатшуносликда оригинал асарлар яратади олган”¹.

Шу ўринда ас-Самароий фикрларини хулоса сифатида келтириш мумкин: “Асосу-л-балоға” бошқа луғатлардан ажралиб турадиган луғатдир. Ундан аввал ҳам, кейин ҳам луғатшунослик илмида бундай услубда луғат тузилмаган. Бу луғат сўзларнинг жойлаштирилиши осонлиги билан ажралиб туради. Шу боисдан бошқа луғатлар унинг ўрнини боса олмайди. Агар бошқа луғатлар ўз кучини йўқотса ҳам, “Асосу-л-балоға” ўз кучида қолади”².

¹ Белкин В. М. Арабская лексикология. – М.: Изд-во Московского университета, 1975. – С. 164.

² فاضل صالح السمراعي. الدراسة النحوية عند الزمخشري. بغداد، ١٩٧٠ - ١٦٢ ص.

МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ДИНИЙ ИДОРАСИ КУТУБХОНАСИДА МАВЖУД НАШР НУСХАЛАРИ

“Кашшоф” асарининг нашр нусхаси

Бугунги кунда кутубхонада “*Кашшоф*” асарининг 2 та жилдининг нашр нусхаси мавжуд. Бу тўрт жилдлик нашрнинг учинчи ва тўртинчи жиллари бўлиб, уларнинг учинчи жилди (الجزء الثالث) (ал-жузъу-с-салис) **496-Б** инвентарь рақам, тўртинчи жилди (الجزء الرابع) (ал-жузъу-р-рабиъ) эса **629-Б** инвентарь рақам остида сакланади. Ўлчами 20x27,5 см. Нашрлар Байрутнинг “Дору-л-маърифа” нашриётида тайёрланган. Ҳар икки нусхада нашр йили кўрсатилмаган. Фикримизча, нашр йили асарнинг биринчи жилдининг титул варагида берилган бўлган. Нашрнинг ҳар бир саҳифасининг юқори қисмида йирик насх ҳарфлари билан сура, унинг тагидан майдан насх хати билан сура тафсири берилган. 496-Б инвентарь рақам остидаги учинчи жилд 572 саҳифадан иборат бўлиб, у 22-сура – Ҳаж сурасининг тафсири билан бошланиб, 49-сура – Ҳужурот сурасининг шарҳи билан якунланган. Нашрнинг мазкур қисмида жами 28 та суранинг тафсири келтирилган. Асарнинг сўнгги 572-саҳифасида “*Асарнинг учинчи қисми тугади, тўртинчи қисм Қоғ сураси билан бошланади*”, деб ёзиган қўйилган.

496-Б инвентарь рақамли асарнинг тўртинчи жилди 50-сура – Қоғ сурасининг тафсири билан бошланиб, 114-сура – Нос сурасининг шарҳи билан якунланган. Нашрнинг мазкур қисмида жами 66 та суранинг тафсири келтирилган.

Мазкур нашрда “*Кашшоф*” асари тугагач (“*Кашшоф*”нинг охирги бети 307-бет), 307-310-бетларда 4 бетлик Маҳмуд Замахшарийнинг автобиографиясига оид маълумотлар келтирилган. Унда алломанинг тўлиқ исми, насаби, туғилган жойи – Замахшар қишлоғининг тарихи, олим илмий меросининг йўналишлари, баъзи асарларининг мазмuni, шеърий асарларидан парчалар, ўлимининг сабаби кабилар ҳақида гапирилади. Нашрнинг 311-бетидан 567-бетигача аллома Муҳибуддин Афанди томонидан асарга ёзилган шарҳ берилган.

Юқорида келтирилган маълумотларни умумлаштириб оладиган бўлсак, кутубхонада бугунги кунда Маҳмуд Замахшарий қаламига мансуб 6 та асар, яъни “*Кашиоф*”, “*ал-Фоик фи гариби-л-ҳадис*”, “*ал-Муфассал*”, “*ал-Үнмузаж*”, “*Асосу-л-балога*”, “*Рабиъу-л-аброр*” асарларининг жами 2 та қўлёзмаси, 21 та тошбосмаси ҳамда 2 та нашр нусхаси мавжуд.

7-жадвал

Маҳмуд Замахшарийнинг Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси кутубхонасида сакланаётган асарлари

<i>Асар номи</i>	<i>Асарнинг фондда мавжуд нусхалари сони</i>
Қўлёзмалар	
<i>Кашиоф</i>	1
<i>Рабиъу-л-аброр</i>	1
Тошибосмалар	
<i>Кашиоф</i>	16
<i>Ал-Фоик фи гариби-л-ҳадис</i>	2
<i>Муфассал</i>	1
<i>Үнмузаж</i>	1
<i>Асосу-л-балога</i>	1
Наирлар	
<i>Кашиоф</i>	2
ЖАМИ: 6 та асар	2 та қўлёзма нусха 21 та тошибосма нусха 2 та наир нусха

МАҲМУД ЗАМАҲШАРИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ КУТУБХОНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚҮЛЁЗМА ВА ТОШБОСМА НУСХАЛАРИДАН ЛАВҲАЛАР



24-расм. 1490 инвентарь рақам остида сақланаётган
“Рабиъу-л-аброр” асарининг қўлёзма нусхаси.

ساخت بارديع لجهاتك او الممحكة فضله سايفه مسلحة الشراك مكتوب في حمل
 حتى كل العمايلان لا يعقل من اربع سادات شاه منها يتأهي دنه وساعة فيها امساك
 وسامه يعمى الاحواش الذين يصدقون عن مبوب قفه وسانه يعلمون في حفه وانه
 يهاجر ويحلقان هذه الاعمه عن تلك السمات واجسام المقلوب وعن ملوكهم يسر
 هذه القلوب واصنعوا لها طلاق الحكم فانها مثل كائنات البدان في رواية ان هذه القلوب تدل
 وهذه القلوب تؤثر فاصنعوا لها طلاق الحكم وملائكةها ومن ائم عباس ما كان يقول عن ملة
 من درسة العذل حوسنا الخصوص عندها ما في الاخبار وفي الاشعار وعن ساحة زهراء
 روح القلوب نبي المدكر وعن سلطان النازحون احتسب نبوة الحبيب فو يقدر من ائمه
 من بايك ان لا اذان عليه وللقلوب ملة فخر قولهن للكلين ملوك لكن ذلك اصحابها ومن عرض
 الهرب دوحة الادهان كما تروي الايدين من آخر تشك راحتك ان رفتها اضطاعت
 وان نفتها ان قطعت سال الله ان يحصل جميع ما نصبه انكارنا في المقوس ونـ طويه دينا
 قال الطرس من بنى ووجهه متوج في دروسواه ما ممن ادعه خطه مجرد عنده غفل شاه المثلث
 كل خط حسيم الوردي زناده جبر عيدهم الارض الاوقات وذكر المدخل الى الدار للعن بابن دم
 يان والتسيير فانك ليونك دلت لعدك وان ينك عدك لكن في عدك كما كتبت في بورك
 وان س يكن قد لك المستلزم على ما فرمته في بورك لقدر درك افراما كان اعد لهم سجع على
 سه على درهيه ودينان ولامبرج مثل الصلوات الى عدنا لعل فندق اني وانت فقيه فرعون تحيى
 قل من لخليخات الزمان الا اربعين الحدبان زرل العن بن المثلث تحت جرة يسلوغفالله
 عدى ان زيد بها الملك اندري ما تقول هذه الخروج ثم انتا يقول دست ريك قل ناخوا حمزه يحيى
 لغزيلان لغزال اضحو عصف الدھونهم وكذلك الدهم حالا بعد حمل فتصفر طلعنين بو
 لبعضهم ايتا اطييب الحرين ايتا لبعين والحرف لفم اندري ان الارضي باليهه كام
 لخوان بيت بيصتون وهم سان لمبران اى موقع انان هي ايام لمعة للليل الایام تلتهي
 وشهود وموعد اراد اصن اليوم وعذر اعرق من فاوه الدھر فاعنه ان الساکن الدھران


25-расм. 1490 инвентарь рақам остида сақланаётган
 “Рабиъу-л-аброр” асарининг қўлёзма нусхаси.

المغان قليل للسحاق في ذلك فقل لها أنا قد مت به أنا
 سعدى ولواني أشاكنت نفسى وعاد فى سواد
 الحاسد والجحود لكنى إلى نركات قوم هم الرDSA والليل


السجور

السجور فضل ما يشق أحد الرياسة الالهية وينبغى وطريق
 عبوي يجعل الناس متساويا بهم وكده ان يذكر عنك أحد جندي
 ابراهيم بن ادهم كنى ذئبا ولأنك رأس افان الذئب
 حج لا بس الله عن مسألة هيبة له فمالك بن انس يا
 هرئى التي وعزم سلطان التي هو المبيب وليس في

26 – 27-расм. 1490 инвентарь рақам остида сақланаётган
 “Рабиъу-л-аброр” асарининг қўллөзма нусхасида пойгирларнинг берилиши.



28-расм. 30-Л инвентарь рақам остида сақланаётган
 “Муфассал” асарининг титул вараги.
 Тошибосма Конбур шаҳрининг “Мажидия” нашириётида тайёрланган.



29-расм. 30-Л инвентарь рақам остида сақланаётган

“Муфассал” асарининг 61-саҳифаси.

Тошибосма Конбур шаҳрининг “Мажсидия” нашириётида тайёрланган.



**30-расм. 30-Л инвентарь ракам остида сақланаётган
“Муфассал” асарининг 5-саҳифаси.**

Саҳифада асосий матн жадвал ичидаги йирик насх хатида берилган.

Хошиядаги шархлар эса нисбатан майдароқ настаълиқ хатида келтирилган. Мазкур саҳифада асосий матн берилган жадвалларга қўшимча жадваллар чизилган ҳамда у ерда ҳам асарга ёзилган шархлар киритилган. Ҳатто асосий матн орасида майда хатда ёзилган изоҳларни кўриши мумкин.



31-расм. 282-Л инвентарь ракам остида сақланаётган
“Унмузаж” асарининг титул вараги.
 Тошибосма 1897 йил Қозонда чоп этилган.

٢ (قوله يعني يجوز أن يدخله الخ) يعني أن المراد بالدخول هو صفة الدخول ومواره لا دخوله بالفعل فلا يرد التفص باسم لم يدخل عليه حرف الجر نحو جاءَ زيد وَكَذَا التأويل في أضيف ونون دهْر وجمع الأضداد في الذكر من الاشارة والتعریف والتنوين التي لا يعني امتناع اجتماعها في مادة بالفعل قرينة واضحة على ارادته الصحة مع سبق ذكرها في البعض *

٣ (قوله حرف الجر) قال بعض المحققين هذا لا يدل على اختصاص حرف المقادير به بالاولى ان يقول ودخله الجر ليشمل اختصاص الجرين كليةما اقول دخول الجر لقطع نحويزه وتقديرى نحو يعني وكذا دخول حرف الجر لقطع كما من وتقديرى كما في غلام زيد فعن قال دخله الجر يحتاج الى تعميم دخوله من اللطنة والتقدیرى ومن قال دخله حرف الجر يحتاج ايضا الى تعميم دخول حرفه منها فلا ترجح لأحد العبارتين

على الاخر في ارتكاب خلائق الظاهر *

٤ (قول ان يضاف الى غيره) يعني من خواصه جواز كونه مضافاً لامضاها اليه فان الفعل قد يكون مضافاً اليه نحو يوم ينفع الصادقين صدقيه وكذا الجر نحو هنا يوم لا ينفعون هذا على المذهب المشهور واما على مذهب البعض فكلها اي كونه مضافاً ومضافاً اليه من خواصه فينزل التالين المذكورين بالمصدر اي يوم نفع الصادقين ويوم عدم نفعهم اعلم ان المراد بالخاص هو المضاف بتقدير حرف الجر لا المطلق فلا يرد التفص ينحو مررت بزيد فان مررت مضاف الى زيد بلطف حرف الجر * ٥ (قوله يعني يجوز ان يدخله الالاف واللام نحو الرجل * ونون يعني يجوز ان يدخله التنوين نحو زيد وعمره فجيم


هوما صح الحديث عنه يعني يجوز ان يخبر عنه نحوخرج موسى فان موسى اسم قد امر عنه بالخروج * ودخله حرف الجر يعني يجوز ان يدخله حرف الجر نحو مررت بعيسى فان عيسى اسم قد دخله البا وهو حرف الجر * وأضيف يعني يجوز ان يضاف الى غيره نحو علامك فان الفلام اسم اضيف الى الكان * وعرف يعني يجوز ان يدخله الالاف واللام نحو الرجل * ونون يعني يجوز ان يدخله التنوين نحو زيد وعمره فجيم

البيرة همزة الوصل وقال بعض المحققين اراد المقص بقوله عرف التعریف باحدى طرق التعریف العلمية والادخار والاشارة وغير ذلك لأن التعریف بكل منها من خصائص الاسم (اقول انت غيري بل المعن وغيره ما النزعوا في او اقل كتبهم ذكر جميع خواص الاسم مع ان صيغة عرف يدل على ان المراد بالمعرفة ما حصل ثانياً يجعل التذكر معرفة فلا يشتمل تعریف مثل العلم والمصدر والاشارة وهو ظاهر وايضا قول المعن في المصل وله خصائص منها جواز الاستناد اليه ودخول حرف التعریف قرينة على ذلك وهكذا دأب اكثرا المصنفين في هذا النقام * ٦ (قول فجميع هذه من خواص الاسم) الموصى جميع خاصة وخاصة الشئ ما يقتضى به اي لا يوجد في غيره وهي على ضرورة شاملة كالضحك بالقرءة للإنسان ومقارقة كالضحك بالفعل له والاسم له اصناف متعددة اسماً الإيجناس والأعلام والطروق والمصرارات وغير ذلك وكل واحد من الموصى لا يوجد في كل واحد من الاصناف بالفعل ولا في بعضها للزرم اجتماع الأضداد في كل واحد منها لامتناع التنوين ولام التعریف في الاشارات مثلاً بل بعضها يوجد في بعضها اما بالفعل او بالذرة على ماسبق او بالترادف حتى لا يخلو كل صنف من اصنافه عن

32-расм. 282-Л инвентарь ракам остида сақланаётган

“Унмузаж” асарининг 13-саҳифаси.

Тошибосма 1897 йил Қозонда чоп этилган.



33-расм. 87-Ж инвентарь рақам остида сақланаётган “Асосу-л-балога” асарининг титул вараги. Тошибосма ҳижрий 1299/милодий 1882 йилда Мисрнинг “Ваҳбия” нашириётида тайёрланган.




34-расм. 87-Ж инвентарь рақам остида сақланаётган “Асосу-л-балога” асарининг 2-саҳифасида берилган муқаддиманинг боши.
Тошибосма ҳижрий 1299/милодий 1882 йилда
Мисрниң “Ваҳбия” нашириётида тайёрланган.



35-расм. 87-Ж инвентарь ракам остида сақланаётган
“Асосу-л-балога” асарининг 81-саҳифаси.

Асар аслида араб тилининг изоҳли лугати бўлиб, унда лугат мақолалар жадвал ичидаги, лугат мақолаларнинг боши сўзи эса жадвалдан ташқарида – саҳифанинг ҳошия қисмида берилган.



36-расм. 87-Ж инвентарь рақам остида сақланаётган Асосу-л-балога” асари.


Асарнинг биринчи жилди “Ҳамза боби” (“بَابُ الْهَمْزَةُ”) “Бобу-л-ҳамза” билан бошланиб, “Шин боби” (“بَابُ الشِّينُ”) билан яқунланган. Иккинчи жилд эса “Сод боби” (“بَابُ الصَّادُ”) “Бобу-с-сад” билан бошланиб, “Йо боби” (“بَابُ الْيَاءُ”) билан тугаган. Боб номлари жадвал ичидаги асарнинг асосий матнидан ажратиб берилган.

ونافذة متهاط بظاهر فيها النهر أى يسرع سريعاً وهو من اسراع المتشيط وبهذا لا يصبر الشواه
 حتى يسكن لأن النهر يحيط به شبهة يوم رحيمه وشأيغت على كذا تابعه علىه وتشابهوا على
 شيع الامروهم شيعة وشيعه وأشياعه وهذا الغلام شيع أخيه ولديه نهاده وآتيك نهاداً أو شيعه قال
 قال الخطيب غداً ندعنا * أرشيعه أفلاتشيعنا
 وأقت عنده شهر او شيع شهر وكان معه مائة رجل أول شيع ذلك وزلا امر وضع كذلك أواش وبعد
 وشاع الحديث والسر وأشاعه صاحب ورجل مشياع مذيع وفطرت قطارة من الماء
 فتشيع فيه تفرق وأشاعت اللهاته بواه وأشاعت به وجات الخطيـلـلـشـوـانـعـمـقـرـقـةـ
 ونشاعت الابل وأدمهم في الدار شائع ومشياع وشيع بالابل وشایع به اساحبها ومنه قبل
 لنفاح الراعي الشباع وشایع بهم الدليل فاصروا الى ناديهم (ومن المحاز) شعبان شهر
 رمضان بصوم السيدة وشيعت الناس بالخطب وأعطـنـشـيـعـاـعـاـكـاتـقـولـشـبـاـبـالـشـيـعـبـهـ
 وتشب وشيع هذابهم زاقفهمه قال الراعي
 البـكـرـقـطـعـأـجـوـزـالـفـلـادـبـنـاـ *ـ ذـصـشـيـعـهـ الصـهـبـ المـاسـيلـ

ورجل

٣٣٧
 ورجل مشيع القلب لشجاع وتدشيع قلبه عبار يكتب كل هول وشاع في رأسه الشيب وشاعكم
 الله بالسلام وشاعكم السلام قال
 ألا ياخذله في ذات عرق * برودا الظل شاعكم السلام
 وقال ليبيد فشاعهم حدو زانت قبورهم * أسرة ريحان بشاع منور
 وقد شيعه الغضب استهله وضرمه كاشيش النار ورجل مشيع عيول * برق مشيم وقد شيم
 في فرع الشهاب شيمه وشمت السيف سلطنه وقرنه ورجل أشيم به شامة وامرأة شيماء
 وهو حسن الشيبة والشيم وقول ليس بعفظوم عن شيمه مفطور عليه في المشيمه وتشيم
 الحريق الفصب دخل في عروضه قال اعادة
 آفعنل لابرق كان وميضه * غاب تشيهه ضرام متفب
 (ومن المحاز) فول ذى الرمة
 حتى اذا الهميـنـأـمـيـشـامـأـفـرـخـهـ *ـ وهـنـلـامـؤـنـسـنـأـمـاـلـاـكـتبـ
 وشم ما بين البلدين قدروا واظر كم يهم ما وان فلانا لوسر ولا أشيمه أى لا اذظر اليه من فقر يعني
 أنه غنى عنه وتشيمه الشد خالطه ومالم شامة ولا زهراء نافقة سوداء ولا يضاء وصاروا شاما
 في الملاجمة فتنفق الشام في الحسد قال

37 – 38-расм. 87-Ж инвентарь ракам остида сақланаётгандык
 “Асосу-л-балога” асарыда пойгириларнинг берилүүши.



39-расм. 87-Ж инвентарь рақам остида сақланаётган “Асосу-л-балога” асари. Тошибосмадаги асарнинг биринчи қисми тугаган саҳифа.
 Унда “Жоруллоҳ аллома Замахшарийнинг “Асосу-л-балога” асарининг биринчи қисми тугади, унинг иккинчи қисми “Сод боби” билан бошланади”, деб ёзиб қўйилган.

**МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ ҚЎЛЁЗМАЛАР
ХАЗИНАСИДА МАВЖУД АСАРЛАРИ**

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи республикамиздаги йирик илмий ва илмий-маърифий маскан ҳисобланади. У 1968 йили Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейи муносабати билан ташкил этилган бўлиб, бугунги кунгача халқимизнинг кўп асрлик адабий меросини жамлаш, уни муҳофаза қилиш, тарғиб этиш ва тадқиқ қилиш борасида катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Музей таркибида Шарқ қўлёзмалари фонди бўлиб, унда мингдан ортиқ қўлёзма ва тошбосма нусхадаги асарлар сақланади¹.

Бугунги кунда музейнинг қўлёзмалар фондида мавжуд асарлар орасида Маҳмуд Замахшарий қаламига мансуб икки асар алоҳида ўрин тутади. Булар алломанинг “*Кашшоф*” ва “*Муқаддамату-л-адаб*” асарларининг қўлёзма нусхаларидир.

“Кашшоф” асарининг қўлёзма нусхаси

Музей фондида “*Кашшоф*” асарининг **202** инвентарь рақам остида XIII – XIV асрга мансуб 170 варагдан иборат қўлёзма нусхаси сақланмоқда. Ботқоқ рангли, тамғали картондан қилинган муқовали ушбу қўлёзма майда насх хатида битилган. Унинг биринчи варағида тилла ранг билан ёзилган сўзларга қараганда, у машҳур Дамашқ кутубхонасига тегишли. Мазкур нусхада асарнинг фақат биринчи қисми бўлиб, у “*Фотиха*” сураси билан бошланиб, “*Тавба*” сураси билан тугайди.

¹ Батафсил маълумот учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейининг www.navoimuseum.uz сайтида келтирилган маълумотларга қаранг.

“Муқаддамату-л-адаб” асарининг қўлёзма нусхаси

Музей фондидағи иккинчи асар бу – “*Муқаддамату-л-адаб*” асари. **173** инвентарь рақам остида сақланаётган мазкур қўлёзма нусха ҳижрий 1339 йилда каллиграфик настаълик ва насх хатида Кўқон қоғозига кўчирилган. У 533 варақдан иборат. Муқоваси кейинчалик таъмирланиб, янгиланган. Кўк рангли оддий муқова. Ушбу қўлёзма ҳозирча ягона ҳисобланувчи тўрт тиллик (араб, форс, мўғул, туркий) нодир нусха. Араб, форс, мўғул тилларидаги матн қора, туркийси эса қизил сиёҳ билан ёзилган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мазкур нусха туркий сўзликнинг аҳамиятини таъкидлаш учун кўчирилган. Араб тилидаги матн тўлиқ харакатлантирилган.

Юқорида сўз юритилган ҳар икки асар ҳам бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи таркибидаги Шарқ қўлёзмалари фондининг нодир асарлари сирасига киради. Қолаверса, улар ўз мазмун-моҳиятига кўра тилшуносликнинг баъзи масалаларини янада тўлиқ очиб беришда ўзига хос манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Китоблар

1. Абу-л-Қосим Маҳмуд Замахшарий. Нозик иборалар. Шархлар муаллифи ва таржимон У. Уватов. – Т.: Камалак, 1992. – 80 б.
2. Арабско-русский словарь. Т.1. – Т.: Камалак, 1994. – 456 с.
3. Арабско-русский словарь. Т.2. – Т.: Камалак, 1994. – 484 с.
4. Буюк сиймолар, алломалар. Ўрта осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар. Нашрга тайёрловчи М. М. Хайруллаев. К. 1. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 104 б.
5. Ал-Бухорий. Ҳадис. Ал-Жомиъ ас-Саҳих. К. 1. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. – 560 б.
6. Ан-На'им. Арабча-ўзбекча луғат. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – 960 б.
7. Рустамов А. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: Фан, 1971. – 32 б.
8. Собрание восточных рукописей АН УзССР. Т. 2. Под редакцией А. А. Семенова. Т.: Издательство АН УзССР, 1952. – 436 с.
9. Собрание восточных рукописей АН УзССР. Т. 4. Под редакцией А. А. Семенова. Т.: Издательство АН УзССР, 1957. – 559 с.
10. Сулаймонова Н. Баркамол шахс тарбиясида Маҳмуд Замахшарий асарларининг аҳамияти. Т.: Баёз, 2015. . – 128 б.
11. Уватов У. Маҳмуд Замахшарий. – Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 72 б.
12. Уватов У. Донолардан сабоқлар. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. – 94 б.
13. Хоразмлик буюк аллома. – Т.: Фан, 1998. – 171 б.
14. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. З-жилд. Таҳрир ҳайати: М. Аминов, Б. Аҳмедов ва б. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002.
15. Ўрта асрлар шарқининг машҳур олим ва мутафаккирлари: китоб-альбом. Ш.Салихов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 156 б.

16. Қуръони карим: маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: А. Мансур; тахрир ҳайати: Абдурашид қори Баҳромов, Раҳматуллоҳ қори Обидов, Н. Иброҳимов ва бошқ.; Масъул мухаррир: З. Ҳусниддинов. – Т.: Тошкент ислом университети, 2004. – 624 б.

Араб тилидаги адабиётлар

- ابن خلكان. وفيات الأعيان. – مصر: ١٨٨١. ج. ١. ص. ٥٢٧.
- الزمخشري. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ١. – بيروت – لبنان: دار الكتب العلمية، ١٩٩٨. – ٧١٩ ص.
- الزمخشري. اساس البلاغة. تحقيق محمد باسل عيون السود. ج. ٢. – بيروت – لبنان: دار الكتب العلمية، ١٩٩٨. – ٦٦٩ ص.
- الزمخشري. الفائق في غريب الحديث. – ج. ١. – القاهرة: دار الإحياء الكنب العربية، ١٩٤٥. – ٥٤٧ ص.
- المنجد في اللغة والأعلام. – بيروت – لبنان: دار المشرق، ١٩٨٧. – ٧٤٩ ص.
- حاجى خليفة. كشف الظنون عن اسامى الكتب و الفنون. ج. ١. - مصر: دار السعادت، ١٨٩٤. – ٥٩١ ص.
- حاجى خليفة. كشف الظنون عن اسامى الكتب و الفنون. ج. ٢. - مصر: دار السعادت، ١٨٩٤. – ٦٦٢ ص.
- شمس الدين سامي. قاموس الأعلام. ج. ٤. – استنبول: مهران، ١٨٩٤. – ٢٤٠٣ – ٣٢٠٠ ص.
- ياقوت حموى. كتاب معجم البلدان. – مصر: مطبعة السعادة، ١٩٠٦. – ٤٢٧ ص.

Интернет сайтлари

26. <http://assalam.dgu.ru/html/15/a/15-1.Html>
27. <http://britishmuseum-orientalmanuscriptsfundcatalogue>
28. <http://vostlit.narod.ru//texts/rus/Halabi/primtext2.htm>
29. <http://oltinmeros.freenet.uz/nasledie.html>
30. <http://kosichka2.sitecity.ru/ltext-0407233553.htm>
31. <http://islam.boom.ru/doctrine/3b.htm>
32. <http://exlibris.ng.ru//printed/orient/2001-02-08/4-petit.html>
33. <http://www.krugosvt.ru/articles/56/1005625a1.htm>
34. <http://ikhlass.by.ru/quran.Htm>
35. <http://markaz.tiu.uz>. Исломов З. “Атвоку-з-захаб” анъанасидаги асарларнинг ислом манбашунослигидаги ўрни.
36. <http://www.buxoriy.uz>. Маънавий мерос ва бағрикенглик.

37. <http://fikr.uz>. Маҳмуд Замахшарийнинг икки тахаллуси ҳақида.
38. <http://e-tarix.uz>. Маҳмуд аз-Замахшарий.
39. <http://www.bukhari.uz>. Исаев Й. Маҳмуд Замахшарийнинг “Атвоқу-з-захаб” асари.
40. <http://old.ziyonet.uz>. Замахшарий.

Мақолалар

1. Ваҳобова Б. Замахшарийнинг Ўзбекистонда сақланаётган қўлёзма асарлари // Хоразмлик буюк аллома. – Т.: Фан, 1998. – 133-142-б.
2. Исломов З. М. «Ал-Кашшоф»нинг нодир бир қўлёзма нусхаси ҳақида // Адабий мерос, 1991 № 1 (55). – 14-16-б.
3. Исламов З. Рукописные труды Махмуда Замахшари, хранящиеся в фонде института рукописей имени Х. С. Сулеймонова АН УзССР // Адабий мерос, 1989 № 2 (48) – 39-42-с.
4. Кариев У. З. «Ал-Фаик фи гариби-л-хадис» в истории словарей хадисов (на примере сопоставления одной словарной статьи) // Востоковедение, 1995. – 75-77-с.
5. Оқилов М. Маҳмуд Замахшарий асарларининг қўлёзма ва босма нусхалари // Адабий мерос, 1982 № 4. – 56-60-б.
6. Сулеймонова Н. «Ал-Кашшоф» Қуръони каримнинг мукаммал тафсири сифатида // Имом ал-Бухорий сабоқлари, 2002 № 4. – 310-311-б.
7. Сулеймонова Н. «Устозу-д-дунё» ёхуд Замахшарий ибрати // Таълим ва тарбия, 2001 № 1-2. – 62-64-б.
8. Сулеймонова Н., Сулеймонова К. Маҳмуд Замахшарийнинг адабий меросига муҳтасар назар // ГулДУ ахборотномаси, 2015 № 2. – 67-73-б.
9. Сулеймонова Н., Сулеймонова К. Zamakhshari's scientific activity \\ “Türk xalqlari ədəbiyyati: mənşəyi, inkişaf mərhələləri və problemləri” мавзусидаги халқaro илмий konferenция. Ozarbayjon: Boku. 2015 iyil 23-24 oktyabry.
10. Sulaymonova N., Sulaymonova K. A great scientist of Khorezm \\ “International journal of economics and society” журнали. Amerika Kўшма Штатлари. 2015 № 1 – 117-120-б.

11. Sulaymonova N., Sulaymonova K. About the copies of Mahmud Zamakhshary's book "Atwaqu-z-zahab fi-l-mavoiz va-l-khutab" \\ "The Advanced science" журнали. Америка Қўшма Штатлари. 2014 № 9. – 90-92-б.
12. Sulaymonova N. Source study of Makhmud Zamakhshariy \\ Шарқшунос олима Аида Иманкулиева таваллудининг 75 йиллигига бағишлиланган "Şərq xalqlari ədəbiyyati: ənənə və müasirlik" Халқаро илмий конференция тўплами. I-қисм. Озарбайжон. Баку. 2014 йил 10-11 октябрь. – 686-688-б.
13. Сулаймонова Н., Сулаймонова К. Замахшарий асарлари манбашунослиги \\ АндДУ Илмий хабарномаси, 2014 № 4. – 84-88-б.
14. Сулаймонова Н. Баркамол шахс тарбиясида Маҳмуд Замахшарий асарларининг аҳамияти \\ Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар, 2014 № 3. – 40-44-б.
15. Сулаймонова Н., Сулаймонова К. Маҳмуд Замахшарийнинг ахлоқшуносликка оид асарлари \\ ҚарДУ хабарлари, 2014 № 3 (21). – 89-94-б.
16. Сулаймонова Н. Ҳадислар учун лугат ёхуд Маҳмуд Замахшарийнинг “Гариф ҳадислар ҳақида ажойиб асар”и хусусида \\ Тил ва адабиёт таълими, 2014 № 5. – 47-48-б.
17. Сулаймонова Н. Хоразмлик буюк аллома \\ Илм сарчашмалари, 2014 № 4. – 32-36-б.
18. Сулаймонова Н. Маҳмуд Замахшарийнинг тилшуносликдаги “Муфассал” асари \\ Давлат тили: Муаммо ва ечимлар. Мақолалар тўплами.– Т.: ТДЮИ, 2013. № 1. – 20-22-б.
19. Сулаймонова Н. Маҳмуд Замахшарийнинг “Асосу-л-балоға” лугатининг араб тилшунослигига тутган ўрни \\ “Марказий Осиёда луғатчилик: анъаналар ва ҳозирги замон илмий мактаблари” Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т.: ТДШИ, 2013 йил 27 апрель. – 60-64-б.
20. Сулаймонова Н., Сулаймонова К. “Кашшоф” тафсирининг тошбосма нусхалари \\ Шарқшунослик, 2012 № 2. – 15-21-б.
21. Сулаймонова Н., Сулаймонова К. Маҳмуд Замахшарийнинг Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида сакланаётган асарлари \\ Самарқанд давлат университетининг Илмий-тадқиқотлар ахборотномаси, 2010 № 4. – 79-81-б.

22. Сулаймонова Н. Маҳмуд Замахшарий асарларининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси сақланадиган тошбосма нусхалари \\"Фан ва инновация фаолиятини ривожлантиришда ёшларнинг роли" Илмий-амалий анжуман маъruzалари матни. – 2010 йил 22 октябрь. – 7-9-б.
23. Сулаймонова Н. Маҳмуд Замахшарий асарларининг тошбосма нусхалари хусусида \\"Тил ва адабиёт таълими, 2010 № 6. – 56-64-б.
24. Сулаймонова Н. "Асосу-л-балоға" нашри \\"Халқ таълими, 2006 № 4. – 82-86-б.
25. Сулаймонова Н. "Асосу-л-балоға"нинг қўлёзма ва нашр нусхалари \\"Тил ва адабиёт таълими, 2006 № 6. – 76-82-б.
26. Уватов У. Хоразмнинг олис юлдузлари // Шарқ юлдузи, 1991 № 2. – 185-б.
27. Халидов Б. З. Замахшари // Семитские языки. Выпуск 2 (ч. 2). – М.: Наука, 1965. – с 542-556.
28. Қориев Ў. З. Маҳмуд Замахшарийнинг «ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис» асаридаги лугат мақолалар хусусида баъзи фикрлар // Шарқ машъали, 1996 № 1-2. – 14-16-б.
29. Қориев Ў. З. Ҳадислар учун луғат // Шарқ машъали, 1996 № 1-2. – 6-7-б.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Замахшарий илмий мероси – жаҳон тадқиқотчилари нигоҳида	5
Маҳмуд Замахшарий асарларининг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мавжуд тошбосма нусхаларининг тавсифи	15
“Ал-Кашшоф фи ҳақоиқи ғавомиди-т-танзил ва уйуни-л- ақовил фи вужуҳи-т-таъвил” асари ва унинг тошбосма нусхалари	15
Маҳмуд Замахшарийнинг “Кашшоф” асарининг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ақланаётган тошбосма нусхаларидан лавҳалар	27
“Аъжабу-л-ажаб фи шарҳи ломияти-л-араб” асари ва унинг тошбосма нусхалари	36
“Навобигу-л-калим” асари ва унинг тошбосма нусхалари	38
“Атвоқу-з-заҳаб фи-л-мавоиз ва-л-хутаб” асари ва унинг тошбосма нусхалари	42
“Ал-Муфассал фи санъати-л-иъроб” асари ва унинг тошбосма нусхалари.....	48
“Ал-Унмузаж фи-н-наҳв” асари ва унинг тошбосма нусхалари	52

“Муқаддамату-л-адаб” асари ва унинг тошбосма нусхалари	55
Маҳмуд Замахшарий асарларининг Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мавжуд қўлёзма нусхаларининг тавсифи.....	59
“Кашшоф” асарининг қўлёзма нусхалари	59
“Ал-Муфассал” асарининг қўлёзма нусхалари	74
“Муқаддамату-л-адаб” асарининг қўлёзма нусхалари.....	81
“Ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис” асари ва унинг қўлёзма нусхалари.....	90
Маҳмуд Замахшарий асарларининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида мавжуд қўлёзма нусхалари.....	95
“Кашшоф” асарининг қўлёзма нусхаси.....	95
“Рабиъу-л-аброр” асарининг қўлёзма нусхаси.....	96
Маҳмуд Замахшарий асарларининг Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида мавжуд тошбосма нусхалари.....	97
“Кашшоф” асарининг тошбосма нусхалари.....	97
“Ал-Фоик фи ғариби-л-ҳадис” асарининг тошбосма нусхалари	105
“Муфассал” асарининг тошбосма нусхалари	106
“Унмузаж” асарининг тошбосма нусхалари.....	106

“Асосу-л-балога” асарининг тошбосма нусхалари.....	107
Махмуд Замахшарий асарларининг Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси кутубхонасида мавжуд нашр нусхалари.....	110
“Кашшоф” асарининг нашр нусхалари.....	110
Махмуд Замахшарийнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар хазинасида мавжуд асарлари.....	126
“Кашшоф” асарининг қўлёзма нусхалари.....	126
“Муқаддамату-л-адаб” асарининг қўлёзма нусхалари.....	127
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	128

Махмуд Замахшарийнинг Тошкент фондларида
сақланайтган асарларининг манбашунослик таҳлили.
Монография. – Тошкент: “BAYOZ”, 2020. – 136 б.

ISBN 978-9943-6368-4-2

УЎК: 37.016:74
КВК: 74.268.51

НИГОРА СУЛАЙМОНОВА

**МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙНИНГ
ТОШКЕНТ ФОНДЛАРИДА
САҚЛАНАЁТГАН АСАРЛАРИНИНГ
МАНБАШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ**

Техник муҳаррир Шоҳруҳ Ботиров
Дизайнер Баҳодир Тўхлиев
Саҳифаловчи Бекзод Рахматов

Нашиёр лицензияси: АI №234, 11. 02. 2013.

Босишига рухсат этилди: 03.06.2020.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 60x84 1/16.

Times гарнитураси. Офсет босма.

Ҳисоб нашриёти: 5,66. Шартли б.т: 8,5.

Адади 500 нусха. Буюртма № 15.

“BAYOZ” нашриётида нашрга тайёрланди

“BAYOZ” МЧЖ матбаа корхонасида чоп этилди.
Тошкент. Лутфкор 1-тор кўчаси, 1-уй.